

САЙЕРА ТУЙЧИЕВА

# Э Л И М

ШЕЪРЛАР


ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЕТИ  
2000

Истеъдодли шоирамиз Сайёра Тўйчиеванинг номи бугунги кунда адабиёт ва санъат мухлисларига яхши таниш. Унинг бир қатор шеърларига куйлар басталаниб, таниқли ҳофизлар, ёш хонандалар тилига тушди, дилдан дилга кўчди. Бу — шоир аҳли учун энг катта мукофот, эътироф нишонасидир.

«Элим» деб номланган мазкур шеърлар тўпламига шоиранинг «Вафо бўлиб уйғонаман», «Мен сени қизғонаман», «Кўзларингни соғинаман» каби китобларига кирган ва сўнгги йилларда битилган шеърлари асос бўлди. Ватанга муҳаббат, азиз элига садоқат, унинг табиатига мафтункорлик, ишқ-вафони улуғлаш — янги китобнинг асосий мундарижасини ташкил этади.

Маъсул муҳаррир:  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

NO 25804  
2 81



1 4702620202—з-430  
М 355 (14)—2009

Рез. 2000

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нашриёти, 2000 йил

ISBN 5—648—02688—9

## ШОИРАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Сайёра Тўйчиева, айниқса кейинги йилларда тенгдошлари сафида яққол кўзга ташланиб келаётган истеъдодли қизларимиздан биридир.

Сайёранинг ижоддаги фазилатлари қай йўсинда намоён бўлаётир? Бунинг биринчи белгиси, шубҳасиз Сайёра шеърларининг ғоят ўзига хослигидадир. Сир эмас, адабиётимиз майдонида ғайрат кўрғазиб, ижод қилаётган кўпгина ёшларимизда мана шу жиҳат, яъни илмий ибора билан айтганда, оригиналлик еттимайроқ туради. Сайёранинг шеърларини эса айнан бир мавзуда ёзилган ўнлаб, балки юзлаб шеърлар орасидан ҳеч бир адашмасдан таниб оلسа бўлади.

Қизимизнинг ижодида самимийлик, айтиш мумкин-ки, барқ уриб туради. У табаррук Ўзбекистонимизни куйлайдими, она юрти — Жиззахни васф этадими ёки жажжи фарзанд Муҳаммадга туганмас оналик меҳрини байтларга тизадими, фахриялар ёзадими, инсоний армонларини тўкиб соладими — барибир у қаршингизда Сайёра бўлиб, очиқ, дилкаш чеҳра билан кулиб тураверади. Булар ўзини шоир санаган одам учун жуда катта хислатлардир. Бир қатор шеърларига куйлар басталаниб, таниқли хонандалар тилидин ижро этилаётгани ҳам шоиранинг қалб сатрлари ҳаётийлиги, халқчиллигидан дарак беради.

Мен Сайёрага бадий ижод билан, демакки шеърят билан бундан буён аввалгидан ҳам жиддийроқ, астойдил шуғулланишини маслаҳат берардим. Тўғри, Сайёра Тўйчиева фалсафа билан қизиқиб, илмий ишлар қилди ва бу соҳадаги изланишларини, тадқиқотларини давом эттираётир. Яъни у олима ҳамдир.

Тўғри, Сайёра Тўйчиева жамоат ишлари билан неча йиллардан буён машғул. Унинг ушбу соҳадаги фойдалигини ҳам албатта, ибратли ва фойдали деб ҳисоб-

лайман, бироқ ҳаёт тажрибаси, турмушдан олинган турли-туман таассуротлар, илм йўлида орттирилган катта умумлашма хулосалар бадииятга айланиб, қорозга тушса нур устига нур бўлмай, ундан қанчадан-қанча мухлислар баҳраманд бўлиб, адабиётимиз ҳам бойидай!

Чинакам халқчиллик, куйинчаклик, шижоат, фидойилик, самимият, оҳори тўкилмаган ташбеҳларни топа билиш каби ноёб хислатлар Сайёра ижодига бундан буён ҳам ёру йўлдош бўлишини дил-дилдан тилайман.

**Абдулла ОРИПОВ,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

## ЭЛИМ

Бу тууроқнинг фарзандлари бек бўлади,  
Топган-тутган давлатлари эрк бўлади,  
Илдизлари Ҳазрати Ўзбек бўлади,  
Бешигида авлиёлар ўсган элим,  
Садоқатни Юртбошингдан ўрган, элим!

Ҳар ёнга боқ!  
Бундайни юрт қай ерда бор,  
Етти йилнинг қадамлари қутлуғ, залвор,  
Шундай юртга бахш этмасанг жон ҳам бекор,  
Тууроқини кўзларингга суртгин, элим,  
Саховатни Юртбошингдан ўрган, элим!

Ватан деган Темурларнинг руҳи тирик,  
Ватан деган Бобурларнинг руҳи тирик,  
Жалолиддин — ботирларнинг руҳи тирик,  
Қанча-қанча синовларни кўрган, элим,  
Матонатни Юртбошингдан ўрган, элим!

Қуёш юзин қай бир нокас тўсар, дерлар,  
Ўзингники ўзагингни кесар, дерлар,  
Номардларнинг қарғишдан қоп қусар, дерлар,  
Нонкўрларга инсоф, имон тутган, элим,  
Оқибатни Юртбошингдан ўрган, элим!

Йигирма тўрт миллион халқни болам деган,  
Тенглар ичра тенг бул халқим сен ҳам деган,  
Шахнинг кўриб, қойил қолсин олам деган —  
Фарзандига оқ фотиҳа берган, элим,  
Шижоатни Юртбошингдан ўрган элим!

Бирлашайлик!  
Бирлашганда ҳикмат кўпдир,  
Иўлимизда паст-у баланд заҳмат кўпдир,  
Олтин юртда бизга деган неъмат кўпдир,  
Келажаги тонгдай ёруғ бўлган, элим,  
Жасоратни Юртбошингдан ўрган, элим!

16 феврал 1999 йили

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Сен бор учун кўкка етди қадрим менинг,  
Ўзинга хон, ўзинга бек даврим менинг.  
Қароғингга меҳр бўлиб тўкилайин —  
Юрагидай бағри тоза халқим менинг,  
Борлигимсан, бойлигимсан, жон-жаҳоним,  
Ўзингга ўхшаши йўқ, Ўзбекистоним!

Сен отамдан қолган доно қўшигимсан,  
Сен онамдан қолган тилло бешигимсан.  
Кимни ҳам бор сендан яқин, сендан азиз,  
Сифинганим, соғинганим, суюгимсан.  
Етмиш икки томиримда оққан қоним —  
Ўзингга ўхшаши йўқ, Ўзбекистоним!

Жонга туташ олтин унган далаларинг,  
Тандирингга қуёш қўнган паллаларинг.  
Мағрур, ўктам қоматингга кўз тегмасин —  
Кўзмунчоқлар бўлсин биздай болаларинг.  
Кўзтуморим, сўзда борим пок иймоним,  
Ўзингга ўхшаши йўқ, Ўзбекистоним!

Ҳаётдир бу — яхши ҳам ёмон ўтади,  
Эл қадрига элим деган мард етади.  
Озод юртин дунёларга олиб чиққан —  
Султонини асрай билган халқ ютади.  
Қуёш, ой-у юлдуз тўла дастурхоним —  
Ўзингга ўхшаши йўқ, Ўзбекистоним!

Йўқлаб келса наврўзларим, кўкламларим,  
Қучоғимга босай дўст-у биродарим.  
Етти пуштинг кўрмаган тўй қутлуғ бўлсин —  
Хизир назар қилган юртим, пайғамбарим.  
Болам десаиғ тупроқ ўлсин маши жоним —  
Ўзингга ўхшаши йўқ, Ўзбекистоним!

### ЎЗИНГГА БУЮРСИН, ЭЛИМ!

Қадамнинг забардаст, нигоҳинг тетик,  
Қуларинг ой эмас, йилга етгулик,  
Қандай таъриф топай чин, арзигудик,  
Имкоминг ўзингга буюрсин, элим!

Барака ёққанда самоларингдан —  
Эзгулик аримас дуоларингдан,

Навой қайтганда наволарнингга —  
Бўстониң ўзингга буюрсин, элим!

Мардлари кўп элга чўтмас ҳеч довоң,  
Ўғиллар ўстирдиң бешиги — нймон,  
Йиқилсанг суяган, суринсанг дармон —  
Султониң ўзингга буюрсин, элим!

Ватандиң айру не бахт-у саодат,  
Сўнги дамиңгача гамхўру ҳамдард,  
Бир сиқим тупроғиң унутма фақат —  
Ошениң ўзингга буюрсин, элим!

На хуш ёруғ сўзсан тилакларимда,  
Мисли йўқ уммонсан юракларимда,  
Ўлсам, сингиб кетар суякларимга,  
Макониң ўзингга буюрсин, элим!

Сени суймоқ камдир, фидолик фарзим,  
Боламга атаган қиёмат қарзим,  
Ватан, томиримда жонимсан ўзинг,  
Даврониң ўзингга буюрсин, элим!

### БИЗ КЕЧИРИМЛИ ХАЛҚМИЗ

Озод юртниң бургутлари сор бўлади,  
Сор бургутниң қанотлари ор бўлади,  
Диёнатли йигитга бахт ёр бўлади,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Кўзиниңи оч, каттароқ оч ғофил, укам,  
Ғофилликдан қай бир мурод ҳосил, укам,  
Одил юртниң султони ҳам одил, укам,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Ғафлат босиб, кундай ёруғ йўлдан чиқма,  
Оқ сут билан тапга кирган тилдан чиқма,  
Йўлдан чиқсанг ҳамки, укам, элдан чиқма,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Беш асрим лаънатлашар Абдуллатиф,  
Не бахт топди отасига қўл кўтариб,  
Падаркушни қўлламағай ҳатто ғариб,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Эгилган бош қилличларга тўғри бўлмас,  
Адолатнинг бўйи сира букри бўлмас,  
Зор қолади зоғлигича, қумри бўлмас,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Хатоларинг англамасанг, кеч бўлади,  
Кимки номард — балоларга дуч бўлади,  
Юртдан ўзга топилган бахт пуч бўлади,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Йўқса кўзинг очиқ туриб, кўр бўласан,  
Ота-онанг манглайинга шўр бўласан,  
Жону танинг қай тупроқда хор бўласан,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Наслинг ўзбек бўлганига шукур қилгин,  
Шундай элда ўсганиннга шукур қилгин,  
Гуноҳингдан ўтганига шукур қилгин,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Нонкўрларга ҳаром эрур юрт нонлари,  
Ёқасидан тутар Ҳадис, Қуръонлари,  
Қовурғасин эзиб қўяр полвонлари,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Шу инсонга боласидай қанот бўлгин,  
Истиқлолнинг йўлларида мадад бўлгин,  
Қаддингни тут!

Ватаниннга қувват бўлгин,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

Биз барчамиз қариндошимиз қошу кўздек,  
Дунёга боқ!

Толен нақд ким бор биздек,  
Қуёш сари йўл олмоқда Ҳазрат Ўзбек,  
Адашгани кечиради ўзбек халқим.

### ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ

Сор келбатли кучга тўлган билакларим,  
Шижоатда арслонсифат юракларим,  
Куйларимга қубилмоқда тилакларим,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!



Акаммисиз, укаммисиз, биродарим,  
Юрт сўраса, жонини ҳам берганларим,  
Байроғининг юзларидан ўлгонларим,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Қонингизда Алпомишнинг қони оқар,  
Жалолиддин шиддатлари жонга ёқар,  
Мухлис сизмас майдон фақат Сизга боқар,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Шу гапимини нақд юракка ёзиб қўйинг,  
Ориятни тумор қилиб тизиб қўйинг,  
Гиламларда курашларини эзиб қўйинг,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Ватан асли отамиздан қолган Ватан,  
Курашларининг ҳадисини олган Ватан,  
Полвонлари фақат ғолиб келган Ватан,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Давраларда мағрур сизнинг мард бошингиз,  
Тоғни қучар кенг ёйсангиз қулочингиз,  
Жасоратда пбрат бўлсин Юртбошингиз,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Сиз-ку ахир юртга ёйган элининг номин,  
Азиз юртининг обрўси-ю шараф-шонин,  
«Ё пирим» денг!

Тапгри қўллар, қани, Омин,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

Бекасам тўн ярашганда бўйингизда,  
Бизлар бедор яшайлик-эй кўйингизда,  
Оғаларим!

Соврин қолсин ўзимизда,  
Бўш келманг-эй, Ўзбекистон полвонлари!

### АЗИЗ ЭЛГА

Бу боғларнинг булбуллари қариндошим,  
Бу тоғларнинг шаршараси қорасочим,  
Бу тоғларнинг шудринглари кўзда ёшим,  
Азиз элга айтадиган ўланам кўп.

Олтин унган далаларни ўпгим келди,  
Куёш қўнган паллаларни ўпгим келди,  
Темур туққан оналарни ўпгим келди,  
Азиз элга айтадиган ўланним кўп.

Лочин кушнинг қанотлари жуфт бўлади,  
Содиқ дўсту биродари кўп бўлади,  
Элим, ҳали омадларинг хўб бўлади,  
Азиз элга айтадиган ўланним кўп.

Керак пайти чақмоқ сўзни топиб айтдим,  
Ҳалол сўзни куйиб айтдим, ёниб айтдим,  
Дардларимга атиргулни ёпиб айтдим,  
Азиз элга айтадиган ўланним кўп.

Кўнглил хумор дўтор, таңбур хўш сасига,  
Нафас урдим Моҳларойим нафасига,  
Беш кетаман беқасаму атласига  
Азиз элга айтадиган ўланним кўп.

Навоийнинг назми мерос таъбириман,  
Хизир назар қилган юртнинг томириман,  
Мен Ўзбекининг ёниб турган шоириман,  
Азиз элга айтадиган ўланним кўп.

### БИР-БИРИНГИНИ АСРА, ЎЗБЕГИМ

Дилнинг тутан икки қошнинг орасидай,  
Меҳринг оташ кўзгинангининг қорасидай,  
Сўз айлансин сендан сўзнинг сарасидай,  
Бир-бирингини асра энди, жон ўзбегим!

Бир майизни қирқ бўлакка бўлиб еган —  
Ахил элга ёмонлик ҳам юқмас экан,  
Бўлмаганга бўлишмайди омад деган —  
Бир-бирингини асра энди, жон ўзбегим!

Бўлса агар осмонинг-ч еринг битта,  
Қуёшнинг бир, сувинг битта, тилнинг битта,  
Бир-бирингини аяб севсин элинг битта,  
Бир-бирингини асра энди, жон ўзбегим!

Ўзингники ёв бўлмаса, ёвлар қани,  
Оқил бўлсанг, одил бўлсанг, ғовлар қани,  
Алпомишга исм қўйган довлар қани,  
Бир-бирингини асра энди, жон ўзбегим!

Дарёдиллик, бағрикенглик ўзбекка хос,  
Тотув бўлсанг, топганинг бахт бўлар холос —  
Биргалашиб Туркистонни бағрингга бос —  
Бир-бирингни асра энди, жон ўзбегим!

### НИДО

Биз имонни бут элмиз, чет йўлларга юрмаймиз,  
Кўзи тоза денгизмиз, балчиқларни кўрмаймиз,  
Отамерос бу юртни нокасларга бермаймиз,  
Сизга тикланган ўққа бу жонлар нисор бўлсин!

Қайси бир халқ меҳнаткаш, қадамидан ўт чиқар,  
Албатта насибаси бутун чиқар, бут чиқар,  
Ўзбек эмас қай нисон шу сўзга унут чиқар,  
Сизга тикланган ўққа бу жонлар нисор бўлсин!

Бардам бўлинг!  
Мустаҳкам қуриб қўйган қалъангиз,  
Буғдойлари саллониб таъзим қилган далангиз,  
Сизга қалқон биздаин юзлаб, минглаб болангиз,  
Сизга тикланган ўққа бу жонлар нисор бўлсин!

### ХАЙРАТ

*Республика мустақиллигининг  
8 йиллигига бағишлаб Санзор  
бўйида ажойиб иншоот қурилди.  
Тўнги чироқларнинг оғушида  
порлаётган бу манзарани кўриб,  
хаёлимга шу сатрлар келди.*

Бу қандай мўъжиза?

Қандай гўзаллик —  
Боқсанг тафаккуринг ёришиб кетар.  
Зумрад ниятларинг алвон рангларда  
Рангин самоларга қоришиб кетар.

Атиргулдай ёнган чаманзор аро  
Хайрат дунёсига тушмоғинг тайин.  
Кўзинг билан суйиб ёзолмасанг ё —  
Шоирлигинг бир тийин, шеъринг бир тийин.

Сув билан нур ичра ажойиб манзил,  
Осмонда ой ҳайрон, юлдузлар ҳайрон.  
Бунчаям ижоднинг мукамал, оқил —  
Жамл мўъжизанинг гултожи, инсон.

Ўзбекининг меҳнати ҳалол, муқаррар,  
Ғайрати ичига сиғмаган жон бу.  
Сангзор соҳилида чароғон шаҳар —  
Ёғдуларга кўмилган Ўзбекистон бу!

25 август 1999 йил

### МАДҲИЯ

Гулга гул қўшилса, санъат бўлади,  
Тилга дил қўшилса, миллат бўлади,  
Элга эл қўшилса, давлат бўлади,  
Давлатнингдан айланай, ўзимнинг элим!

Пахтангдай беғубор сенинг юрагинг,  
Кетмонлар соғинар чайир билагинг,  
Худоё ер кўрмасин ботир курагинг,  
Савлатнингдан айланай, ўзимнинг элим!

Сабр, динатни кўзда тутган халқ,  
Элнинг тинчлигини сўзда тутган халқ,  
Жаҳнати бўлади рўза тутган халқ,  
Ҳайитнингдан айланай, ўзимнинг элим!

Нью-Йоркдан кўринса бўйларинг сенинг,  
Ўзбекча таралса куйларинг сенинг,  
Имондан бичилган кўйлагинг сенинг,  
Иффатингдан айланай, ўзимнинг элим!

Эъозлай меҳрдай поёндоз билан,  
Мен сени севаман чин ихлос билан,  
Дуолар қилайин жойнамоз билан,  
Умнатингдан айланай, ўзимнинг элим!

Сени етти иқлим таи олгани рост,  
Мадҳнинг қўшиқ бўлиб, таралгани рост,  
Воз кечган хешларинг талпингани рост,  
Кудратингдан айланай, ўзимнинг элим!

Баҳорнинг рангидан қўлнингда байроқ,  
Бир юрт кўрмайин-ей, сендан ҳам бойроқ.

Кўз тегиб қолмасин, қўрқаман бироқ,  
Шухратингдан айлашай, ўзимнинг элим!

Руҳи омон бўлсин Темурларингнинг,  
Кўзи очик кетган Бобурларингнинг,  
Банди узилмасин томирларингнинг,  
Қисматингдан айланайин, ўзимнинг элим!

Пир билдим дили пок имомларингни,  
Аёлинга кўрсатган икромларингни,  
Корачингга асра Исломларингни,  
Омадингдан айланай, ўзимнинг элим!

Шарқнинг дарвозасин эгаси — ўзбек,  
Мусулмон дунёсин эркаси — ўзбек,  
Энг тўқин дастурхоннинг бекаси ўзбек,  
Неъматингдан айланай, ўзимнинг элим!

Кўп кўрдим дунёда гулзораларни,  
Юрт дардида, гул дардида овораларни,  
Булбулдай сайратиб қўй Сайёраларни,  
Мен сендан айланай, ўзимнинг элим!

#### ПОК НОМА БИТДИМ...

Элим, хўб чиройли байрамларинг бор,  
Кўксинг уэра қотган азобларинг бор,  
Энди йўлинг ойдин, келажакинг оқ —  
Эртангни ёритган офтобларинг бор.

Ҳар бандин кўзимга тўтпё айлай,  
Қуръондай муқаддас китобларинг бор.  
Беш юз йил нардан ҳайқириб турган  
Алишердай ўткир хитобларинг бор.

Тоғмаҳал чақнайди Бобур изидан,  
Туронга етолмаган шитобларинг бор.  
Улугбек,

Мен ундан узр сўрайман,  
Нетайким, оқпадар каззобларинг бор.

Бибисининг қадрин бошда кўтарган  
Темурдай элпарвар арбобларинг бор.  
Ёрқентни аламли фиғон тутган —  
Фурқатларинг ичган шаробларинг бор.

Сатрлар йиғлайди ўқиганим дам,  
Қодирийни ютган меҳробларинг бор.  
Усмон, Чўлпонларга қўшиб кўмилган  
Четда қолиб кетган рубобларинг бор.

Энди фақат сени жаннат паласин,  
Жаннатларга монанд савобларинг бор.  
Ҳеч бўлмаса йилда бир эслаб қўйгин-ей,  
Сени деб эси кетган Шарофларинг бор.

Авлодлар номига пок нома битдим,  
Ҳокм пойларига тавобларинг бор,  
Сени куйламасам, тузалмас дардим,  
Кўйингда мендайин бетобларинг бор.

Эрларинг дўппини орият билса,  
Аёлларга поклик — ҳижобларинг бор.  
Худонинг ўнг кўзи сўроқлаб турсин,  
Чунки қиёматнинг жавоблари бор.

Элим, хўб чиройли байрамларинг бор..

#### ТЕМУР ФАРЕДИ

Яна келдим.

Қўзғалманг, она,  
Сумалаклар обкелдим, мана,  
Нима дейин, не дейин яна,  
Беклигимни кўрмаган онам.

Султон бўлдим, бир юртни сўраб,  
Бўйим ўсар шу элга қараб,  
Ҳамма бутун, мен ярим, ёраб,  
Беклигимни кўрмаган онам.

Бекман, юртга шунча азизман,  
Ўзим чинор, ўзим палдизман,  
Лекин сизсиз жуда ёлғизман,  
Беклигимни кўрмаган онам.

Эркаланиб, чин суёлмадим,  
Кўзингизга термулолмадим,  
Оқ рўмоллар оберолмадим,  
Беклигимни кўрмаган онам.

Устим кўркам, дастурхоним тўқ,  
Юрагимда ловуллайдим чўғ,  
Бу дунёда сиздақаси йўқ,  
Беклигимни кўрмаган онам.

Туринг десам, турмаган онам,  
Енгинамда юрмаган онам,  
Бир ёруғ кун кўрмаган онам,  
Тушларимга кирмаган онам,  
Пешонамга сизмаган онам.

### ҚАЙТГИН, БОЛАМ

Азон ўқиб, шом бўлади, кун ботмайди,  
Кун ботсаям вақт ўтмайди, тонг отмайди,  
«Ота» деган товушгинанг уйғотмайди,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Юрак бағрим эзилди-ей, зангор бўлди,  
Бемор онанг адо бўлди, абгор бўлди,  
Қўзларимиз йўлларингда бедор бўлди,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Ватансизлар Ватан қадрин қайдан билсин,  
Падаркушлар ота қадрин қайдан билсин,  
Ярим кўнглим, болам, сенсиз қапдай тўлсин,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Кўряпсанми, бизнинг юртдан қуёш чиқар,  
Тоza нури соғинчингга сирдош чиқар,  
Юртга қайтсанг, ҳақ ҳам сенга йўлдош чиқар,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Не азобда уйлантириб, уй қилувдим,  
Бир бошингни икки қилиб, тўй қилувдим,  
Эгингга эн, бўйгинангга бўй бўлувдим,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Не қиларсан, имонсиздан имон сўраб,  
Юртга ўқ отганлардан имкон сўраб,  
Сарсонгина юрибсанми, макон сўраб,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Тушларимга кирсанг битта сўз тортади,  
Тандирдаги несинқ нондай юз тортади,  
Киндигингни кесган еру туз тортади,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Эл юзига оёқ тираб шайх бўлмассан,  
Саргардону сарсон юртда бахт кўрмассан,  
Кеч бўлади, кейин сира улгурмассан,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

Икки дунё унутмагин битта сўзим,  
Ҳар банда ҳам ўз юртида, азиз кўзим,  
Ўзинг келиб ёпгин очиқ қолган кўзим,  
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам!

### ИШОНИНГ!

Эркак ор-у номусини ололмаса қўлнга,  
Аёл туққан боласини сололмаса йўлнга,  
Иккиси жонин фидо қилолмаса элига,  
Шароф ота қабридан туриб келар, ишонинг!

Сизга деган кунларни заиғ босмасин, илойим,  
Куёш сиздан илгари уйғонмасин, илойим,  
Даврларда қадрингиз йўқолмасин, илойим,  
Келажак ҳам ярқираб, кулиб келар, ишонинг!

Тирик бўлса ҳар кимда юракда виждон битта,  
Ўзбекча қилиб айтсам, эътиқод, имон битта,  
Биз бир бўлиб бирлашсак Ватап битта, нон битта,  
Оллоҳим ҳам омадни билиб берар, ишонинг!

### АЁЛИНИ АЛҚАГАН ЭЛ

Гул бир тараф, чечак бир тараф,  
Чарчамайсан таърифлар сўраб,  
Ўзбек бўлиш — энг буюк шараф,  
Аёлини алқаган элда.

Бу дунёга Темурлар берган,  
Алпомишлар, Бобурлар берган,  
Жалолддин — жасурлар берган,  
Аёлини алқаган элда.

Тола бўлсин осмонлари ҳам,  
Болалари тетик ва бардам,  
Уйларидан аримас кўклам,  
Аёлини алқаган элда.



Хонадоннинг ёнар чироғи,  
Бекасининг суянган тоғи,  
Эркакларин маҳкам белбоғи,  
Аёлини алқаган элда.

Йилдан-йилга йил азиз бўлди,  
Мен сиғинган эл азиз бўлди,  
Аёл — тоза гул азиз бўлди,  
Аёлини алқаган элда.

Офтобнусха Ўзбекойимлар,  
Тўмарислар — Офтобойимлар,  
Бир қўзғалинг Бибиҳонимлар,  
Аёлини алқаган элда.

Сенинг учун, йўқ таъриф, тимсол,  
Ўсмалари ўзбекча аёл,  
Хаёлимда оққушсан ҳалол,  
Аёлини алқаган элда.

Яхши сўзга қодир бўламан,  
Таъриф учун моҳир бўламан,  
Эҳ, мен ҳам бир кун шоир бўламан,  
Аёлини алқаган элда.

#### ХОРИЖЛИК ЎЗБЕКЛАР ҚУШИҒИ

Ўзбек юртим, она юртим, озод юртим,  
Сендан айру юриб, айтгин не ҳам кўрдим,  
Қайда бўлмай меҳр деган илинж тердим,  
Юрагимнинг теграсида қолган Ватан.

Бунча хушбўй, садарайҳон ҳаволаринг,  
Узоқларда соғинч билан даволадинг,  
Қорачиғим тўла сенинг зиёларинг,  
Кўзларимнинг қорасида қолган Ватан.

Тушларимга кирдинг гоҳо онам бўлиб,  
Қалдирғочлар паноҳ топган кўклам бўлиб,  
Бўйинг қучиб йиғлай энди тўлиб-тўлиб,  
Қошларимнинг орасида қолган Ватан.

Айланайин болам деган сўроғингдан,  
Ўзбекона меҳр тўлган қароғингдан,  
Сўнгги куним кўрпалар қил тупроғингдан,  
Сўзларимнинг сарасида қолган Ватан!

## ВАТАН

Қизиқ дунё бу дунё тош тарозу бўлакча,  
Кимга шаробдур nasib, кимга оғу бўлакча,  
Ким дунёнинг нархини моли билан ўлчайди,  
Кимга Ватан бебаҳо, меҳр, мавзу бўлакча.  
Ватанни билмаганда тўхтар юрак уришдан,  
Тарқалганмиз туркийдек ноёб хамиртуришдан,  
Ватан деса не учун кўнгилда яшнар қуёш,  
Ватан деса қуёшлар чарақлайди кулгучда.  
Динини ютганларнинг оғриқ жойлари — Ватан,  
Бетобут кетганларнинг хоки пойлари — Ватан,  
Ватан бу тандирдаги иссиқ нонларнинг таъми,  
Дилнинг туби-тубидан чиққан куйлари — Ватан.  
Ватан ҳар недан азиз, ҳар нарсадан муқаддас,  
Мағзини англай десанг, бир кафт тупроқ ҳидин туй,  
Мен банди Муҳаммад, чин мусулмонман десанг,  
Ўзбекистон деган номни юрагингга ёзиб қуй.

### ХУШ КЕЛИБСАН, НАВРЎЗИМ!

Осмоннинг юрагини булутлар тешиб кетди,  
Қарғалар қишни олиб шимолга учиб кетди,  
Дарёлар ўзанидан ҳайқириб тошиб кетди,  
Суюк Ўзбекистонга хуш келибсан, Наврўзим!

Замин уйқудан туриб энтикиб олар нафас,  
Бинафшалар кулади сенга қараб беғараз,  
Баҳорнинг йўлларида яшар ишқ, яшар ҳавас,  
Суюк Ўзбекистонга хуш келибсан, Наврўзим!

Қирлар қўлингдан тортиб, тоғлар томон етаклар,  
Пойингга алвон лола тўкар этак-этаклаб,  
Чор атрофинг беҳиштдир, бир жаннат этаклар,  
Суюк Ўзбекистонга хуш келибсан, Наврўзим!

Мажнунтоллар қуёшнинг сочларини тараса,  
Оппоқ ўрик гулларига мафтун бўлиб қарасанг,  
Қаниди, шу гўзалликка сўз айтмоққа ярасанг,  
Суюк Ўзбекистонга хуш келибсан, Наврўзим!

Ҳайратнинг рангларини чизиб бергин, баҳорим,  
Сенга пайванд дилларга тўзим бергин, баҳорим,  
Менга бир покиза шеър ёзиб бергин, баҳорим,  
Суюк Ўзбекистонга хуш келибсан, Наврўзим!

## ЖИЗЗАХ АЛЕРИ

Темур ўтган бу юртларда  
фидойи жонлар яшар,  
Ўзига хон, ўзига бек соҳиб  
замонлар яшар.

Боғларида гул ундирган,  
тоғларида дур ундирган,  
Бўлмагани бўлдирган  
тилло имконлар яшар.

Жиззахларда кимлар яшар,  
танги деҳқонлар яшар,  
Ўз сўзида вафоси бор  
кўнгли осмонлар яшар.

Бахмалмиди, Ғаллаорол  
жаннатлардан не фарқи бор,  
Буғдойлари таъзим берган тоғдай  
хирмонлар яшар.

Жиззахларда кимлар яшар —  
марду майдонлар яшар,  
Алпомишу Барчинойдек  
тоза райхонлар яшар.

Юртбошига мадад бўлган,  
боласидай қанот бўлган,  
Туркистонга қувват бўлган  
қизу, ўғлонлар яшар.

Ватан менинг жону дилим,  
Қуёш томон борар йўлим,  
Сенга деган азиз элим  
қўшиқ, дostonлар яшар.

## ХУДО УМР БЕРСА...

Кўкдан тушган юлдуз бўламан,  
Ердан чиққан ялпиз бўламан,  
Сизга якка-ёлғиз бўламан,  
Худо умр берса, қўрасиз.

Дард йўласа, табиб бўламан,  
Ғам йўласа, ҳабиб бўламан,  
Шоҳ эрсангиз, ғариб бўламан,  
Худо умр берса, кўрасиз.

Парвонаман бўйингиздаги,  
Девонаман кўйингиздаги,  
Остонаман йўлингиздаги —  
Худо умр берса, кўрасиз.

Ёвингизга қалқон бўламан,  
Умрингизга посбон бўламан,  
Сал-пал тилн ёмон бўламан,  
Худо умр берса, кўрасиз.

Бўлиб тенгсиз ишқининг эгаси,  
Келар сизга дунё ҳаваси,  
Тополмайсиз мендайгинасни —  
Худо умр берса, кўрасиз.

#### ОЙ БОТМАДИ БУ КЕЧА

Ой ботмади бу кеча,  
Тонг отмади бу кеча,  
Омон қолдим бугунча,  
Сизни кўргим келяпди.

Баҳору қиш айланди,  
Унг билан туш айланди,  
Дилим беҳуш айланди,  
Сизни кўргим келяпди.

Кўзимда кўзтуморим,  
Соғинчлари бедорим,  
Муносиб, беозорим,  
Сизни кўргим келяпди.

Мурувват кутиб сиздан,  
Сўз дейишга ожизман,  
Бугун жуда ёлғизман,  
Сизни кўргим келяпди.

\* \* \*

Сизни кўрган кунимда ўзгача эди олам,  
Сизни кўрган кунимда минг бир товланди ранглар,  
Сизни кўрган кунимда дилимга баҳор ҳамдам —  
Оқариб кўринарди орзули, мавжли тонглар.

Сизни кўрган кунимда Оймомо тўлини эди,  
Гўё яшнаб, яшарган ўн кунлик келини эди.  
Шеърдай қуюлиб келиб, қоғозга ойдин кеча —  
Ой нурлари бағримда чандон яширин эди.

Сизни кўрган кунимда бошқача эди олам...

### СИЗ МЕНГА ЁҚАСИЗ

Бунчаям тозасиз, бунчаям ширин,  
Ғамхўр кўзингизда дардим яширин,  
Сифатларингизнинг айтай қай бирин,  
Сиз менга ёқасиз, ёқасиз жуда.

Офтоб дилингнининг меҳридан қонай,  
Асал тилингнининг сеҳридан қонай,  
Рашкли сўроғингиз заҳридан қонай,  
Сиз менга ёқасиз, ёқасиз жуда.

Ўйлайман, ўйлайман, сира тишчим йўқ,  
Сизни қизғанмоқдан зўр ташвишим йўқ,  
Бошқаларда меннинг дарду ҳушим йўқ,  
Сиз менга ёқасиз ёқасиз жуда.

Сиз менинг борлигим, дардим, гулоим,  
Бўйингиз кўрмасам қиёмат қойим,  
Илоё кўп кўрмасин сизни худойим,  
Сиз менга ёқасиз, ёқасиз жуда.

### СОҒИНДИМ

Қўйинг, бу дунёнинг ғавғоларини,  
Боши бор, сўнги йўқ ғалволарини —  
Бераҳм, бешафқат савдоларини  
Мен сизни соғиндим, соғиниб кетдим.

Еганим ичимга тушмайди, нетай,  
Бир куним азобсиз ўтмайди, нетай,  
Кўнглим яралари битмайди, нетай,  
Мен сизни соғиндим, соғиниб кетдим.

Тўйдим, ҳар кунимнинг ёлғонларидан,  
Дилимга ўт қўйган ёмонларидан,  
Бир сўзи икки хил инсонларидан,  
Мен сизни соғиндим, соғиниб кетдим.

Топган бор бойлигим, бахтим, ғурурим,  
Ҳеч кимга ишонмаган покиза сирим,  
Жуда кўргим келди, сизни, ғамхўрим —  
Мен сизни соғиндим, соғиниб кетдим.

### АЛАМ

Қошингизга гўзалларни чорлайверинг,  
Дилларида қуёш бўлиб порлайверинг,  
Ёлғондакам меҳр билан сийлайверинг,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

Ҳар бир гулнинг ўзгачами ёки атри,  
Наҳот шунча паст бўлади меҳр қадри,  
Кечалари қон йиғлайди ёзган сатрим,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

Майли, менинг юракларим тутун бўлсин,  
Сизни деган соғинчларим тугун бўлсин,  
Яримта дил сизсиз қандай бутун бўлсин,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

Алам қилмас, сизни менча севолсалар,  
Бўйингизга қурбон бўлиб куёлсалар,  
Чексиз рашкнинг азобига чидолсалар,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

Гарчи ғариб бўлсам, ҳамки кўнглим султон,  
Гарчи дилим яримтадир, бўйим осмон,  
Ўзимдан ҳам сизни севдим, севдим ёмон,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

Ҳаловат йўқ на йўғим, на боримдаям,  
Маъни йўқдир энг баъмани шеъримдаям,  
Шу гапимдан қайтмайман мен гўримдаям,  
Сиз барибир бир кун менга зор бўласиз.

### УШАЛМАГАН БАХТ

Осмон эдим, ерга ташлаб қўйиб мани,  
Ўзингиз-чи ўйнаб-кулиб юрибсизми?  
Икки кўзим гавҳарини ўйиб мани,  
Кўзгинангиз нурга тўлиб юрибсизми?

Бу дунёнинг ташвиши-ю азобидан  
Елкалари майиб бўлган бечораман.  
Ҳамма сизга яқин, ҳамма ширин бўлди,  
Биргина мен энди сизга бегонаман.

Тирикман-у томиримда жоним йўқдай,  
Ёлғизгина ширин сўзга муштоқ бўлдим.  
Кимлар осмон бўлди кўнгил уйингизда,  
Мен ер бўлдим, пойингизда тупроқ бўлдим.

Ўксинмагин, ўксинмагин пошшо кўнглим,  
Бедил юрак ишқ қадрига етармиди?  
Суймаганга суйканмагин дарё кўнглим,  
Энди сендан ортингни топармиди?

Билиб туриб кўзингдан қон оққанини  
Тахмин билан тухмат бўлди топганлари.  
Бир кўрармиз, омон бўлсак аҳволини,  
Муздай боллш бўлур энди ўлганлари?

Бир инсоннинг юрагини чил-чил қилиб —  
Муродимга етаман деб айтмангиз, ёр.  
Сиз ўшани топибсиз-ку суйиб, суйиб,  
Маҳкам ушланг, энди бизга қайтмангиз, ёр.

### ҚАЛАМҚОШИМ

Қаламқошим, кўзларингда ёш айланади,  
Кўзларингда ёшлар кўриб бош айланади,  
Гулузоринг ғамгин кўрсам, паришон кўрсам,  
Ғамхўргина юрагимда тош айланади.  
Ўргулайин, атиргулдай бўйингдан аканг,  
Бир кун келиб, телба бўлар кўйингда аканг.

Қаламқошим, бармоғингда тиллолар узук,  
Тушларимга кириб чиқар кўзларинг сузук,  
Ҳар кўрганда, майда-майда бағрим тилгунча,  
Бир сузулиб жоним олиб қўйганинг тузук,  
Рашклар тўла сўроғингдан, сўзингдан аканг,  
Тамом бўлай, бир қараб қўй, кўзингдан аканг.

Қаламқошим, ой чеҳрангга банда бўлайин,  
Жонгинамга жон бўлгин-а, жонда бўлайин,  
Тумор бўлай бўйинигдаги холдек ярашган,  
Нима бўлсам, майли фақат санда бўлайин.  
На дейишга сўз тополмай ожиз-да аканг,  
Дардинг билан куйиб кетган ҳофиз-да аканг.

## БЕШ КЕТАМАН

*«Беш кетаман шу қизчанинг қошларига».*  
*Садоий сўзм.*

Беш кетаман шу қизчанинг ҳолларига,  
Лабларида титраб турган болларига,  
Қарамайди чиқиб турсам йўлларига,  
Нима қилса, шу қошлари қалам қилсин,  
Қадримизга етмасалар алам қилсин.

Кўзларимни куйдиради ёноқлари,  
Суймагани суйдиради дудоқлари,  
Бунча ширин муҳаббатнинг сўроқлари,  
Нима қилса, шу қошлари қалам қилсин,  
Қадримизга етмасалар алам қилсин.

Дарвозасин бўйларидан бўйланаман,  
Қачон унинг севганига айланаман,  
Қарамаса бошқасига уйланаман,  
Нима қилса, шу қошлари қалам қилсин,  
Қадримизга етмасалар алам қилсин.

## БҮЙЛАРИ ҚИЁМАТИМ

Лабларининг устидаги ҳоллари тугмача гўзал,  
Марғилошнинг атласидан кўйлаги бурмача гўзал,  
Не қиламиз ошиғини кўзлари кўрмаса гўзал,  
Воҳ, арази омонат-ей,  
Воҳ, бўйлари қиёмат-ей.

Бизга насиб этармикан лабларининг чашмалари,  
Тамом бўлди ишқингизнинг биздай кўнгли ташналари,  
Ҳар замонда бир ўлдирар кўзингизнинг ишвалари,  
Воҳ, арази омонат-ей,  
Воҳ, бўйлари қиёмат-ей.

Исмингизни ўпдик, лекин ўзингизни ўполмадик,  
Минг айланиб, ўргилдигу ёнингиздан кетолмадик,  
Сиздайини тополмадик, сиздайини тополмадик,  
Воҳ, арази омонат-ей,  
Воҳ, бўйлари қиёмат-ей.



Қирқ гўзални орасида қирқ кокилин сайлаганим,  
Дўппа-дуруст бир йигитни ишқда бемор айлаганим,  
Энди қочиб кетолмайсиз, юрагимга бойлаганим,  
Воҳ, арази омонат-ей,  
Воҳ, бўйлари қиёмат-ей.

### БИР СЎЗ АЙТИНГ

Бир сўз айтинг, ярим дунём тўлиб кетсин,  
Бир сўз айтинг, аламларим ўлиб кетсин,  
Бир сўз айтинг, юрагимни тилиб кетсин,  
Бир сўз айтинг, шу сўздан сўнг омон қолай.

Бир сўз айтинг, атиргуллар рақсга тушсин,  
Қуёш ўрик гулларига кўйлак бичсин,  
Ҳасадларнинг, фитналарнинг номи ўчсин,  
Бир сўз айтинг, шу сўздан сўнг омон қолай.

Кипригимга нигоҳлари боғланган ёр,  
Бир бор боқиб юрак бағрим доғлаган ёр,  
Муҳаббатга қул бўлмоққа чоғланган ёр,  
Бир сўз айтинг, шу сўздан сўнг омон қолай.

Менга ёлғон дунё ичра меҳр керак,  
Ширин-ширин сўзингиздай сеҳр керак,  
Қадр-қиммат бу дунёда қадр керак,  
Бир сўз айтинг, шу сўздан сўнг омон қолай.

Сиз борсизким, кўнгли осмон Сайёраман,  
Ухситсангиз жаҳли ёмон Сайёраман,  
Васлингиз деб юрган омон Сайёраман,  
Бир сўз айтинг, шу сўздан сўнг омон қолай.

### СОҒИНИБ КЕТДИМ

Баҳор булутларни йиғди бу кеча,  
Яшин чақмоқларни туғди бу кеча,  
Дилга на шеър, на куй сиғди бу кеча,  
Энг ширин сўзингни соғиниб кетдим,  
Мен сенинг ўзингни соғиниб кетдим.

Бўйингга фидолар бўлайин дейман,  
Кўйингда адолар бўлайин дейман,  
Кўчангда гадолар бўлайин дейман,  
Энг ширин сўзингни соғиниб кетдим,  
Мен сенинг ўзингни соғиниб кетдим.

Оёгинг гардида гулласа жаннат,  
Шу жаннатга сиғмай қолсам мен фақат,  
Топганим шеър бўлса алал оқибат,  
Энг ширин сўзингни соғиниб кетдим,  
Мен сенинг ўзингни соғиниб кетдим.

Фараҳбахш, покиза куйдир муҳаббат,  
Энг азиз ва дилбар ўйдир муҳаббат,  
Мени шаробингга тўйдир, муҳаббат,  
Энг ширин сўзингни соғиниб кетдим,  
Мен сенинг ўзингни соғиниб кетдим.

### **МЕНИ ҲЕЧ КИМ ЎЗИНГИЗДАЙ ТУШУНМАЙДИ**

Қачон эди бахтли куним эслолмайман,  
Кўзим ёшга тўлиб турса йиғлолмайман,  
Кечалари тинч, хотиржам ухлолмайман,  
Мени ҳеч ким ўзингиздай тушунмайди.

Дардларимга баъзан дунё тор бўлади,  
Куйган кўнгил бир қўшиққа зор бўлади,  
Ўзбекчилик, излаб борсам, ор бўлади,  
Мени ҳеч ким ўзингиздай тушунмайди.

Жоним, ишққа ташна эдик тўймагандик,  
Чўғларига тор бергандик куймагандик,  
Ажралишиб кетамиз, деб суймагандик,  
Мени ҳеч ким ўзингиздай тушунмайди.

Йўлингизда райҳондайин увол бўлдим,  
Бир рўзғорга содиқ жуфти ҳалол бўлдим,  
Ўзи бутун, кўнгил ярим аёл бўлдим,  
Мени ҳеч ким ўзингиздай тушунмайди.

### **МЕНИКИСИЗ**

Совуқ қишнинг шивирн ёлғон,  
Оппоқ қорнинг ҳовури ёлғон,  
Тушларимнинг таъбири ёлғон,  
Меникисиз, сиз меникисиз!

Мендан ўтган аламлар ёлғон,  
Мени ютган ситамлар ёлғон,  
Сизсиз келган кўкламлар ёлғон,  
Меникисиз, сиз меникисиз!

Ёлғизликши кийганим ёлғон,  
Кимларнидир суйганим ёлғон,  
Сизни демай қўйганим ёлғон,  
Меникисиз, сиз меникисиз!

Ғамнинг узун бўйлари ёлғон,  
Кемтик дилнинг ўйлари ёлғон,  
Айрилиқнинг куйлари ёлғон,  
Меникисиз, сиз меникисиз!

Термуламан сизга яна ман,  
Фироқлардан тамом тонаман,  
Бугун олов бўлиб ёнаман,  
Меникисиз, сиз меникисиз!

### **УЗИНГИЗНИ КЎРГИМ КЕЛДИ**

Муҳаббатим ҳийло эмас,  
Сизсиз дунё дунё эмас,  
Ҳеч ким мендай фидо эмас,  
Ўзингизни кўргим келди.

Термуласиз ёниб, ёниб,  
Яшараман минг қувониб,  
Ҳижронлардан кетай тониб,  
Ўзингизни кўргим келди.

Бўйинидаги маржон қатор,  
Сиз унда зор, мен бунда зор,  
Бормикин мендай харидор,  
Ўзингизни кўргим келди.

Фироқларда қийналаман,  
Узун тунлар тўлғонаман,  
Ўзимдан ҳам қизғонаман,  
Ўзингизни кўргим келди.

### **СЕВИЛМАГАН КЕЛИНЧАК**

Армонлари тахмонига тахланган гул,  
Нозик кўнгли чўғлар аро доғланган  
Орзулари саробларга айланган гул,  
Севилмаган келинчак.

Чимилдигни чеккасида умид йиғлар,  
Кўз олдида минг насиҳат, ўғит йиғлар,  
Қай ҳовлида кўнгил берган йиғит йиғлар,  
Севилмаган келинчак.

Икки вужуд бирлашмаса оловларда,  
Ишқ ёнмаса висол деган қаловларда,  
Бошгинаси қолди қандай балоларга,  
Севилмаган келинчак.

Салом берар ярқиратиб тиллақошин,  
Параижида ким ҳам кўрар кўзда ёшин,  
Қарғаб қўяр, совчи бўлган қариндошин,  
Севилмаган келинчак.

Мен ҳам сенинг зорларингдан кўксим ўйиқ,  
Сўз чиқмайди томоғимдан, сўзим ўйиқ,  
Муҳаббатнинг азал-абад кўзи ўйиқ,  
Севилмаган келинчак.

Мажнунтолга дарс бўлади бўйинг сенинг,  
Қуёшларга дарс беради рўйинг сенинг,  
Аллаларга тўлиб кетсин уйинг сенинг,  
Севилмаган келинчак.

#### МЕНИ ЎЗГА ДУНЁЛАРГА ОЛИБ КЕТИНГ

Менда ҳар не бордир фақат Сиздан бўлак,  
Ғамхўргина боққан бир жуфт кўздан бўлак,  
Шеърлар айтсам, олов ёнган юздан бўлак,  
Мени ўзга дунёларга олиб кетинг.

Хусуматлар адо бўлган жойлар борми,  
Бахил диллар яро бўлган жойлар борми,  
Чин ошиқлар фидо бўлган жойлар борми,  
Мени ўзга дунёларга олиб кетинг.

Камалаклар сочларимга сочса ёғду,  
Ойнинг ойдаи рухсорида ёнса кулгу,  
Тирик бўлса, муҳаббатдай оташ туйғу,  
Ана ўша дунёларга олиб кетинг.

Буям битта ишққа ташна қиз демаслар,  
Улар ишқнинг тафти билан кун кўрмаслар,  
Иккимизга бу дунёда кун бермаслар,  
Мени ўзга дунёларга олиб кетинг.

## МУҲАББАТ ПОК. МУҲАББАТ ҲАЛОЛ

Қўшиқларга дугона бўлдим,  
Қуёш билан ҳамхона бўлдим,  
Келмай қолсанг ғамхона бўлдим,  
Жоним, сенинг борлигинг учун.

Дардларимни ишқдан изладим,  
Севги деган кўшқдан изладим,  
Узга дилга кўнгил ёзмадим,  
Жоним, сенинг борлигинг учун.

Ҳажринг билан кушиб кетсам ҳам,  
Аламларга тўлиб кетсам ҳам,  
Фақат сендан қидирдим малҳам,  
Жоним, сенинг борлигинг учун.

Муҳаббат пок, муҳаббат ҳалол,  
Мен сизинган садоқат ҳалол,  
Укинчлар ҳам келмайди малол,  
Жоним, сенинг борлигинг учун.

Баҳор бўлиб қулгим келади,  
Соғинчларга тўлгим келади,  
Бу дунёда қолгим келади,  
Жоним, сенинг борлигинг учун.

\* \* \*

Бахтим, икки дунё бахтини  
Юрагингга солиб кетаман,  
Сенинг дилбар ниятларингни  
Баҳорларга олиб кетаман.

Кўнглингда бор неки ғам, алам,  
Сездирмайин юлиб кетаман.  
Мени ташлаб кета олмайсан,  
Юрагингга қолиб кетаман.

## ТЕРМУЛГИМ КЕЛДИ

Кўзларингга термулгим келди,  
Кошларингга термулгим келди,  
Нуқра каби товланган қора —  
Сочларингга термулгим келди.

Нигоҳингга термулгим келди,  
Дудоғингга термулгим келди.  
Ҳар бандига рашк аралашган  
Сўроғингга термулгим келди.

Вужудимни оташлар этган,  
Лабларингга термулгим келди.  
«Сендан бошқа дардим йўқ» деган,  
Гапларингга термулгим келди.

### МЕНИНГ СЕВГИМГА ИШОН

Малоҳатли гўзалларга ишонма, жоним,  
Суҳбатлари асалларга ишонма, жоним,  
Салобатли ғазалларга ишонма, жоним,  
Менинг севгимга ишон!

Мақташарлар сени еру осмонга солиб,  
Мингта ташбеҳ, яна мингта имконга солиб,  
Чалғима ҳеч энг вафоли дўстларинг қолиб,  
Менинг севгимга ишон!

Павоҳим деб, суянчим деб сенга тутиндим,  
Худойимдан сенинг учун толе ўтиндим,  
Сен борсанки, бу дунёда бахтим бутундир,  
Менинг севгимга ишон!

Тоза, ҳалол гулбоғлардан узган гулимсан,  
Хаёлимни, ўйларимни бузган гулимсан,  
Дардларимни энг биринчи сезган гулимсан,  
Менинг севгимга ишон!

Гард юқмаган кўкламларни илинай сенга,  
Муҳаббатли оламларни илинай сенга,  
Қўшиғимдай малҳамларни илинай сенга,  
Менинг севгимга ишон!

Иккимизга фироқ битта, озор бир бўлсин,  
Қиш эртаси — камалакли баҳор бир бўлсин,  
Бир жуфт гулмиз, кетар чоғи мозор бир бўлсин,  
Менинг севгимга ишон!

## МЕН СЕНИ ҚИЗҒОНАМАН

Яхшимсан, яқинимсан,  
Гулханым, чақинимсан,  
Рашкимсан, тахминимсан,  
Мен сени қизғонаман.

Кўкимдаги моҳимсан,  
Бағримдаги оҳимсан,  
Топинган Оллоҳимсан,  
Мен сени қизғонаман.

Оқариб кетди сочим,  
Нима кўрди ёш бошим,  
Ёстиқдошим, сирдошим,  
Мен сени қизғонаман.

Айтсам сўзим кўяди,  
Кўрсам, кўзим тўяди,  
Қандай кўзинг қияди,  
Мен сени қизғонаман.

Сенсиз ёзим, қишим йўқ,  
Оғриғим, ташвишим йўқ.  
Бошқа билан ишим йўқ,  
Мен сени қизғонаман.

Ишқ деган савдо бўлдинг,  
Ўт бўлдинг, олов бўлдинг,  
Бошимга бало бўлдинг,  
Мен сени қизғонаман.

## ҒАНИМАТИМ

Суйдирдингиз, бизни сира суймадингиз,  
Куйдирдингиз, ўзингиз ҳеч қўймадингиз,  
Кўкдан тушдик фақат Сизнинг раъйингиз деб,  
Сиз ақалли бир бор қараб қўймадингиз,  
Омон бўлинг, фироқлари омонатим,  
Омон бўлинг, нигоҳлари ғаниматим.

Райҳон бўлдик, ифоримиз билмадингиз,  
Рашк аралаш озоримиз билмадингиз,  
Ҳеч кимда йўқ қўшиқ битдик Сизнинг учун,

Булбулгина гуфторимиз билмадингиз,  
Омон бўлинг, фироқлари омонатим,  
Омон бўлинг, нигоҳлари ғаниматим.

Ой бўлдингиз ярқираган кўкимизда,  
Оҳ бўлдингиз зирқираган кўксимизда,  
Биз-ку гуноҳ қилдик фақат Сизни севиб,  
Бор гуноҳ-у савобимиз ўзимизда,  
Омон бўлинг, фироқлари омонатим,  
Омон бўлинг, нигоҳлари ғаниматим.

Жонингизга жонни тикдик билиб кетинг,  
Нозик дилга яна чўғлар солиб кетинг,  
Биз дунёнинг давлатиши сўрамаймиз,  
Кўнгил учун бирор марта келиб кетинг,  
Омон бўлинг, фироқлари омонатим,  
Омон бўлинг, нигоҳлари ғаниматим.

### ЯШИРДИНГИЗ

Ой термулар деразадан нурли-нурли,  
Қарашлари бир чиройли қатим нурли,  
Юрак ёнар, алаңгаси олмос қўрли,  
Қўшиғимни кўнглингизга яширдингиз.

Сўз қуйилар дафтаримга дил тўридан,  
Хаёлингиз сўроқладим, ойдан, нурдан,  
Бирор таскин ололмадим минглаб шеърдан,  
Қўшиғимни кўнглингизга яширдингиз.

Япроқларнинг қарсақлари топиб берсин,  
Шамолларнинг эртаклари топиб берсин,  
Армонимнинг истаклари топиб берсин,  
Қўшиғимни кўнглингизга яширдингиз.

Мен ийманиб битта сўзни айтолмадим,  
Кўнглингизни кўчасига етолмадим,  
Ёниқ ишқинг маңглайдан ўполмадим,  
Қўшиғимни кўнглингизга яширдингиз.

Эслармисиз, армонли бир бечорани,  
Дардингизда дарди кўйн оворани,  
Қўшиқлари сурштирса Сайёрани —  
Кўнглингизни тарк этсалар не дердингиз?  
Қўшиғимни кўнглингизга яширдингиз.



## БОРИНГГА ШУКУР

Елғизим, қадрдоним,  
Қўлим етмас армоним,  
Менинг ёруғ жаҳоним,  
Борингга минглар шукур.

Чиндан ишонган боғим,  
Севиб суюнган тоғим,  
Йўлларимга муштоғим,  
Борингга минглар шукур.

Бу дунёда не топдим,  
Фақат исмингни ўпдим,  
Қўзимга ёмғир сепдим,  
Борингга минглар шукур.

Нигоҳлари пойлоқчим,  
Киприклари айғоқчим,  
Тергаб турар сўроқчим,  
Борингга минглар шукур.

Қўзларингга термулай,  
Бўйларингдан ўргулай.  
Қўзингга чўкиб ўлай,  
Борингга минглар шукур.

## ЎЗИНГИЗДАН КЎРИНГ

Бир бор сирдош бўлмадингиз,  
Ё назарга илмадингиз,  
Қўнглимдагин билмадингиз,  
Ўзингиздан кўринг, бегим.

Кўклардаги ойлар эдим,  
Ғойибона сийлар эдим,  
Изингиздан пойлар эдим,  
Ўзингиздан кўринг, бегим.

Сизсиз кўнглим ярим эди,  
Қаноатли сабрим эди,  
Яшайверинг менсиз эди,  
Ўзингиздан кўринг, бегим.

Суйдирдингиз, кам суйдингиз,  
Кўзларимга от қўйдингиз,  
Ким айтади сиз қўйдингиз,  
Узингиздан кўринг, бегим.

Тўғри, рашким ёмон эди.  
Олов ишқим ёмон эди,  
Сизга қайтмоқ гумон энди,  
Узингиздан кўринг, бегим.

Ёр топмадим ўзингиздай,  
Ғамхўр боққан кўзингиздай,  
Севолмайди ҳеч ким биздай,  
Узингиздан кўринг, бегим.

#### ДАРДИНГИЗДА КУЙИБ КЕТДИ...

Ишқ дегани охири йўқ қўшиқ қадим,  
Бизни ҳам бир эслармисиз, ҳай билмадим,  
Сизсиз омон юролмасим кеч англадим,  
Дардингизда куйиб кетди ёлғиз кўнгли.

Хуснингизни таърифлашга бозорим йўқ,  
Йўлини топиб борай, десам борорим йўқ,  
Мен ўлганман, кўмилмоққа мазорим йўқ,  
Дардингизда куйиб кетди ёлғиз кўнгли.

Қайдан толай сиздай жамбил райҳонани,  
Йўқлармисиз бир савдойи девонани,  
Чимилдингни тўлдирдингиз бегонанинг —  
Дардингизда куйиб кетди ёлғиз кўнгли.

Эҳ, жувоимарг қилдингиз-ку ишқ ўтми сиз,  
Кўнглингизга кўмдингиз-ку умидни сиз,  
Нақ яримжон қилдингиз бир йиғитни сиз,  
Дардингизда куйиб кетди ёлғиз кўнгли.

Мен севгидан эртақ айтдим кечаларга,  
Тонг отгунча тентирадим кўчаларда,  
Битта қизни севмоқ бўлар шунчалар-ла,  
Дардингизда куйиб кетди ёлғиз кўнгли.

## АРМОН

Хув, тоғларнинг бошида қор ярқирайди,  
Сизни кўрсам тиззаларим қалтирайди,  
Таърифингиз ёзса қалам чирқирайди,  
Биз томонга бир мартаям қарамайсиз.

Кенг ҳовлига келин бўлдим суюк-суюк,  
Бахт тилашди тахти бахтдан буюк-буюк,  
Сизсиз юрак ярим бўлди қўшиқ куюк,  
Биз томонга бир мартаям қарамайсиз.

Биз ажралдик, ажралишган кунда гуноҳ,  
Кўзгинангиз термулиб дер:

Сенда гуноҳ,  
Отамга сўз айтолмадим, менда гуноҳ,  
Биз томонга бир мартаям қарамайсиз.

Босманг энди, босаётган изларимни,  
Кўз ёшларим кўр қилади кўзларимни,  
Севганига бераман мен қизларимни,  
Биз томонга бир мартаям қарамайсиз.

## ИЛТИЖО

Кўзингизда кўзим қолиб кетсин менинг,  
Сўзингизда сўзим тониб кетсин менинг,  
Изингизда изим қолиб кетсин менинг,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Дардингизда куйиб кетдим, ё пирим-ей,  
Армонларга тўйиб ўтдим, ё пирим-ей,  
Ўзимдан ҳам суйиб ўтдим, ё пирим-ей,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Не йиғитлар етолмаган ҳилолман мен,  
Тушингизда тинчитмаган хаёлман мен,  
Ҳалолимсиз, сизга жуфти ҳалолман мен,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Таърифингиз излай токи сўзим тирик,  
Фидо бўлиб янагайман ўзим тирик,  
Хиёнатни кечирмайди кўзим тирик,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Фироғи ҳам висолдайин овунчоғим,  
Укситманғиз энди сизга етган чоғим,  
Бўйишғизга кўзим тумор кўзmunчоғим,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Паноҳ билдим, суянчимсиз, офтобимсиз,  
Баъзан безор бўлиб кетган азобимсиз,  
Бу дунёда орттирган бор савобимсиз,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

Айтинг энди.

Севилганман бир бора денг,  
Кўшгил сени қўмсаб кетди тобора денг,  
Айтинг, айтинг сендан бошқаси йўқ, Сайёра денг,  
Фақат мени бошқаларга алмаштирманг.

### АЕЛИМ

Дардлари кўнглимга тўкилган бегим,  
Меҳри юрагимга экилган бегим,  
Соғинчи шеър бўлиб тўкилган бегим,  
Аёлим, жамбили райҳонимсан денг,  
Аёлим, юраги осмонимсан денг.

Юракка ғурбатлар санчилганида,  
Сўнги йўқ тухматлар санчилганида,  
Мингоёқ ғийбатлар санчилганида,  
Аёлим, ўксинма, мен борман денг,  
Сен учун ҳар нарсага тайёрман денг.

Ушоққина гавдам эгилиб кетса,  
Бошимга осмонлар йиқилиб кетса,  
Аламин бўғзимга тиқилиб кетса,  
Аёлим, боримсан, давлатимсан денг,  
Аёлим, рўзгоримга зийнатимсан денг.

Садафдай тонглари чизиб берайин,  
Анвойи ранглари чизиб берайин,  
Номсиз жаранглари чизиб берайин,  
Аёлим, арази нозлигимсан денг,  
Атиргулим ўзинг, нозигимсан денг.

Сиз суяб турсанғиз дадил қадамлар,  
Сиз суяб турсанғиз ҳазил аламлар,  
Сиз борсиз йўқлайди мени кўкламлар.

Аёлим, сен менинг оғриғимсан денг,  
Ширин ташвишимсан, борлиғимсан денг.

Токи ёстиғимга ҳижрон қўнмасдан,  
Ёркин осмонимга туман қўнмасдан,  
Яримта кўнглимга армон қўнмасдан,  
Аёлим, бир жилмай, курбонингман денг,  
Ҳам яхшим, ҳам ўзинг ёмонимсан денг.

Қўрқмай босаётган изларим ҳаққи,  
Ҳали айтилмаган сўзларим ҳаққи,  
Фариштадай ўғил-қизларим ҳаққи,  
Аёлим, сен менинг толеимсан денг,  
Ингит бўлиб топган бойлиғимсан денг.

#### КЎЗЛАРИМДА КЎЗЛАРИНГИЗ ҚОЛДИ

Ёшлик ўтди, ўйинқароқ дамлар ўтди,  
Кўзларимнинг қирғоғидан намлар ўтди,  
Бут бўлмадим юрагимдан камлар ўтди,  
Кўзларимда кўзларингиз қолди, жоним...

Ингитчалар парвоналар бўлганида,  
Кўчамизда девоналар бўлганида,  
Болалигим ўн еттига тўлганида,  
Кўзларимда кўзларингиз қолди, жоним...

Чин ошиқлар етолмайди бир-бирига,  
Тушунмадим муҳаббатнинг бу сирига,  
Кўникаркан ҳар банда ҳам тақдирига  
Кўз олдимда кўзларингиз қолди, жоним.

Куйган қанча, куйиб-куйиб суйган қанча,  
Оташларда юрак бағрин ўйган қанча,  
Бизлар каби изтиробга тўйган қанча,  
Кўз олдимда кўзларингиз қолди, жоним.

Кўзингиздай яна қандай офтоб бўлур,  
Қараганнинг нигоҳлари бетоб бўлур,  
Эсламоқлик, оҳ қанчалар азоб бўлур,  
Кўз олдимда кўзларингиз қолди, жоним.

## ОСТОНАСИ ТИЛЛО ЁР

Танлаган гулим эдинг,  
Ҳаммадан сўлим эдинг,  
Жон ёрим, дилим эдинг,  
Остонаси тилло ёр.

Қипригинг абри найсон,  
Сочларинг садарайхон,  
Кўзингда куйрди жон,  
Остонаси тилло ёр.

Тилло бўлиб сочилдинг,  
Тиллоларга сотилдинг,  
Палахмондай отилдинг —  
Остонаси тилло ёр.

Минг ошиқли гул пари —  
Кетолмасдим ҳеч нари,  
Куйган дилнинг дилбарни,  
Остонаси тилло ёр.

Остонангга йиқилай,  
Соғинч бўлиб тўкилай,  
Сени севмай мен ўлай,  
Остонаси тилло ёр.

## ЯНА СИЗГА

Бегим, бизни севсангиз, ёмон кўзлардан асранг,  
Нақ юракка теккувчи тифдор сўзлардан асранг,  
Муҳаббатни билмаган қалби музлардан асранг,  
Ёруғ дунёга сиз деб келганимиз рост бўлсин.

Бегим, бизни севсангиз нохуш шамолдан асранг,  
Рашку гумондан асранг, ёмон хаёлдан асранг,  
Ишққа увол бўлмайини деган саволдан асранг,  
Ёруғ дунёга сиз деб келганимиз рост бўлсин.

Бегим, бизни севсангиз ранжу озордан асранг,  
Бошимизга бемаҳал ёққувчи қордан асранг,  
Тарозиси нотанти чархи бозордан асранг,  
Ёруғ дунёга сиз деб келганимиз рост бўлсин.

Бегим, бизни севсангиз биз сиза оворамиз,  
Бўйингизни кўрмаган кунлари дилпорамиз,  
Пешонангизга битган биттамиз — Сайёрамиз,  
Ёруғ дунёга сиз деб келганимиз рост бўлсин.

### ОППОГОЙИМ

*«Оппогойим, оқойим, қарашингиз мулойим,  
Бевафалик қилсангиз, жазо берсин худойим».*

Оппогойим, оқойим, қарашлари мулойим,  
Бўйингиздан ўргулай қоматингиз бинойи.  
Оппогойим, оқойим, кўнглим тўла чўғ, ойим,  
Менинг дардим ўзингиз, бошқа дардим йўқ, ойим.

Оппогойим, оқойим, севги қандай сир, ойим,  
Иккимизни бир умр қўшмади тақдир, ойим.  
Оппогойим, оқойим, тушимга киринг доим,  
Сизга хиёнат қилсам, уйим куйсин илойим!

### БИР ДОНА БУЛАЙ ЎЗИМ

Сен нурдан ҳам мусаффо, тонгдан тоза ҳур малак,  
Васлинг излаб бормикан мендайни жонин ҳалак,  
Дардинг билан бир кунин девона бўлсам шерак,  
Ошиғинг йўқ мендайни, гирёна бўлай ўзим.

Севган гўзал эмасдир, севилган гўзал дерлар,  
Муҳаббат охири йўқ жаннатий гўзал дерлар,  
Пешонамга ишқ битсин азалдан азал дерлар,  
Жонимда бўл ошиғим, жонона бўлай ўзим.

Билмам қанча уқубат пешонамга ёзилмиш,  
Байрамдан кўп маломат пешонамга ёзилмиш,  
Шукур, ишқдай саодат пешонамга ёзилмиш,  
Муҳаббат дунёсида афсона бўлай ўзим.

Дардим билсанг, дардингни жоним билан олай, ёр,  
Томирингда оққан меҳр, жону дилинг бўлай, ёр,  
Куним битган паллада остонангда ўлай, ёр,  
Яғонасан мен учун, бир дона бўлай ўзим!

## АЛИШМАЙМАН

Бир сўлимсиз, бирам хушбўй, райҳонларга  
алишмайман,  
Сиз ой бўлиб ярқирайг-чи, осмонларга алишмайман.

Ҳижрон унди изларимдан, адашдим-ей сўзларимдан,  
Дардим билинг кўзларимдан ёлғонларга алишмайман.

Кўнгилга ўт ёқиб юринг, ошиқ дилга боқиб юринг,  
Кўзмунчоқлар тақиб юринг, ёмонларга алишмайман.

Кўнгил ичра бир шам бўлиб, юринг сирдош,  
ҳамдам бўлиб,  
Мен ҳам яшай одам бўлиб, ризвонларга алишмайман.

Ҳажрингиз бор жуфт кўзимда, олов яшар ҳар сўзимда,  
Куйиб кетдим ўттизимда, куйғонларга алишмайман.

Қаддингиз бор хонлардайин, қадрингиз бор  
жонлардайин,  
Обрўйингиз, иззатингиз султонларга алишмайман.

Мен не кўрдим шоир бўлиб, кўнглим йиғлар  
тўлиб-тўлиб,  
Ҳеч сўз деманг, келинг кулиб, забонларга алишмайман.

Кўнгил бўл кун нидо берди, қўшиқ берди, садо берди,  
Сизни менга худо берди, жаҳонларга алишмайман.

## ЖИЗЗАХЛАРДА

Дилбарим, сизни деган армонлар бор Жиззахларда,  
Дардингизда диллари вайронлар бор Жиззахларда,

Қошингиз қаросидан қоп-қора ёруғ кўним,  
Бир йўл келинг, йўлингизга ҳайронлар бор  
Жиззахларда.

Воҳким, не ажаб ишқ дегани мен билмадим,  
Ҳар бандидан ўт чиқар фиғонлар бор Жиззахларда,

Қаддингизнинг сарвиға гап йўқ дедим, сўз йўқ дедим,  
Ким айтади сиздан ўтар райҳонлар бор Жиззахларда.



Не дард эрурким васлингиз, фариштамидир наслингиз,  
Васлингизга етмоққа не имконлар бор Жиззахларда,

Қўймасангиз бир қараб, кўнглимизга йўл сўраб,  
Бир йигитнинг умрига хазонлар бор Жиззахларда.

Моҳ дедим, моҳим дедим, дилимдаги оҳим дедим,  
Бизчаллик сизни суйган не жонлар бор Жиззахларда,

Сайёрадир кўнглим мани, дилпорадир кўнглим мани,  
Мажнунлар бор ҳам Машраби замонлар бор  
Жиззахларда.

### МЕНГА ҲЕЧ НЕ КЕРАК ЭМАС...

Менга ҳеч не керак эмас, қошимга келсанг бўлди,  
Сенга парвоналар бўлиб, минг бор ўргулсам бўлди.

Тегирмоннинг тошларида янчилди-ку тош бошим,  
Шундаям сенга сир бермай ёниб термулсам бўлди.

Синаб-синаб мен ўтмаган имтиҳонлар қолмади,  
Имтиҳонлар адоғида шодликка тўлсам бўлди,

Юрагимда гул ундирган кулгуларнинг зарбидан  
Кўнгли ярим бу дунёга овоза қилсам бўлди.

Кел, азизим, ағёрларим сиздирмасдан топ мени,  
Ўзим чўкиб турсам ҳамки дардингни олсам бўлдим.

Жаннатларга пок ишқингни қучиб йўл олганимда,  
Кўзларингга термулиб қўлингда ўлсам бўлди.

### ҚИЗҒОНАМАН

Ташвишингиз қай шиятга боғлиқ, жоним,  
Ишқ дегани қандай азоб, оғриқ, жоним,  
Юрагимнинг бир жойлари доғлиқ, жоним,  
Қизғонаман, сизни ёмон қизғонаман.

Муҳаббатнинг кўзлари кўр, кўзлари нам,  
Сизга айтар, бизга айтар сўзлари кам,  
Йўқламайсиз, қилар алам, қилар алам,  
Қизғонаман, сизни ёмон қизғонаман.

Дарди йўқлар севги дардин қайдан билсин,  
Ҳар банданинг паймони си ишққа тўлсин,  
Дийдор деган ғанимат дам омон бўлсин,  
Қизғонаман, сизни ёмон қизғонаман.

Сўзим ҳалола қай жаннат-у дўзахларда,  
Олов бўлиб қолгум олов нигоҳларда,  
Дардингизда куйиб кетдик Жиззахларда,  
Қизғонаман, сизни ёмон қизғонаман.

### ЕНГИНАМДА СИЗ БОРСИЗ

Соғинсангиз не учун тополмайсиз йўл менга,  
Елғонимди қилганингиз чин изҳори дил менга.

Сизни унутмоқликни кўнгилга жойлаб қўйсам,  
Мен кўнгилга кўнмадим, кўнмади кўнгил менга.

Қай сулувга сўз қотсангиз, бизнинг юрак муз қотар,  
Баҳорнинг ёмғирлари қор аралаш дўл менга.

Сўзингизнинг сарасини кимга кўрасиз раво,  
Илғибгина қўясиз аразларни мўл менга.

Йўл қараб висолингиз дардида кўйганимда,  
Кунларим ой бўлади, ойлар бўлур йил менга.

Лайли бўлдимми, Зухро — саҳроларда адашган,  
Саҳронинг тиконлари мисли атиргул менга.

Мен ишқнинг гадосиман, қўшиқнинг адосиман,  
Нетай, Сизни эсласам, куй ҳам бўлмас эл менга.

Не бўлди бу бандага девона бўлдимми деб,  
Ҳайратланиб қарайди кўзлар хилма-хил менга.

Ким нима деса десин, шоирлар ишқнинг қули —  
Енгинамда Сиз борсиз, қолгани бир пул менга.

### БИЗДЕК БУЛОЛМАЙДИ

Кўнглингизга кириб бордик билиб билмай,  
Кўнглингизда кимлар бордир хабар олмай,  
Юрибмиз-ку на йиғлаб, на кула олмай,  
Бегим, сизга ҳеч ким биздек бўлолмайди.

Тош қаттиқми, бош қаттиқми, айтинг майли,  
Не балога дучор бўлдик сиз туфайли,  
Бошга тушганини кўрамиз — замон зайли,  
Бегим, сизга ҳеч ким биздек бўлолмайди.

Ярим кўнгил сизнинг билан бут бўлганди,  
Ишқим олов эди, дилим ўт бўлганди,  
Ҳазин-ҳазин қўшиқларим ёт бўлганди,  
Бегим, сизга ҳеч ким биздек бўлолмайди.

Бегим, жонни узар асли ёлғон ёмон,  
Ёлғон учун қидирилган имкон ёмон,  
Қайда бўлсангиз ҳам энди бўлинг омон,  
Бегим, сизга ҳеч ким биздек бўлолмайди.

Яхши сўзлар айтай десам, тилим толди,  
Сиз томонга борай десам, йўл йўқолди,  
Кўнгил қолди, сиздан ёмон кўнгил қолди,  
Бегим, сизга ҳеч ким биздек бўлолмайди.

#### КЕЛМАЙСАН, ЖОНИМ

Нуқра табассумли кўклар келар,  
Вафоси бир зумли ҳамдамлар келар,  
Нозлари зуғумли санамлар келар,  
Фақат сен келмайсан, келмайсан, жоним.

Қалдирғоч ўз боғи, уйига қайтар,  
Турналар ҳаётнинг қўшиғин айтар,  
Эсласам вужудим қалтираб кетар,  
Фақат сен келмайсан, келмайсан, жоним.

Ойнинг ўроғига орзум осилди,  
Чаманлар очилди, гуллар очилди,  
Соғинчлар юракка дурдай сочилди,  
Фақат сен келмайсан, келмайсан, жоним.

Узга бир кўнгилга розим йўқ маним,  
Сенсиз жараглаган созим йўқ маним,  
Тўрт фаслим яримта, ёзим йўқ маним,  
Фақат сен келмайсан, келмайсан, жоним.

Бу дардли қўшиқни айтавераман,  
Ҳар кун кўнглингга қайтавераман,  
Мен сени барибир кутавераман,  
Фақат сен келмайсан, келмайсан, жоним.

## СЕВГИЛИМ!

Севгилим!  
Сиз десам куйнаар дилим,  
Севгилим!  
Сиз десам сўйнаар тилим,  
Севгилим!  
Сиз десам ўйилар йўлим,  
Севгилим!

Севгилим!  
Темирданми бу бош кўринур,  
Ёмғирларми кўзимдаги ёш кўринур,  
Жон пкки ўт ичра талош кўринур,  
Севгилим!

Севгилим!  
Муҳаббат оловдир, муҳаббат исён,  
Ҳар куни минг ўлиб, қолгумдир омон.  
Бу ҳолда қирққаям етишим гумон,  
Севгилим!

Севгилим!  
Дунёга малол яралдим,  
Ишқнинг қўлларида увол яралдим,  
Мен нечун, мен нечун, аёл яралдим,  
Севгилим!

## КУЛИБ КЎЙ ЎЗИМГА ҚАРАБ

Мен сендан дунёлар сўрамайман, йўқ,  
Гавҳарлар, тиллолар сўрамайман, йўқ,  
Жаннати наволар сўрамайман, йўқ,  
Бир марта кулиб қўй ўзимга қараб.

Дардингда қанчалар ёндим, чидадим,  
Висол борлигидан тондим, чидадим,  
Йўқламай қўйсанг ҳам қўндим, чидадим,  
Бир марта кулиб қўй ўзимга қараб.

Армонсиз яшайин ишқингни куйлаб,  
Табассуминг билан йўқлаб тур сийлаб,  
Минг қизинг ичида ажратиб, сайлаб,  
Бир марта кулиб қўй ўзимга қараб.

Сен юрган йўлларда яшиагай чаман,  
Чаман ҳаволардан меҳринг ичаман,  
Ишонай дунёда борлигимга ман,  
Бир марта кулиб қўй ўзимга қараб.

## ҚУРБОН БҰЛАЙ

Бунча чўғли кўзларингнинг қаролари,  
Юрагинни икки бўлиб яролади,  
Салом берар сулувларнинг саролари,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Ийманоди, боқолмайди қароқларинг,  
Кипригингни ингоҳимда тарақладим,  
Баъзан топиб, баъзида кўп сўроқладим,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Қарамасанг бошларимга қулар осмон,  
Ишонмагин одамларга сўзлар ёлғон,  
Яхшларинг ичра битта ўзим ёмон,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Дунё ичра бўйларингдай шамшодлар йўқ,  
Сен бор жойда ёмонлик йўқ, фасодлар йўқ,  
Мендан бошқа кўнгилад уйи ободлар йўқ,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Меникисан, луфти шакар лаззатимсан,  
Бу дунёда ушлаб турган роҳатимсан,  
Жаннатлардан сўраб олган жаннатимсан,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Осмонимда қуёш бўлиб ярақлагин,  
Кўл етмас бир юлдуз бўлиб чарақлагин,  
Кўнгилинг тортса яхши кунда сўроқлагин,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

Хури филмонлар ичида ҳур малагим,  
Баҳорлардан бино бўлган капалагим,  
Икки жаҳоним ёритган камалагим,  
Бўйларингга менинг ўзим қурбон бўлай.

\* \* \*

Менинг ҳозир авж пардада куйлар пайтим,  
Кўнгилдаги азобларни сўйлар пайтим,  
Сени меҳрим ардоғида сийлар пайтим,  
Ёлғон сўзлаб айбларингни ёпмагин-ей,  
Мен кетайин, мендайини топмагин-ей.

Еш бошимдан кўрдим не-не уқубатни,  
Минг бир турли азоби бор муҳаббатни,  
Мендан сўра садоқатга эътиқодни,  
Елғон сўзлаб айблариингни ёлмагин-ей,  
Мен кетайин, мендайини топмагин-ей.

Севги надир, кўнглингдаги армон айтсин,  
Кўз ёшидан ер ҳўл бўлган осмон айтсин,  
Осмоним деб паноҳ билган шу жон айтсин,  
Елғон сўзлаб айбларингни ёлмагин-ей,  
Мен кетайин, мендайини топмагин-ей.

Кимлар ахир айирмоқда ўзи бизни,  
Мағрурликдан тиёлмасак ўзимизни,  
Қақшатади тақдир бир кун иккимизни,  
Елғон сўзлаб айбларингни ёлмагин-ей,  
Мен кетайин, мендайини топмагин-ей.

## ЕРИЖОН

Толқамишдай бўйингга банда бўлай, ёрижон,  
Нима бўлсам ҳам фақат санда бўлай, ёрижон.  
Сендан ўзга томонга кетса агар хаёлим,  
Хаёли тўзгини, пароканда бўлай, ёрижон.

Қуёш ёққа қўл чўзсанг, қўлинг бўлай, ёрижон,  
Киприкларим супурган йўлинг бўлай, ёрижон.  
Иккимизга армондир яшнаб турган қизил гул —  
Ҳеч кимга ишонмаган гулинг бўлай, ёрижон.

Мен сенга ҳеч кимда йўқ қўшиқ бўлай, ёрижон,  
Бу қўшиқни қай тил-ла изҳор этай, ёрижон.  
Сендан ўзгани деса юракни яшиш урсин —  
Мен бу сарсон дунёдан номард кетай, ёрижон.

Толқамишдай бўйингга банда бўлай, ёрижон,  
Нима бўлсам ҳам, фақат санда бўлай, ёрижон...

## СЕН БЎЛМАСАНГ

Сен бўлмасанг ўтган ҳар кун йил бўлади,  
Кўнгила соат занжирига қўл бўлади,  
Томоғимдан овқат ўтмас, кўнгила хира,  
Минг қувончим, шодлигим бир пул бўлади.

Сен бўлмасанг, кўргангиз озор бўлади,  
Катта-кичик байрамлар бекор бўлади,  
Қизғонаман, сени ёмон қизғонаман,  
Ўзимдан ҳам рашким кўп безор бўлади.

Сен бўлмасанг яхши кун эртак бўлади,  
Сенинг фикру хаёлинг эрмак бўлади,  
Бу дунёда топган ёлғиз пилнжимсан,  
Шунгиз биллиб қўймоғинг керак бўлади.

### ГУЛОЙИМ

Қарашлари олов чўғли гулоийм,  
Кипригинг найзаси ўқли гулоийм,  
Борлиқ боқар сизга суқли гулоийм,  
Бир йигитнинг толенни кулдиригиз,  
Бир йигитнинг чимилдиғини тўлдиригиз.

Қарасангиз, қуёшлар қамашади,  
Сизга фақат табассумлар ярашади,  
Таъриф учун ташбеҳлар адашади,  
Бир йигитнинг толенни кулдиригиз,  
Бир йигитнинг чимилдиғини тўлдиригиз.

Чимилдиққа бўлинг сулув келинчак,  
Бир йил ўтмай ухлатмасни беланчак,  
Тонгдай тоза, нурдан тиниқ ҳур чечак,  
Бир йигитнинг толенни кулдиригиз,  
Бир йигитнинг чимилдиғини тўлдиригиз.

### МЕН СИЗНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМАН

Кўзингиз меники, олов шогоҳлим,  
Қошингиз меники, қоши қиёқлим,  
Дардингиз меники, дардлари оҳлим,  
Мен сизни ҳеч кимга бермайман.

Азобда қолдирган ишқингиз учун,  
Дунёни ёндирган рашкингиз учун,  
Кўнглимга уй қурган меҳрингиз учун,  
Мен сизни ҳеч кимга бермайман.

Кетсангиз борлигим зимистон бўлар,  
Келсангиз борлигим гулистон бўлар,  
Ким сизга менчалик меҳрибон бўлар,  
Мен сизни ҳеч кимга бермайман.

Бу дунё азобдир, ташвиш, муттасил,  
Елкамга уқубат ортар йилма-йил,  
Улсам ўларманки, лекин беҳазил —  
Мен сизни ҳеч кимга бермайман.

Уйласам, ўйингиз жонимга урсин,  
Термулсам, рўйингиз жонимга урсин,  
Ургулсам, бўйингиз жонимга урсин,  
Мен сизни ҳеч кимга бермайман.

### КУМУШБИБИ НОЛАСИ

Билмайсиз-да, ҳаёлимга сизни ўраб қўйганим,  
Билмайсиз-да, ҳаётимни сизга улаб қўйганим,  
Билармисиз юраккинам қайнаб, қайнаб тошишни,  
Интиқлигин, интилишни, сизни деса шошишни.

Сезмайсиз-да, ҳар мактубим жўшиб-жўшиб ёзишим,  
Ташбеҳингиз қийноғида неча озмб тузишим,  
Бепарвосиз, кўчамизга назар солмай ўтасиз,  
Билмам, билмам ўйларингиз қачон қувиб етасиз.

Тенгсиз гулзор кўҳна олам, тўйгуларим боқира,  
Сизни десам, райҳонзорим қулф уради юксалиб.  
Тўли ойнинг оппоқ-оппоқ шалолалик нурида  
Булбулларингиз оҳанги-ла кўтгим севгим висолин.

Сўзларингиз такрорлайман, Фузулийни ўқиркан,  
Жамолингиз қидираман кун тўлғониб чиқаркан,  
Сизнинг ҳақда ўйланаман, сизнинг ҳақда ёнаман,  
Эзиламан кўз олдимда кундузини тун йиқаркан.

Муҳаббатнинг юки дияда кошки хароб этмаса,  
Ишқ йўлида фирибгарлар бизга фириб этмаса,  
Биз кўзлаган сарв мисол яшнаб турган пок мурод —  
Ҳомидларнинг қўлларида чириб-приб кетмаса.

Бегим!

Бизнинг нигоҳимиз зулматларни ёрғувоси,  
Жаҳолатни кунлар келиб тупроқларда қорғувси,  
Бегим!

Менга қўйиб беринг, ёвузликни сипдирай,  
Ишқимизнинг ўчи билан маккорликни тиндирай.



Бегижоним!

Кумушингиз ҳасратлари етарму,  
Маъшуқангиз хислатлари дилдан бир-бир ўтарму,  
Тўрт деворлар орасида нолаларим битарму,  
Нолаларим ҳақсизликнинг гарданидан тутарму?!!

Сиз билмайсиз, хаёлимга ўраб-ўраб қўйганим,  
Сиз билмайсиз, ҳаётимни сизга улаб қўйганим.

### ЁЛГИЗИМ

(«Утган кунларни ўқиб»)

Бу не кундир сизни кўриб кўролмайман,  
Уйнаб кулиб ёнингизда юролмайман,  
Тополмасам яқинлардан сўролмайман,  
Сизни севиб адашдимми, ёлғизгинам.

Кенг дунёга сиғмай қолган тор кўнглимиз,  
Нетайликким ишқимизда бор кўнглимиз,  
Икки йўлда саргардону хор кўнглимиз,  
Сизни севиб адашдимми, ёлғизгинам.

Бир оғриқдан азоб ейди жоним менинг,  
Азобларга бунча тўйди жоним менинг,  
Байрамларда қора кийди жоним менинг,  
Сизни севиб адашдимми, ёлғизгинам.

Ич-этими кемирмоқда ғамгин ўйлар,  
Айтинг, жоним, қачон бизни тақдир сийлар,  
Марғилонда хафа бўлди ой-у йиллар,  
Сизни севиб адашдимми, ёлғизгинам.

Айру йўллар кутар бизни бекатларда,  
Соф меҳрингиз қолди ширин суҳбатларда,  
Топиб олинг энди мени жаннатларда,  
Сизни севиб адашдимми, ёлғизгинам.

### ҚУШИҚ

Олов яшар юрагимда алам қани,  
Бир тасалли ёки юпанч малхам қани,  
Қиш чилласи қақшатади, кўклам қани,  
Қоши қора, кўзи қора қаламгина,  
Куйдиради, суйдиради санамгина.

Менга айтган қўшиқлари ёлғон экан,  
Ё ҳаммаси эсдан чиқиб қолғон экан,  
Сарвибўйни мажнунтолдан олғон экан,  
Қоши қора, кўзи қора қаламгина,  
Куйдирадн, суйдирадн санамгина.

Киприкларин найзасига фидо бўлай,  
Кўз ўчида қараганда адо бўлай,  
«Севаман» деб пичирлаган садо бўлай,  
Қоши қора, кўзи қора қаламгина,  
Куйдирадн, суйдирадн санамгина.

Моҳим менинг, моҳлардан ҳам суюгимсиз,  
Топинганим, талпинганим буюгимсиз,  
Куйган дилим бир парчаси куюгимсиз,  
Қоши қора, кўзи қора қаламгина,  
Куйдирадн, суйдирадн санамгина.

#### КЕЛМАДИНГ

Кўнглимга бир турли хаёллар келди,  
Армонлари узун саволлар келди,  
Ҳолим сўрагани ҳилоллар келди,  
Келмадинг, биргина ўзинг келмадинг.

Шубҳалар кўнглимни ёқар бўлдилар,  
Баъзида озорли чақар бўлдилар,  
Томир-томиримда оқар бўлдилар,  
Келмадинг, биргина ўзинг келмадинг.

Ярим кўнгил сенсиз тўлмаса нетай,  
Юракка буюриб бўлмаса нетай,  
Бошгинамни олиб, қайларга кетай,  
Келмадинг, биргина ўзинг келмадинг.

#### ХАБАР ОЛМАСАНГ

Кўнгил ярим, бахт ярим,  
Сабот ярим, аҳд ярим,  
Толе ярим, тахт ярим,  
Хабар олмаган кунинг.

Қўшиқ ярим, куй ярим,  
Туйғу ярим, ўй ярим,  
Юракда бир жой ярим,  
Хабар олмаган кунинг.

Юлдуз ярим, нур ярим,  
Дардим ярим, сир ярим,  
Мен айтмоқчи шеър ярим,  
Хабар олмаган кунинг.

Ёстиқ ярим, тун ярим,  
Ғарибгина кун ярим,  
Ҳамма бутун, мен ярим,  
Хабар олмаган кунинг.

### НИГИТ АЙТГАН ЕР-ЕР

Тор кўчанинг бир бурчида олов ёнди,  
Раҳм қилмай алангаси лов-лов ёнди,  
Чўғларини юрагимга қалаб ёнди,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Ер-ёр айтди маҳалланинг келинлари,  
Ой чеҳралли ойдан сулув тўлинлари,  
Масхаралар мени айтган ўланлари,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Нима дейман онам, агар уйлан деса,  
Бир гўзалга паноҳ бўлиб, сайлан деса,  
Қўшнимизда бир уй қиз бор танла деса,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Мен дардингда яшаб ўтсам куйиб-куйиб,  
Аввалгидан ҳам ортиқроқ сени суйиб,  
У термулса кўзларингга тўйиб-тўйиб,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Чимилдиқда қўлларингга хино қўйдинг,  
Бунчалар ҳам сен ўзингга бино қўйдинг,  
Танимаган одамингни қандай суйдинг,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Оҳлар урсам тутун ўрлаб осмонимни,  
Ерни боссам, ер қиздирди товонимни,  
Илдизига болта урдинг армонимнинг —  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Барча ноз-у, фироғингга чидардим-ку,  
Елкамдамас, бошда қўйиб ўтардим-ку,  
Сал-пал сезсам шарт обқочиб кетардим-ку,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

Аламларнинг оловида чўғланаман,  
Кечалари ухлолмайман, тўлғонаман,  
Саҳарлардан сўроқ сўраб уйғонаман,  
Нима қилиб қўйдинг, жоним, нима қилиб?

### СИЗДАН АЙРИЛИШДАН ҚЎРҚАМАН

Қўрқмайман, баҳорлар қишга айлансин,  
Унгдаги ҳижронлар тушга айлансин,  
Хаёллар учирма қушга айлансин,  
Сиздан айрилишдан қўрқаман.

Кўнгил уйимизга гиналар кирди,  
Кўзимдан кўзингизга кинналар кирди,  
Дардим гоҳ янги, гоҳ кўналар кирди,  
Сиздан айрилишдан қўрқаман.

Ким дўсту, ким ганим билмасдан, ё раб,  
Уттиз ёшдан ўтдим узрлар сўраб,  
Менам корингизга қоларман яраб,  
Сиздан айрилишдан қўрқаман.

Асли не ишқ учун даво бўлади,  
Шу гапим бошимга бало бўлади,  
Уйласам, вужудим олов бўлади,  
Сиздан айрилишдан қўрқаман.

Сизни севмоқ ўзи энг ширин тақдир,  
Ширин тақдир берган яратган ҳақдир,  
Энди нима бўлса менга барибир,  
Сиздан айрилишдан қўрқаман.

\* \* \*

Тушнингизда тинчитмадим, тушлар қани,  
Ҳушнингизни ўғирладим, ҳушлар қани,  
Кўзингизда ёш қолмади, ёшлар қани,  
Сизни унда, бизни унда яратдилар.

Кўзларимиз сал нарини кўрмас бўлди,  
Хаёлимиз битта жойда турмас бўлди,  
Висол кўнгил уйимизга кирмас бўлди,  
Сизни унда, бизни унда яратдилар.

Ҳайрон бўлди, ҳолимизга дўстларимиз,  
Бўғзимизда қолиб кетди сўзларимиз,  
Ҳалолликни тож билдик биз ўзларимиз,  
Сизни унда, бизни унда яратдилар.

Битта ўтов бўлолмади паноҳимиз,  
Севги бўлди биз сиғинган Оллоҳимиз,  
Нима эди ахир, қилган гуноҳимиз,  
Сизни унда, бизни унда яратдилар.

### БИЗ ҲАМ ҒАНИМАТМИЗ

Нечундир Сиз бизни келмайсиз топиб,  
Кўнглимизга меҳрдай чечаклар тақиб,  
Ёки ўзга гуллар кетдими ёқиб,  
Биз ҳам ғаниматмиз, биз ҳам ғанимат.

Сизга шамолни ҳам кўрмасдик раво,  
Билсангиз жаннатдир ишқ деган савдо,  
Бул куш кўйимизга қилмайсиз парво,  
Биз ҳам ғаниматмиз, биз ҳам ғанимат.

Ажаб, шакар гуфтор суҳбатлар қаҳат,  
Мужгон ўқингиздан роҳатлар қаҳат,  
Сиз қизганиб топган гурбатлар қаҳат,  
Биз ҳам ғаниматмиз, биз ҳам ғанимат.

Ўтлуғ висол дедик ҳижронингизни,  
Ой бўлиб ёритдик осмонингизни,  
Эслайсизми биздай ёмонингизни,  
Биз ҳам ғаниматмиз, биз ҳам ғанимат.

Ишққа ташна дилни нурга тўйдириб,  
Не гуноҳлар қилдик суйиб, суйдириб,  
Кетсак, қайтиб келмаймиз, Сизни куйдириб,  
Биз ҳам ғаниматмиз, биз ҳам ғанимат.

## ВАФО БҮЛИБ УЙҒОНАМАН..

Муштоқдирман муҳаббатнингга,  
Сабоқдирман садоқатнингга,  
Ҳамроҳдирман саодатнингга,  
Азизим!

Ойдай ёниб тўлғонайинми,  
Кундай кулиб чўғланайинми,  
Вафо бўлиб уйғонайинми,  
Азизим!

### АЗИЗИМ

Бу дунёнинг ярми бахт, ярми қайғу, азизим,  
Бу дунёнинг ярми дард, ярми кулгу, азизим.

Бу дунёнинг ярми чин, ярми ёлғон, азизим,  
Бу дунёнинг ярми дўст, ярми душмон, азизим.

Бу дунёнинг ярми ўч, ярми алам, азизим,  
Бу дунёнинг ярми тўй, ярми мотам, азизим.

Икки ёрти бир бутун бўлолмадик, азизим,  
Ишқимизга умрлар тилолмадик, азизим.

Ҳеч бўлмаса, бахтим деб, мени алда, азизим,  
Сочларингни силашга қўлим калта, азизим.

Осмонимда ой бўлиб, бир тўлмасанг, азизим,  
Мен нечун шоир бўлдим, сен бўлмасанг, азизим

Тилимга бир сўз келди шу аснода, азизим,  
Учрашамиз иккимиз у дунёда, азизим.

\* \* \*

Жоним, жонимдан ўтган қийноқ мени қўймайди,  
Ёзган шеърларимга ҳам сира кўнглим тўлмайди,  
Айтинг, нечун умиднинг чечаклари кулмайди,  
Битта қизни куйдирмоқ бундан ортиқ бўлмайди.

Банди қилган қошингизнинг орасида шеърим бор,  
Оловнигоҳ кўзингизнинг қорасида шеърим бор,  
Куйиб кетди, куйди дил — ярасида шеърим бор,  
Битта қизни куйдирмоқ бундан ортиқ бўлмайди.

Мен ишқимни юракнинг туб-тубига яширдим,  
Муҳаббатнинг рашки-ю азобига яширдим,  
Шоирларнинг ёзмаган китобига яширдим,  
Битта қизни куйдирмоқ бундан ортиқ бўлмайди.

Мен ўтяпман, ўт ишқнинг лабларидан ўполмай,  
Соғинган дил дафтарин сизни қўмсаб ёполмай,  
Илоё, сиз бизлардан ортиғини тополманг,  
Битта қизни куйдирмоқ бундан ортиқ бўлмайди.

### СИҒМАДИМ

Ениқ мисраларга сиғдим, азизим,  
Гулгун чехраларга сиғдим, азизим,  
Катта давраларга сиғдим, азизим,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

Қўмсадим оловли қарашларингни,  
Кўксимга оташлар қадашларингни,  
Дўстларимдан пинҳон сўрашларингни,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

Тақдирдан муждалар кутдим, чидадим,  
Юракни азобга тутдим, чидадим,  
Алашимни ичимга ютдим, чидадим,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

Кўзим кулгусида кулмади кўклам,  
Рангин ранглариди рангланмас олам,  
Қалбим тирналади, ўртанар сийнам,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

Ижобат бўлмаса, ният не керак,  
Шеър деган илоҳий неъмат не керак,  
Менга шунча обрў-иззат не керак,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

Муҳаббат дардини тўйганлар айтсин,  
Умрида бир марта суйганлар айтсин,  
Мен каби жонидан тўйганлар айтсин,  
Фақат пешонангга сиғмадим.

## МУҲАББАТНИНГ ЮЗЛАРИДАН УПОЛМАДИК

Бу дунёда бир сиз ғариб, бир биз ғариб,  
Утаяпмиз бир-биримизни ахтариб,  
Уттиздан ҳам ўтмай, қирққа кирмай қариб,  
Муҳаббатнинг юзларидан ўполмадик.

Нечун бизнинг топганимиз ҳижрон бўлди,  
Висол деган ўтлик тўйғу армон бўлди,  
Ҳаммадан ҳам ўксук дилга ёмон бўлди,  
Муҳаббатнинг юзларидан ўполмадик.

Куйманг, гулим, бу дунёда куйган қанча,  
Билиб, билмай бой боласин суйган қанча,  
Йигит ёшда бу дунёга тўйган қанча,  
Муҳаббатнинг юзларидан ўполмадик.

Куйиб-куйиб, у кунларни эсламайман,  
Ярим кўнглим дардин айтиб бўзламайман,  
Кўзим ёшга тўлса ҳамки йиғламайман,  
Муҳаббатнинг юзларидан ўполмадик.

Яхшиямки, қишнинг сўнги кўклам бордир,  
Яхшиямки, дард сўнгида малҳам бордир,  
Сизни эслаб турмоқ учун қалам бордир,  
Муҳаббатнинг юзларидан ўполмадик.

## СЕВГИ

Бошимдан тош ёғсин, чидайман,  
Кўзимдан қон оқсин, чидайман,  
Бағримга тун чўқсин, чидайман,  
Барибир мен сизни севаман.

Мен кимман? Ороми бегона,  
Туш кўриб, тушига мастона,  
Ҳушини йиғолмаган девона,  
Барибир мен сизни севаман.

Соғинсам, бир алам, бир алам,  
Утасиз парволар қилмай ҳам,  
Мендан ҳар не бордир, бир сиз кам,  
Барибир мен сизни севаман.



Аё ишқ, кўзларинг кўрмиди,  
Ё менинг пешонам шўрмиди,  
Севганим бирор сўз дермиди,  
Барибир мен сизни севаман.

Куёдир, куёдир бағирим,  
Аромиз минг битта чақирим,  
Тушмасин сизга ҳеч оғирим,  
Барибир мен сизни севаман.

Дилимни тирнайди бир ҳадик,  
Наҳотки сизга тенг бўлмадик,  
Гўримда турарман типпа-тик,  
Барибир мен сизни севаман.

Биламан, бир куни келасиз,  
Бағримда ой бўлиб тўласиз,  
Барибир меники бўласиз,  
Мен сизни жудаям севаман.

### ҚОРАКЎЗ

Осмон узоқ, ер қаттиқ, қандоқ қилай, қоракўз,  
Мен айтмоқчи шеър қаттиқ, қандоқ қилай, қоракўз,  
Пешонамга сиғмаган яримта дил аёлман,  
Кетай десам гўр қаттиқ, қандоқ қилай, қоракўз.

Сен бир олис юлдузсан, етолмадим, қоракўз,  
Кўнгил узиб ва лекин, кетолмадим, қоракўз.  
Иккимизга армондир сеҳр тўла чимилдиқ,  
Чимилдиқнинг сеҳрини ютолмадик, қоракўз.

Кўздан оқар бўлдилар жалаларим, қоракўз,  
Бўғзимда қотиб қолди нолаларим, қоракўз.  
Сен бировнинг ёрисан, сен бировнинг паноҳи,  
Омон бўлсин бахтингга болаларинг, қоракўз.

### УТИНЧ

Баҳорлар шамолин асрайди,  
Юлдузлар ҳилолин асрайди,  
Булоқлар зилолин асрайди,  
Ўзингни мен учун асрагин.

Тирпклик энг буюк иноят,  
Севгисиз яшамоқ жиноят,  
Азизим, бу дунё омонат,  
Ўзингни мен учун асрагин.

Кипригинг остидан топай жон,  
Қонингда кўпирсин ишқ, исён,  
Ўттизга кирмаган навқарон,  
Ўзингни мен учун асрагин.

Рўзгорим бут бўлсин десанг гар,  
Барака, қут бўлсин десанг гар,  
Қиблам шу юрт бўлсин десанг гар,  
Ўзингни мен учун асрагин.

Шеърларим денгиздан бир қатра,  
Ҳар кунн эсга ол минг карра,  
Беажал ўлмасин Сайёра,  
Ўзингни мен учун асрагин!

### КЎЗЛАРИНГНИ СОҒИНАМАН

Кўнгил кўнмас «ёр-ёр»ларга, наволарга,  
Ишим тушди ишқ-дарди бедаволарга,  
Синмай қолдим ҳамма сиққан дунёларга,  
Кўзларингни, кўзларингни соғинаман.

Тунлардайнн маъюс улар, қаро улар,  
Юрагимга оташ улар, олов улар,  
Оҳ, қўрқаман бошларимга бало улар,  
Кўзларингни, кўзларингни соғинаман.

Қайга борсин дардинг билан куйган кўнгил,  
Кўзларингни жонидан ҳам суйган кўнгил,  
Ҳижронларнинг азобиға тўйган кўнгил,  
Кўзларингни, кўзларингни соғинаман.

Жоним берай «севдим» деган сўзлар учун,  
Юрагимда муҳрланган излар учун,  
Бу дунёга келганман шу кўзлар учун,  
Кўзларингни, кўзларингни соғинаман.

## ИНОНИНГ

Майли, сиз тан олманг ўт ишқни,  
Хар банди гулхандай қўшиқни,  
Оҳидан ўт чиққан ошпқни,  
Ёзган шеърларимга инонинг.

Тан олманг ой юзли моҳларни,  
Моҳларнинг минг нозли оҳларин —  
Севги гадо қилар шоҳларни,  
Ёзган шеърларимга инонинг.

Оловюз қуёшга ишонманг,  
Тўзимсиз бардошга ишонманг,  
Вафосиз сирдошга ишонманг,  
Ёзган шеърларимга инонинг.

Майсадан дарахтлар кўкармас,  
Ҳақиқат ёлғонни кўтармас,  
Бу элда номардлар кўпаймас,  
Ёзган шеърларимга инонинг.

Аламлар кетади сўкилиб,  
Кўкламлар кетади тўкилиб,  
Бахт келар бир куни эгилиб,  
Сиз фақат гапимга инонинг!

## КЕЛМАДИНГИЗ

«Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир»,  
Нозик кўнгли фақат санга бандадир.  
Юрак ўтда вужудим гулхандадир,  
Аҳволимни билиб туриб келмадингиз.

Оёқларингиз остидаги хас бўлдим ман,  
Муҳаббатнинг оҳангида сас бўлдим ман,  
Ушалмаган орзуларга маст бўлдим ман,  
Аҳволимни билиб туриб келмадингиз.

Ранги рўйим сариқ ранги сомонларда,  
Орзу яшар армони кенг осмонларда,  
Мендай куйган қиз йўқ Жиззах томонларда,  
Аҳволимни билиб туриб келмадингиз...

Менинг ҳеч кимсага ёмонлигим йўқ,  
Ёмонлик қилганга яхшилик тутдим,  
Гул унган жойларда тиконлигим йўқ,  
Шеърни қоғозгамас, юракка битдим.

Дунёдан энг катта умидим шодлик,  
Кийганим ҳақиқат, ичганим нурдир,  
Ёпинганим баҳор нуридан тоза,  
Чучмомадай нафис, гулчеҳра шеърдир.

Ложувард шабнамдан кўйлақлар кийган,  
Нуқра табассумли кулгу тилайман,  
Азизим, мендайини ким сени суйган,  
Сен учун бир умр танҳо бўлай ман.

### СИЗГА НЕКИ СЎЗЛАДИМ

Сизга неки сўзладим ҳеч бири ёлгон эмас,  
Ҳеч кимса менинг каби танг йўлда қолгон эмас.

Яратганим чекимга не сипоат битмишдир,  
Бекорга забун ҳолим равзаи сўзон эмас.

Ким сунбуллар бўйидан бўй баробар баҳр олур,  
Нечун менинг топганим бир тутам райҳон эмас.

Ким муҳаббат тоқида Зуҳал бўлиб яшнаса,  
Менинг қорачиқларим кўкдаги чўлпон эмас.

Қўнглим, бир ёр дардида бунчаям куйиб кетдинг,  
Сенгаям бир кун бордир, дунё зимистон эмас.

Сенинг телба кўйингга кулганларга тоб берма,  
Аларга ишқ ўйинчоқ умрлик армон эмас.

Кел энди, ёр дардида бўзлайверма, келади,  
Агар бугун келмаса, Сайёра инсон эмас.

## АРАЗ

Кўнглим ёздир, кўнглим баҳор,  
Илмиж бекор, соғинч бекор,  
Биздаям қалб деган жой бор,  
Сизсиз куним ўтмабдимми?

Утаверди тўю байрам,  
Кулиб турди Сизсиз кўклам,  
Зотан, камроқ чекдим алам,  
Сизсиз куним ўтмабдимми?

Биз кимларга райҳонлармиз,  
Кўл етмаган армонлармиз,  
Пойингизда хазонлармиз,  
Сизсиз куним ўтмабдимми?

Сиз осмонда, биз бир ғариб,  
Не топдик кўнгил ахтариб,  
Дард айтайлик кимга бориб,  
Сизсиз куним ўтмабдимми?

Ҳижропинг кўзга қўйиб,  
Яшаймиз азоб туйиб.  
Ҳеч ким ўлган эмас суйиб —  
Сизсиз куним ўтмабдимми?

Байрамлар келади гулни ёпиниб,  
Қуёшнинг сочини ўради қизлар.  
Баҳор ёмғирлардан сўрар соғиниб —  
Кўнглингиз йўқлайди нилуфар ҳислар,  
Тузалиб кетасиз, онажон!

Ҳали жуда ширин кунлар келади,  
Умидни ишончга михлар юрагим.  
Уч кундир бир соат ухلامасам ҳам,  
Оёқингиз учида ухлар юрагим,  
Тузалиб кетасиз, онажон!

Хавотир, ваҳима қолди ортларда,  
Яратганим билди нолаларимни.  
Худодай сизнинг мунис қўшигим,  
Тўйинга бош бўлиб болаларимнинг,  
Тузалиб кетасиз, онажон!

## АЛЛА

Алла, болам, алла айтай тонг отгунча,  
Токи қуёш келиб сени уйғотгунча.  
Алла, болам, бешикдаги ойнм, болам,  
Жонимга жон огриса бир жойинг, болам.

Кечалари пайпаслайман, бешигинг йўқ,  
Бешигингнинг ўнг ёнида эшиги йўқ.  
Алла, болам, аллаларга хумор, болам,  
Бешигингга тикиб қўяй тумор, болам.

Муҳаббатдай ўтли бўлгин, ишқдай тоза,  
Ҳалолликнинг илдизидан ол андоза.  
Омон бўлсанг, кундай ёруғ юз бўласан,  
Алломишлар орзу қилган, қиз бўласан!

\* \* \*

Болам, сени опичлаб, зўрға катта қиляпман,  
Она бўлиб оналикнинг қадрин энди билияпман.  
Йиғлаганингда йиғлаб, кулганингда куляпман,  
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам,  
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан тон, болам!

Минг азобни босганда қадамларим куйди-ей,  
Бўғзимда қолиб кетган аламларим куйди-ей,  
Куйганимда яқингина одамларим куйди-ей,  
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам,  
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан тон, болам!

Меҳру шуурим қўшиб, алла айтдим сенга деб,  
Тоza райҳонли, тонгги палла айтдим сенга деб,  
Бешигинг кўзмунчоғин силаб айтдим сенга деб,  
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам,  
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан тон, болам!

Ҳалолликнинг оқ рангидан олайлик ранг иккимиз,  
Муҳаббат қўшиғида турфа оҳанг иккимиз,  
То беармон ўтайлик бизлар даданг иккимиз,  
Болам, шу эл сеники, дарди билан ён, болам,  
Ёнолмасанг ўша куни инсонликдан тон, болам!

\* \* \*

Эй кеча, эйдин кеча, ойи хиёл эгилган,  
Эгилган ой қўйнидан юлдузлари тўкилган,  
Булутлари аразчи, қоматлари букилган,  
Булутлари йиғласин, ёшдан ичгим келди,  
Оймомога шеъримдан зар либос бичгим келди.

Майсажонлар ортимдан чопқилласалар шодон,  
Шамолнинг эртагидан тушиб қолганда райҳон,  
Қапалакка осилиб, гулларга етай омон,  
Воҳ, бу қандай беҳиштдир, ақл ҳайрон,  
тил ҳайрон,  
Ёнингдаги баҳорни битта ўпай, болажон!

\* \* \*

Сен кўзимнинг қорачиғи, керагимсан, болажон,  
Тоза меҳрим юкинган тирагимсан, болажон,  
Сен дунёда ёмонлик, гуноҳлардан бегона,  
Шабнамдай мусаффосан, тилагимсан, болажон.

Йўлларимни таъқиб қилди ғаразларнинг кўзлари,  
Дўстларимнинг қўлидан заҳар ютдим, болажон.  
Покиза кулгинг билан икки дунём обод қил,  
Ки бу ёруғ дунёга тўйиб кетдим, болажон!

Менинг топган, таянган бойлигимсан, болажон!

#### ОТА-ОНАМГА

Ота, йўлларимга нигоронгинам,  
Она, йўлларимга нигоронгинам,  
Бормасам, безовта қўша жонгинам,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Кўзимнинг ёшини артадиганлар,  
Дард чексам бирга дард тартадиганлар,  
Дардимни кифтига ортадиганлар,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Душманим бир гала, битта дўстим шеър,  
Дўстларим кўзимни ўйиб олсам дер,  
Яхшиям осмон кенг, яхшиям кенг ер,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Ғийбат қилиб қариди қанчалар юрак,  
Ишлари йўқ худди игводан бўлак,  
Улиб кетмайдими, менга Сиз керак,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Бола бўлиб тикилиб ўтиролмасам,  
Пойингизга тўкилиб ўтиролмасам,  
Одам бўлиб юрибман дейман-да мен ҳам,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Даласидан бошқа дарди йўқ отам,  
Соғинчим юракда лахча чўғ отам,  
Тилим «ота» деса, қорним тўғ отам,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Худонинг бир мўмин оқил бандаси,  
Ҳалимгина бандаси, одил бандаси,  
Онам — юрагимнинг яхлит парчаси,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

Молу дунё нима, нима зеб-зийнат,  
Амал, обрў нима — бир пулга қиммат,  
Менга Сиз кераксиз, Сиз керак фақат,  
Айтинг, Сиздан бўлак кимим бор менинг?

### ДАДАЖОН

Дадажон, тожимсиз, давлатимсиз Сиз,  
Дадажон, умримга зийнатимсиз Сиз.  
Мени нимани кўрдим ёлғон дунёда,  
Топган бор обрўйим, иззатимсиз Сиз.

Умримнинг гул даври ўтиб бормоқда,  
Кўнглингиз топдимми яхши сўз билан?  
Оғир-енгил кунда ўзимдан ортиб,  
Хабар ололдимми вақт-бевақт сиздан?

Кўзимнинг гавҳари, нури, дадажон,  
Кўнглимнинг меҳрисиз, тўри, дадажон.  
Қизингиз дунёдан ўтиб кетса ҳам,  
Сизни йўқлаб турар шеърп, дадажон.

Лзобим орқалаб касалхонада —  
Сўзсиз термуламан юзларингизга,  
Дадажон, гапирманг, қўлингиз беринг,  
Саждалар қилайингиз изларингизга.



Онасни бир бор кўрмаган дадам,  
Ота дийдорига тўймаган дадам.  
Болалиги ўтиб машаққатларда,  
Бола бўлиб ўйинни сўймаган дадам.

Уғилларингиздай тиргак бўлайин,  
Ғофил бўлмай энди сергак бўлайин.  
Дадажон, ҳамиша ташвиш биланмас,  
Ҳеч бўлмаса шеърим билан керак бўлайин.

Мен шоир эмасман, оддий бир қизман,  
Дардингизги олгани баъзан ожизман.  
Ўттизга кириб ҳам кирмади ақлим,  
Кирмаган ақлим билан айланай сиздан.

Дадажон, шундайин давр келади,  
Мен топиб айтаман сиз учун сўзини.  
Сиз севган, асраган юрагим билан,  
Бошимга кўтариб юраман Сизни.

Дадажон, бўйимсиз, савлатимсиз Сиз  
Умрим бўйи йиққан давлатимсиз Сиз...

### АРЗИМАС

Теграмдаги минг хил ташвишим,  
Алашим, оғригим, олқишим,  
Боши бор, сўнгги йўқ ташвишим,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бўғзида тош қотган тулларим,  
Кўзида ёш қотган кунларим,  
Овозим яшринган унларим,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бағрига офтоблар ботганим,  
Кўнглига азоблар ботганим,  
Соғиниб бетоблар ётганим,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Жойим бор давралар тўрида,  
Танишим ҳофизлар зўридан,  
Дунёни кўчирсам ўрнидан,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Томлари қизғалдоқ эски уй,  
Райҳонлар экилган сарвибўй,  
Тонгларга шукурлар рўбарўй,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Амалу обрўсин не қилдим,  
Утган йилларимга термулдим,  
Қим бўлдим, бемеҳр қиз бўлдим,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бу дунё кўнглида доғи бор,  
Елкамда залворли тоғи бор,  
Ҳолим сўрайдирган харидор,  
Онамнинг кўз ёшига арзимас.

Бетоқат юракни ёраман,  
Рухимни азобга қораман,  
Онамни кўргани бораман,  
Йўқ эса кунларим арзимас.

### ЖОНИМ, БОЛАМ

Касалхонада аранг келиб қолдим ҳушимга,  
Нелар содир бўляпти, кирмаган ҳам тушимга,  
Қуллуқ қилиб ўтдим-ку, рўзгорим, турмушимга,  
Жоним, болам, азобингга чидай олмайман сира.

Кўзингнинг ёмғирлари юрагимни ҳўллайди,  
Тийраккина нигоҳинг бардошимни қўллайди,  
Қайси бир айбинг учун тангри жазо йўллайди,  
Жоним, болам, азобингга чидай олмайман сира.

Кўзингни оч норастам, чирқираган онангман,  
Етмиш икки томири зирқираган онангман,  
Сўз топмай кўз ёшлари тирқираган онангман,  
Жоним, болам, азобингга чидай олмайман сира.

Отанг билан тегрангда ўтирибмиз букилиб,  
Нажот дея табибнинг оёғига йиқилиб,  
Нуридийдам, кетди-ку бардошларим тўкилиб,  
Жоним, болам, азобингга чидай олмайман сира.

Фариштам, сен йироқсан, бор ёмонлик, гуноҳдан,  
Айланайин кўзингда жавдираган сўроқдан,  
Оёғингни синдирганлар қолсин бир кун оёқдан,  
Жоним, болам, азобингга чидай олмайман сира.

## ОТАЖОН

Дунё кўп ғалати дунё дегайсиз,  
Ёмонга қилмагин парво дегайсиз,  
Сахий бўл, бўл меҳри дарё дегайсиз,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота.

Дегайсиз ҳақиқатнинг йўли узундир,  
Ҳақ деганнинг доимо тили узундир,  
Нима деса десни, тили узунлар,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота.

Муштдаккина бошимга заҳматлар ёғди,  
Тушимгаям қирмаган туҳматлар ёғди.  
Шеърлар айтсам, отанга раҳматлар ёғди,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота.

Элга ошлар беринг, наҳоримиз бир,  
Кўнгилдаги гинамиз, озоримиз бир,  
Кафанимиз бошқа-бошқа, мозоримиз бир,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота.

Уч қиз уч томондан учиб келайлик,  
Меҳрингиз нуридан ичиб келайлик,  
Оппоқкина йўрғақлар қучиб келайлик,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота.

Бевақт аламларга тўлмасангиз, бас,  
Қўшиғимни етим қилмасангиз, бас,  
Икки кўзим кўр бўлсаям, ўлмасангиз, бас,  
Сўзлари ёнар чўғ шеъримсиз, ота,  
Пиримсиз, отажон, пиримсиз, ота!

## ЎҒЛИМ

Нилуфар осмонга кетайлик учиб,  
Яшайлик топ-тоза булутни қучиб,  
Кетайлик ердаги ғийбатдан қочиб,  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

Эркаклари маккор ёруғ дунёнинг,  
Аёллари айёр ёруғ дунёнинг,  
Тарозуси ночор ёруғ дунёнинг,  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

Яшадим гоҳ бахт, гоҳ омад талашиб,  
Бемор юрагимга тоқат талашиб,  
Югурмадим шон-у овқат талашиб,  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

Ўзбекни мард дейдилар, мардлари қани?  
Мардлик қилганларга нақдлари қани?  
Қани, Алпомишнинг шаҳдлари қани?  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

Дерлар, қайтар дунё, бир кун қайтади,  
Кўзимнинг ёшини ким ҳам артади,  
Бир ширин муҳаббат сенга тортади,  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

Кўксим кўргуликдан кўкайиб кетди,  
Мағрур бошим ерга мўнғайиб кетди,  
Худога айтар гапим кўпайиб кетди,  
Бизга ер юзида кун йўқ-ку, ўғлим.

### ДОНО ОНАМ

Доно онам, дўсти қадрдон онам,  
Соддагина кўнгли бепоён онам,  
Ниманиям кўрдим ёруғ дунёда,  
Бор топганим — ислари райҳон онам.

Доно онам, мушфиқ, меҳрибон онам,  
Кўзларида минг битта армон онам,  
Нима қилай кўнглингизни олиш учун  
Оборайми Қўқон, Марғилон онам?

Доно онам, синглиси имон онам,  
Душмани йўқ, бирдек меҳрибон онам,  
Гирён итлар кун бермаса қизига,  
Билдирмайин чеккани фиғон онам.

Доно онам, жонгинамга жон онам,  
Бошим олиб кетайин қаён онам,  
Ҳар ноқаснинг фиғларига дучормен,  
Кўксим ўққа бунчаям нишон онам.

Доно онам, умримга посбон онам,  
Кўрқманг, мағрур бошгинам омон онам,  
Тиззангизга бошим қўйиб бир йиғлай,  
Енимдасиз, қолгани ёлғон онам.

### БОЛАМ

Бу қандай сир, бу не ҳол, болам,  
Отанг қадди бўлди дол, болам,  
Лочин болам, навниҳол болам,  
Болам, жойинг жаннатда бўлсин.

Эслаганда чиққудай, жоним,  
Зирқирайди бошим, товоним,  
Ҳеч кимсадан йўқдир гумоним,  
Болам, жойинг жаннатда бўлсин.

Ойи яшнар кўкдайн болам,  
Султондайн, бекдайн болам,  
Энди қандай чидайн, болам,  
Болам, жойинг жаннатда бўлсин.

Отанг бағри тутун билмадинг,  
Ажал қувса нечун билмадинг,  
Оёғингда қайтиб келмадинг,  
Болам, жойинг жаннатда бўлсин.

Яна келдим.

Қўзғалма, қўзим,  
Йиғлайвериб кўр бўлди кўзим,  
Худо берсин онангга тўзим,  
Болам, жойинг жаннатда бўлсин.

### ОТА УЙИМ

Ота уйим, отажон уйим,  
Чорбоғингга узум бўлайин,  
Ота уйим, отажон уйим,  
Устунингга тўзим бўлайин.  
Йўлагингга йўламасин ғам,  
Олмаларинг пишмасин бевақт,  
Имкон топиб боролмай қолсам,  
Йўқлаб турсин сени оқибат.  
Мен арзанда ўсдим бағрингда  
Ташвишлардан, ғамлардан ҳоли.

Лекин сендай ғамхўр кўрмадим —  
Дўст кўрмадим сендан вафоли.  
Шу болам ҳам кўкарсин десанг,  
Раҳмин есанг аёл жонимнинг,  
Сен худонинг паноҳига бер —  
Отам билан онажонимни.  
Меҳр кирсин эшикларингдан,  
Деразангни чертсин камалак.  
Ўғил тўла бешикларига  
Алла айтсин учта келинчак.  
Қуёш сенинг бағрингдан чиқар,  
Ойлар ботар деворларингга.  
Кўзларимни суртиб олайин  
Райҳон тўла гулзорларингга.  
Ҳар қаричинг жаннатдир асли,  
Ҳар қаричинг менга минг чаман.  
Юрагимдай кенгликлари кенг —  
Юрагимдай кичкина Ватан.  
Гарчанд бугун уй-жойим бошқа,  
Сиғинганим каъбам ягона,  
Қаримасдан киргин минг ёшга,  
Мени шоир қилган остона.

### СИЗГА ВАҚТ ТОПМАДИМ, АЯЖОН!

Катта давраларда шеър айтиб ёниб,  
Баҳорнинг йўлига чиқдим қувониб,  
Яшадим шу элнинг меҳрига қониб,  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

Вақт топдим дўстларнинг хизмати учун,  
Машҳур шоирларнинг суҳбати учун,  
Аёлларнинг арзимас ғийбати учун,  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

Боламга кўйлақлар тикдим ранг-баранг,  
Ўзимга қарашга вақт топдим аранг,  
Демадим, онамни бир бориб кўрай,  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

Кўпинча азобни бордим елкалаб,  
Ташвишимни айтдим битта-битталаб,  
Бир сўз демадингиз сиз мени аяб,  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

Келсангиз, уйларим ёришиб кетар,  
Бағрингизга меҳрим қоришиб кетар,  
Севинчдан юрагим тўлишиб кетар,  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

Бўлдим нима деган энди мен одам,  
Бориб дардларингиз олиб турмасам.  
Фарзандлигим ёлғон, инсонлигим ҳам —  
Сизга вақт топмадим, аяжон!

### СИЗГА ЕТОЛМАГАН КУНЛАРИМ

Юлдузларга етмай қолди қўлим менинг,  
Бекатлари тайин билмас йўлим менинг,  
Ярим бўлди асли ярим дилим менинг,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

Булутлардан бўйи узун қизим деган,  
Умридан ҳам куйи узун қизим деган,  
Менинг билан бағри бутун қизим деган,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

Она бўлиб, дардингизни ўқиб кўрдим,  
Ҳаётнинг чин мактабини ўқиб кўрдим,  
Анча-мунча дилгир шеърлар тўқиб кўрдим,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

Юзингизда ажишларга кўзим ботсин,  
Кўнглингизда тугунларга кўзим ботсин,  
Дардингизни олиб, дардим йиғлаб ётсин,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

Машҳурлигим юқмайдиган дамлар бисёр,  
Кипригимда селдан қолган намлар бисёр,  
Бутун кўнглим илғамаган камлар бисёр,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

Болам учун талпингани меҳрим керак,  
Тўрам учун меҳримдаги сеҳрим керак,  
Сизга, фақат сизга менинг умрим керак,  
Она, сизга етолмаган кунларим кўп.

## ЧОРЛОВ

Опа, булут бўлиб ситилиб кетдим,  
Опа, яшин бўлиб йиқилиб кетдим,  
Опа, ёмғир бўлиб тўкилиб кетдим,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Рангимнинг рангини эслолмай қолдим,  
Томоғим ачишиб йиғлолмай қолдим,  
Ғафлат босиб, сизни йўқлолмай қолдим,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Боламнинг кўзлари кўзимга сиғмас,  
Тўрамнинг сўзлари сўзимга сиғмас,  
Юрагим, юрагим кўксимга сиғмас,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Ёстиғимга ойлар ботсин десангиз,  
Бир куним одамдай ўтсин десангиз,  
Юлдуз ёнимизда ётсин десангиз,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Ҳамма азобимга топасиз чора,  
Келсангиз хорлиғ-у зорлик чикора,  
Яхшиям сизни туққан онам бечора,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Шеърларим райҳондир, шеърларим зариф,  
Бир кўнглим пошшодир, бир кўнглим ғариб,  
Худодан сўровдимми шоир бўлай деб,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

Болалигимга қайтиб, шўх ел бўлай ман,  
Дардларимни айтиб, енгил бўлай ман,  
Бир кунгина сизга сингил бўлай ман,  
Опа, дардлашгани келинг бир кеча.

## ҚИЗГИНАМ

Ифори ясама гулга ўрганма,  
Бир сўзи икки хил тилга ўрганма,  
Имондан бенасиб йўлга ўрганма,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!



Тушингга кирмасин ҳеч қора ният,  
Ҳалол бўл чексанг ҳам қанча азият,  
Ажратгин ким яхши, кимлар бадният,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

Кипригинг кўзингга тушса қийналдим,  
Чап кўзинг ногаҳон учса қийналдим,  
Мурғак танингни дард қучса қийналдим,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

Қуралай кўзларинг шаҳло, қуралай,  
Тонгда ётоғингга нурдай мўралай,  
Сенга чин остона тақдир сўроқлай,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

Ун ўғил ўрнини босасан, бахтим,  
Жон бериб, меҳр деб эккан дарахтим,  
Ўзингсан ташвишим, давлатим, тахтим,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

Кўнглим тутун бўлса ўрлаб ситамлар,  
Сенинг кулгуларинг қувонч тутарлар,  
Фалончининг боласи десин одамлар,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

Мафтунам!

Покликка мафтуним бўлгин,  
Ой каби тўлишган гулгуним бўлгин,  
Мен сенга суянай, устуним бўлгин,  
Меҳрга ўргангин фақат, қизгинам!

### СИЗДАН БУЛАК

Адирларнинг кенглигини ютгим келар,  
Шамолларни қўлим билан тутгим келар,  
Қўйнингизга юлдуз бўлиб ботгим келар,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Ғафлат босган қай дилларни хўрлик йўқлар,  
Ҳар кўринган осмонимга булут боғлар,  
Айтинг, нечун кўринмайди дини соғлар,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Дўстим бўлиб кўзим ўйди яқинларим,  
Ен-верига боқмай қўйди яқинларим,  
Мендан нима озор кўрди яқинларим,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Кўнглим гулдир, атрофида капалак кўп,  
Ифорига мафтун бўлган жон-ҳалак кўп,  
Оёғимдан чалган қанча суварак кўп,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Бой бўлсин-ей, майли мени қарғаганлар,  
Кўнглида чин адоватни асраганлар,  
Менга фақат ҳасад билан қараганлар,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Анбарафшон тонглар менинг қариндошим,  
Наврўздаги оқ ёмғирлар кўзда ёшим,  
Минг азобдан омон чиққан аёл бошим,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

Бўлди энди дардларимни айтмайман мен,  
Гина тўла байтларимга қайтмайман мен,  
Алла айтиб бермасангиз кетмайман мен,  
Онажоним, ғамхўрим йўқ сиздан бўлак.

#### ҚАЙНОНАМГА

Оппоққина чимилдиғим тиккач энам,  
Мени-минг бир ният билан кутган энам,  
Бир шоирни эпли келин қиламан деб,  
Қанча-қанча азобларни ютган энам.

Келин бўлиб бир йил хизмат қилолмадим,  
Ҳайитларда ҳатто хабар ололмадим,  
Райҳон исли тонглардан ҳам барвақт туриб,  
Қўлингизга иссиқ сувлар қўёлмадим.

Касал бўлсам, атрофимда куйинасиз,  
Азоб чексам, азобимга тўйинасиз,  
Катта шонр бўлади бу қиз десалар,  
Бир чеккада ўзимдан кўп сўйинасиз.

Бу дунёнинг ишларига куйиб кетсам,  
Энажоним, ҳеч тинчингиз йўқолмасин.  
Сўровим бор худодан ҳам, бандадан ҳам,  
Юзингиздан қувончингиз йўқолмасин.

Оплоққина чимилдиғим тиккан энам,  
Мени минг бир ният билан кутган энам...

### БОЛАЛАРИМ, СОҒИНДИМ

Сочи жамалакларим,  
Гулдай капалакларим,  
Жончаси ҳалакларим,  
Болаларим, соғиндим.

Фаришта ҳаволарим,  
Топилмас наволарим,  
Дардимга даволарим,  
Болаларим, соғиндим.

Тўқмиди-ей қорингиз,  
Омонмиди жонингиз,  
Кўзларимда қолдингиз,  
Болаларим, соғиндим.

Офтоб меҳр нурларим,  
Содда, бегард сирларим,  
Ёзилмаган шеърларим,  
Болаларим, соғиндим.

Соғиндим, ҳайратангиз,  
Қаймоқдай суҳбатингиз,  
Қийналдим дадангиз,  
Болаларим, соғиндим.

Омон дунё, омонат,  
Ташвишларим тумонат,  
Ётқизиб қўйди-ку дард,  
Болаларим, соғиндим.

Шамолларни ўпмайман,  
Булутларни тутмайман,  
Энди сира кетмайман,  
Болаларим, соғиндим.

## ОНАМГА

Жоним, жаҳоним онам,  
Қибла томоним онам,  
Ёрим, осмоним онам,  
Менда не айб бўлди,  
Юрагим майиб бўлди.

Бу дунёда мараз кўп,  
Разолат кўп, араз кўп,  
Шубҳалар кўп, фараз кўп,  
Ҳақиқат йўқ-ку, онам,  
Тилимда чўғ-ку, онам!

Босганим тикон бўлса,  
Топганим фигон бўлса,  
Меҳнатим гумон бўлса,  
Мен қайга борай, онам,  
Қай йўлдан юрай, онам?

Кўзимни кўр қилганлар,  
Қадримни ер қилганлар,  
Ошимни шўр қилганлар,  
Ҳаётдан тонсин, онам,  
Худодан топсин, онам.

Қирққа кирмай, қор бўлдим,  
Кенг дунёга тор бўлдим,  
Йўқ бўлдимми, бор бўлдим,  
Энди фарқи йўқ, онам,  
Юракда минг ўқ онам.

Сабр тилай сабрингга,  
Етолмасам қадрингга,  
Маҳкамроқ бос бағрингга,  
Битта сирдошим, онам,  
Кўзимда ёшим, онам.

Узимдан сўзим оғир,  
Айтсам, юрагим оғир,  
Мен бир шўрлик қонбағир.  
Кун кўрмай ўтдим, онам,  
Эзилиб кетдим, онам.

Йиқилмайман шамолга,  
Юз бурмайман заволга,  
Борма минг хил хаёлга,  
Тоза райҳоним, онам,  
Борки имконим, онам.

Куйиб, ёниб яшайман,  
Урним топиб яшайман,  
Сени ўпиб яшайман,  
Мендан кўнглинг бўлсин тўқ,  
Бошқа айтар гапим йўқ!

#### ОТА

Ота, кўнглимга қараб, кўнглингиз эзилдими,  
Ота, раъйимга қараб, раъйингиз бузилдими,  
Ота, ойнинг ўн беш бунчаям чўзилдими,  
Уғил бўлай, бўлай деб бўлмай, қолган боламан,  
Улмай қолсам, бир кун мен ҳам одам бўламан.

Кўзларимга ҳар кун минглаб тикон қадалди,  
Изларимга ҳар кун турфа ёлғон қадалди,  
Тақдирнинг зарбалари ёмон, ёмон қадалди,  
Уғил бўлай, бўлай деб бўлмай, қолган боламан,  
Улмай қолсам, бир кун мен ҳам одам бўламан.

Амалим борми, йўқми, йўқдир менга қизиғи,  
Куним битса оловдай қолар умрим чизиғи,  
Учта полопон болам ҳаётимнинг озуғи,  
Уғил бўлай, бўлай деб бўлмай, қолган боламан,  
Улмай қолсам, бир кун мен ҳам одам бўламан.

Ёнма-ён юрар экан адолату-разолат,  
Чин инсон бўлиб яшаш, ўта ноёб маҳорат,  
Шу беш кунлик дунёга меҳмондирмиз омонат,  
Одамларнинг дуоси жаннатларга элтади,  
Дуога арзимасам кўзим очиқ кетади!

#### ОНАМНИНГ ТИЛАГИ

Соддагина онам, ҳокисор онам,  
Муносигина онам, беозор онам,  
Кўзида айтмаган дарди бор онам,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

Дерлар битта онанг, битта тананг дўст,  
Ёр-оғайни эмас, туққан боланг дўст,  
Тонгда жайномозда қилган ноланг дўст,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

Кўз очсам, ён-верим олов бўлганда,  
Езганларим бошимга бало бўлганда,  
Энг яқин дўстларим чин ёв бўлганда,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

Сўровдингизми болам шоир бўлсин деб,  
Сал-пал эл ичида машҳур бўлсин деб,  
Яшарман Сизнимас, шеърнинг ғамин еб,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

Чидолмай соғинчнинг қийноқларига,  
Тавба қилиб ҳамма гуноҳларимга,  
Ишонинг ҳар куни бормоқларимга,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

Ургулайин олисдан йўқлаб келсангиз,  
Шеърларимни ўқиб йиғлаб келсангиз,  
Энг буюк шеърим — Сиз агар билсангиз,  
Шоир болам, сенга кўз тегмасин дейсиз.

### ЖАВОҲИРНИНГ ХОТИРАСИГА

Жавоҳирим, жон томирим,  
Юзларингни соғиндим ман,  
Бир жуфтгина кўзмунчоқдай  
Кўзларингни соғиндим ман.  
Ярмин айтиб айтолмаган  
Сўзларингни соғиндим ман.  
Лой кўчада қолиб кетган  
Изларингни соғиндим ман.  
Айбинг нима эди, жоним,  
Бу дунёга тўёлмадинг,  
На отангга, на онангга  
Об-ҳавога тўёлмадинг.  
Уч ёшгина ёшинг эди.  
Мургаккина баҳодирим.  
Думбоққина кўлчалари  
Ерга ботган Жавоҳирим.

Қабристоннинг бир четида  
Дилга шу шеър ўрмалади.  
Совқатмагин чучмомалар  
Бўлсин сенинг кўрпаларинг.  
Куёш ҳар тонг иситсин-ей,  
Жажжигина юрагингни,  
Фаришталар силасинлар  
Кўз мунчоқли билагингни.  
Хаёлимда барқутдайин  
Сочларингни тароқладим,  
Бобонг бўлиб, буванг бўлиб,  
Сени ҳар тонг сўроқладим.  
Термуламан совуққина  
Қабристоннинг тошларига,  
Не-не юрак дош беролмас  
Онангинг кўз ёшларига.  
Йигит бўлиб сирга тўла  
Чимилдиқни тўлдирмадинг.  
Бир париваш қизгинани  
Тушларида кулдирмадинг.  
Бекасамдан тўнлар кийиб,  
Куёв бўлсанг Алпомшдай,  
Тўйларингда юрмасмидик  
Белни боғлаб тол қамшдан.  
Эссиз, менинг гул райҳоним,  
Эссиз кетган болам менинг.  
Қабринг узра кўкармоқда,  
Экиб кетган лолам менинг.  
Бир оҳ демай икки кунда —  
Оғриқларни ютган болам,  
Бу дунёга кеча келиб —  
Бугун эрта кетган болам.  
Қабристоннинг йўлларига  
Юрагимни экиб кетдим.  
Онанг билан уйинггача  
Бир эзгин шеър тўкиб кетдим.  
Тирикларга буюргани,  
Имон билан сабот, болам.  
Мен синглимга бардош тилай,  
Сен жойингда тинч ёт, болам!

## ЖАВОҲИР

(Гулчеҳра учун)

Жоним болам, кўнглимдаги борим, болам,  
Ақл болам, маъқул, беозорим, болам,  
Сенсиз менга яхши кун бекорим, болам,  
Жаннатларда сузиб юрган оққушимсан.

Кўрпаларинг бўлди қаро ерлардайин,  
Отанг боши бевақт ёққан қорлардайин,  
Соғинганда, кимдан сўраб, нима дейин,  
Жаннатларда сузиб юрган оққушимсан.

Юрсам изинг, турсам бўйинг кўринади,  
Тўйсиз кетдинг, фикру ўйинг кўринади,  
Тушларимда никоҳ тўйинг кўринади,  
Жаннатларда сузиб юрган оққушимсан.

Сенсиз ўтган йиллар бунча совуқ, сўлгин,  
Ўлгунимча юрагимда дардим тўлгин,  
Ёгинангга боргунимча омон бўлгин,  
Жаннатларда сузиб юрган оққушимсан.

### ОНАМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Кўрпангга қараб узат, етса агар оёғинг,  
Миннатли ошни нима, йиртар бир кун томоғинг,  
Омонатга хиёнат қилма, шарт қайтармоғинг,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Ҳаёт улкан денгиздир, чор атрофи туманлар,  
Дуч келганинг гоҳ ёмғир, гоҳи қор, гоҳ тўфонлар,  
Туманларда изингни пойлаб юрар ёмонлар,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Ҳар қалб меҳрга ташна, очилмаган қўриқдир,  
Шул қўриққа эзгулик тоабадлик шерикдир,  
Ҳақ йўлида диёнат ҳар инсонга йўриқдир,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Ҳар даврада сўзингдан кимлигингни сезсинлар,  
Камтарин бўл қадрлаб, яқицларинг суйсинлар,  
Фалончининг боласи камтаргина десинлар,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!



Умринг бўйи яхшилик бўлсин терган, йиққанинг,  
Қулоғингга сирға қил ҳар насиҳат, уққанинг,  
Кунингга ярар фақат туғишганинг, туққанинг  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Ночорнинг тиззасидан мадор бўлгин, эпласанг,  
Хастага меҳр деган тумор бўлгин, эпласанг,  
Қишнинг чилласидаям баҳор бўлгин, эпласанг,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Шумлиг-у қинғирликдан барака топди айт, ким,  
Лоқайдликдан юрагинг оғримас экаи сим-сим,  
Нечун ёруғ дунёда яшаб юрибсан, қизим,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Сенга сабоқ бўлсин деб, кўнгилдагин нақд айтдим,  
Ёниб яшасанг агар, онанг учун бахт айтдим,  
Сенга келар балога мен дуойибад айтдим,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

Дўстинг билан бўлишгин энг сўнги нонингни ҳам,  
Ночор, ноумидликда кўрмай кўзларингда нам,  
Онам чин дунёсига кетсин десанг хотиржам,  
Сен фақат диёнатни бошингга тож бил, болам!

### СИНГЛИМ

Жоним синглим, жон синглим,  
Юрак бағри қон синглим,  
Эр ҳам бир султон, синглим,  
Бир марта гапдан қолинг.

Сапчимаангиз юзига,  
Тик қараманг кўзига,  
Инсоф берсин ўзига,  
Бир марта гапдан қолинг.

Ҳаёт ўзи нимадир,  
Асал билан қалампир,  
Шудур пешона тақдир,  
Бир марта гапдан қолинг.

Болам унсин десангиз,  
Гапга кўнсин десангиз,  
Уйим тинсин десангиз,  
Бир марта гапдан қолинг.

Тил қурмағур суяксиз,  
Энди сал-пая суяйсиз,  
Уй зинистон эркаксиз,  
Бир марта гапдан қолинг.

Бойлик, мерос ўткинчи,  
Турфа либос ўткинчи,  
Ёшлик, пардоз ўткинчи,  
Бир марта гапдан қолинг.

Қим ғурбатга ўч бўлар,  
Балоларга дуч бўлар,  
Кейин жуда кеч бўлар,  
Бир марта гапдан қолинг.

Балки сизга билинмас,  
Эр кўнгли совуса, бас.  
Қайтиб сира илимас,  
Бир марта гапдан қолинг.

Сизга не десам экан,  
Фалсафам шу тушунган,  
Ютади уйим деган,  
Бир марта гапдан қолинг.

Сирдошингиз бўлайман,  
Оғрингиз олайман,  
Сизга сабр тилайман,  
Бир марта гапдан қолинг.

#### ТУЙХАТ

(Шарофат онанинг 80 йиллик тўйида болаларига айтган сўзлари)

Жаҳонгирим, бой болам,  
Қирққа кирган тўй болам,  
Икки дунём ёритган,  
Лўчин болам, ой болам,  
Бўйларингдан айланай!

Инобатим, ботирим,  
Чолиб келаётирим,  
Тўрт ўғлини олдиға  
Солиб келаётирим,  
Бўйларингдан айланай!

Ижобатим, полвоним,  
Оғир вазн полвоним,  
Қон босиминг ошганда  
Зирқирайдн товоним,  
Бўйларингдан айланай!

Зулхуморим, Зулхумор,  
Бўйларингга кўз тумор,  
Ен-верингга аланглама,  
Эрингни аччиғи бор,  
Бўйларингдан айланай!

Аюбжоним, бўз болам,  
Кенжам, қийиқ кўз болам,  
Хурсанойдай сулувиинг  
Узугига кўз болам,  
Бўйларингдан айланай!

Мени қандай суйсангиз,  
Болаиғиздан топинглар,  
Сўнгни дамда ўзингиз  
Кўзларимни ёпингиз.

### ДУСТИМ ҚОЛМАДИ

Она, сизга деган шеърларим қолди,  
Қуёшга атаган нурларим қолди,  
Битта ўзим билган сирларим қолди,  
Ўзимдан бошқа ҳеч дўстим қолмади.

Кимшики дўст билдим, чалди оёқдан,  
Узоқроқ юрдим-ку, ҳаром — гуноҳдан,  
Паноҳ қидирмадим нопок гумроҳдан,  
Ўзимдан бошқа ҳеч дўстим қолмади.

Яхшилик йўлладим кимгадир баъзан,  
Эвазига ёмонлик қайтди дафъатан,  
Менга гийбатлардан бичдилар кафан,  
Ўзимдан бошқа ҳеч дўстим қолмади.

Мен айтган дostonлар қорайиб кетди,  
Дилдаги армонлар қорайиб кетди,  
Ҳайҳотдай осмонлар торайиб кетди,  
Ўзимдан бошқа ҳеч дўстим қолмади.

Юр энди, бу ердан кетамиз, қалбим,  
Тушимизни сувга айтамиз, қалбим,  
Бир йигитга шеърлар бптамиз, қалбим,  
Сендан ҳам бошқа ҳеч дўстим қолмади.

### МУҲАММАД

Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад,  
Жонинг бўлсин жонимга пайванд,  
Юрагимдан узилган фарзанд,  
Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад.

Қарашли олов, чўғ болам,  
Киприклари тийра ўқ болам,  
Сендан бошқа дардим йўқ болам,  
Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад!

Мен ишонган ширин эртагим,  
Уйқулари сархуш эрмагим,  
Мўрғаккина мағрур эркагим,  
Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад.

Бўйларингга бўйтумор кўзим,  
Икки дунё унутма сўзим,  
Сен отанга тоғ бўлгин, қўзим,  
Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад.

Ярим эдим, бут-бутун бўлдим,  
Ёлғон эдим, чиппа-чин бўлдим,  
Уғил топиб, бой хотин бўлдим,  
Жон Муҳаммад, жоним Муҳаммад.

### ҚИЗИМГА

Сочларингни ўриб қўяй майда, қизим,  
Майда сочининг ўзи ҳозир қайда, қизим.  
Отанг мени тушунмади, тушунмади,  
Хаёллари қизлар турган жойда, қизим.

Тоза гулдай палак ёзиб унгин, қизим,  
Нима десам айтганимга кўнгин, қизим.  
Отанг мени тушунмади, тушунмади,  
Ҳеч бўлмаса сен тушун, тушунгин, қизим.

Сочларингни ўриб қўяй майда, қизим,  
Майда сочининг ўзи ҳозир қайда, қизим.  
Отанг мени тушунмади, тушунмади,  
Тур ўрнингдан, кийинамиз тўйга, қизим!

### НИЯТ

Ҳар хил энгил машиналар кўп бўлади,  
Йигит-қизлар ясаниб, тўп-тўп бўлади,  
Кўпкари-ю курашлар хўб-хўб бўлади,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Белбоғ тўла пул сочади янгалари,  
Ҳовлимизга гул сочади янгалари,  
Чимилдиққа йўл очади янгалари,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Бир офтобрўй, нигоҳи оташ келади,  
Келин эмас ҳуснда яккаш келади.  
Онасига қиз бўлиб, дардкаш келади,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Кўзларимдан ёшлар оқар қатор-қатор,  
Дўст-душманам, меҳмон келар турнақатор.  
Етмиш икки томпримга ёққан «ёр-ёр»,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Поёндозлар тушар қўша боболари,  
Мақтаб-мақтаб сеп ёяди момолари,  
Жонга ёқар Шералининг наволари,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Овсинларим исриқлар тутар, ҳай-ҳай,  
Келинчакка қўшилишиб, йиғлар сурнай,  
Елғизгинам куёв бўлар Отабекдай,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

Мен ҳам шундай тушган эдим кўйингизга,  
Фаришталар меҳмон энди уйингизга,  
Жон дадаси, қурбон бўлай бўйингизга,  
Муҳаммаднинг чимилдиқли тўйларида.

### АСРА ЭНДИ, ХУДОЙИМ

Азизгина отамни паноҳингда асрагин,  
Муносибгина онамни паноҳингда асрагин,

Ёлғизгина опамни паноҳингда асрагин,  
Кўнглимдаги ноламни асра энди, Худойим.

Отаси бўла туриб, отасизлар сон мингта,  
Онаси тирик юриб, онасизлар сон мингта,  
Уй-жойлари бадастир, хонасизлар сон мингта,  
Умиди мўл хонамни асра энди, Худойим.

Ўзимни сен деб фақат шу инсонни Сиз дедим,  
Естиқдошим, сирдошим ўзингиз ёлғиз дедим,  
Куралай кўз қизларим чақнаган юлдуз дедим,  
Кўнгли тоза боламни асра энди, Худойим.

Кимки эзгулик деса тилидаги қўшиқман,  
Адолатни ёқлаган инсонларга шерикман,  
Жон ўзбегим, дунёда сенинг билан тирикман,  
Ўзбекистон — онамни асра энди, Худойим!

## ЁЛҒОН ДУНЁ

Сочларимнинг қорасидан оқлари кўп,  
Юрагимнинг соғ жойидан доғлари кўп,  
Кўкрагимда найзаларнинг тиглари кўп,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Диснатдан хиёнатнинг бўйи узун,  
Адолатнинг разолатнинг бўйи узун,  
Муҳаббатдан маломатнинг бўйи узун,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Яхшиларга текис йўлда юрим йўқдир,  
Емошингта номус йўқдир, ўлим йўқдир,  
Хақ деганга яхшилик йўқ, тиним йўқдир,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Ўттиз йилким ташвишингни елкаладим,  
Майиб бўлиб кетди нозик елкаларим,  
Тоғо сендан, гоҳ ўзимдан ўпкаладим,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Олимларинг олимларнинг изин ўяр,  
Шоирларинг шоирларнинг кўзин ўяр,  
Мен куймасам, сен куймасанг, ким ҳам куяр,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Ҳалол менинг айтган ҳамма аллаларим,  
Сизни доим ёмон гапдан паналадим,  
Улсам гулга қўшиб кўминг, болаларим,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

Яхши-ёмонларинг ичра бир зарраман,  
Ёмонингман, лек яхшилик ахтараман,  
Дардинг билан ўлмай юрган Сайёраман,  
Кўргулигинг бунчаям кўп, ёлғон дунё.

### ЯХШИЛИККА ЭЛЧИМАН

Мен яхшига яхшиман,  
Ёмон билан йўлим йўқ,  
Ҳаётда тўғри сўзман —  
Эгриликда қўлим йўқ.

Шеърдир энг сўлим байтим,  
Шеърдан сарви сўлим йўқ,  
Яхшиликка элчиман —  
Элчиларга ўлим йўқ.

Муҳаббат оташидан  
Мендай бағри тиллим йўқ.  
Минг афсус — ёнгинамда —  
Сиздай атиргулим йўқ.  
Юрагини қор босган  
Ғайирларда кўнглим йўқ,  
Камалакни соғиндим,  
Ёмғирларга тўлгим йўқ.

Ўзбек деган танти, мард  
Элдан бошқа элим йўқ.  
Жонимнинг банди Жиззах —  
Бошқа дарди дилим йўқ.

Баҳор менга қариндош,  
Кузакларда сўлгим йўқ!  
Элим бошим силайди,  
Шу боисдан кўнглим тўқ!

\* \* \*

«Бирни кўриб фикр қил», — фикр қилиб яшадим,  
«Бирни кўриб шукур қил», — шукур қилиб яшадим.

Икки болам меҳрини икки кўзимга жойлаб —  
Дўстларимнинг йўқловин қадр билиб яшадим.

Яхшиларни кўрганда бир қарич ўсди бўйим,  
Яхшининг йўлагинда майса-ю, тупроқ бўлдим.  
Ёмоннинг ништар тиғи юракка санчилганда —  
Жоним бўғзимда портлаб момақалдироқ бўлдим.

Хастанинг кўнгли учун бир ширин сўз топай деб —  
Дунёнинг бор ҳикматгўй китобин варақладим.  
Бефарзанднинг уйида бешик тўйи кўрай деб —  
Мўъжиза яратгин деб тангрини сўроқладим.

Керак бўлса ҳақ сўзни айтмоқ пайти келганда,  
Зулумотни типпа-тик тилган тилик нур бўлдим.  
Мен қисматдан розиман, ҳиссиз тош бўлмадим деб —  
Ёнмоқ, ёндирмоқ учун олов рангли шеър бўлдим.

#### АРМОН

Қушлар яшар бир-бирини силаб-сийпаб,  
Гуллар яшар бир-бирини ўраб-чирмаб,  
Нурлар яшар қуёш тафтин қўмсаб-қўмсаб,  
Одамзотда, айтнинг меҳр камроқ нечун?

Бебош сувлар қўшилишиб, ирмоқ бўлар,  
Ҳатто тоғлар бир-бирига ўртоқ бўлар,  
Жонзотда ҳам меҳр тўла нигоҳ бўлар,  
Одамзотда, айтнинг меҳр камроқ нечун?

Айтсам бийрон тилим бирдан қонаб кетар,  
Айтмай десам бор вужудим ёниб кетар,  
Диёнат ҳам бир кун биздан тониб кетар,  
Одамзотда, айтнинг меҳр камроқ нечун?

Узр, сизга оғир ботса хаёлларим,  
Нени кўрсам, бирин-бирин баёнладим,  
Юрагимни кемирмоқда хаёлларим,  
Одамзотда, айтнинг меҳр камроқ нечун?

Яқин келинг, биродарим, наслингиз мард,  
Бу дунёда ҳар не бисёр, меҳр қаҳат,  
Сизни суйиб, сизни аяб ёздим фаҳат,  
Одамзотда, айтнинг меҳр камроқ нечун?



## ҲАҚ СЎЗ

Қалдирғочнинг инини бузмоқ жиноят,  
Чумолининг лашкарини узмоқ жиноят,  
Ўзганинг насибасини сузмоқ жиноят,  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

Қурбинг етса агар савобни эпла,  
Элломмасанг мачитни, тавобни эпла,  
Ҳақ сўзни ёқлаган хитобни эпла,  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

Қилич келганда, ҳам рост сўзни айтдим,  
Қай куфр йўллардан сени деб қайтдим,  
Фақат ҳақиқатга хизмат қил, байтим,  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

Эгилар, букилар синмас ҳақиқат,  
Алдам-қалдамларга кўнмас ҳақиқат,  
Қабрда ҳам сени тинч қўймас ҳақиқат.  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

Ёзуғимга ёзилган сени деб куймак,  
Нечун безовтасан меҳнаткаш юрак,  
Мен сени авайлаб яшашим керак,  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

Ғафлатмас, ҳушёрлик майин ичиргин,  
Лозим бўлса, тоғларнинг тошин кўчиргин,  
Худойим, бир марта мени кечиргин,  
Ҳақ сўзни айтмоқлик жиноят эмас.

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИНИ

Шодликлар вақтинча, кулгу вақтинча,  
Аламлар вақтинча, қайғу вақтинча,  
Қадрига етмасанг туйғу вақтинча,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

Қимнинг кўнглин олдим ширин сўз топиб,  
Қай йўлда адашдим номард дўст топиб,  
Уйлайман бошларим ёстиққа ботиб,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

Бир сўзи икки хил тилларни кўрдим,  
Манзили икки хил йўлларни кўрдим,  
Ёзда совуқ урган гулларни кўрдим,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

Ногоҳ дард ўртади хону монимни,  
Пушаймонлар қийпар аёл жопимни,  
Соғиниб кетяпман Бибихонимни,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

Юрагим санчади баъзи баъзида,  
Шеър ёзгим келади меҳр ҳақида,  
Қачон келар дейман дамлар расида,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

Яшайман ўн бешини кутмоқ деб дардим,  
Менам одамдайин қўшиқ ёзардим,  
Бир бор бандам дегиш, беназир Тангрим,  
Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар.

#### АЙТСИН

Баҳо берманг сарғайган ранг-рўйимга сиз,  
Азоблардан ўсмай қолган бўйимга сиз,  
Аралашманг на азам, на тўйимга сиз,  
Менинг битмас армонимни қалам айтсин.

Мен тош бўлдим, босиб янчиб ўтди кимлар,  
Найза бўйли нишин санчиб ўтди кимлар,  
Айб тополмай кейин тинчиб кетди кимлар,  
Юрагимда нзи қолган ярам айтсин.

Баъзан қонли зардобларга бошим ювдим,  
Охири йўқ азобларга бошим ювдим,  
Кўзим кўрмас саробларга бошим ювдим,  
Бошимни тош қилиб туққан олам айтсин.

Яхшидан кўп ёмон менга эш бўлганда,  
Забун ҳолим кўриб, кўнгли хуш бўлганда,  
Чин дўстларим ағёрларга қўшилганда,  
Томошабин бўлган жумла олам айтсин.

Феруза ранг ҳаволарга қариндошман,  
Райҳон бўйли саболарга қариндошман,  
Муножотли наволарга қариндошман,  
Исботини қариндошим кўклам айтсин.

Ғийбат талаб касларга гоҳ эрмак бўлдим,  
Рости камроқ ёлғони кўп эртак бўлдим,  
Шоирам деб суйган элга керак бўлдим,  
Жойнамозлар тўқиб берган қасам айтсин.

Минг шукурким, аёлгина жоним бутун,  
Ҳаромлардан ҳазар қилган қоним бутун,  
Жиззах деган юрда менинг номим бутун,  
Қолган гапни мени билган одам айтсин.

### ОЛИШСА МЕН БИЛАН...

Олишса мен билан мардлар олишсин,  
Тилаги, маслаги нақдлар олишсин,  
Уксиган дилларни осмон қилғувчи,  
Кўнгилга соҳибни тахтлар олишсин.

Олишса мен билан зўрлар олишсин,  
Фикрдан қайтмаган ўрлар олишсин,  
Майда-чўйдаларни суймайди жиним,  
Нигоҳлари ботир шерлар олишсин.

Олишса юраги ўтлар олишсин,  
Темурийман деган зотлар олишсин,  
Ўзбекини ўзига бек дея билган —  
Дили пок, имони бутлар олишсин.

Шу Ватан йўлида жонимни тикдим,  
Қон томчим дедим сарҳадларини,  
Бағримга босайин қиёматгача,  
Қўллаб турса, мендаин фарзандларини.

### ЎЗ ЭЛИМГА СИҒМАДИМ

Мен ҳар жойга сиғдим қўшиқ, кўйиб билан,  
Мискинларини қўллағувчи чўлим билан,  
Ичим тўла ғам, устимда тўйим билан,  
Фақат ўз элимга сиғмадим.

Мен ҳар шеърга муҳаббатни етакладим,  
Суймаганини суйдирдилар эртакларим,  
Пок қўшиққа тўлиб кетди эртакларим,  
Фақат ўз элимга сиғмадим.

Мен ҳар йўлга эзгуликни экавердим,  
Яхшиликнинг мевасини тўкавердим,  
Қодир эгам, бу не кундир зим-зиё, зим,  
Фақат ўз элимга сиғмадим.

Эй биродар, бу дунёда нималар гап,  
Чарчамадинг изларимга тўҳмат қадаб,  
Мен юрибман давраларда сени мақтаб,  
Фақат ўз элимга сиғмадим.

Сўзим абгор бўлса, майли сўзингдан топ,  
Кўзларимни ўйдинг, икки кўзингдан топ,  
Мен худога солдим, энди қизингдан топ,  
Фақат ўз элимга сиғмадим.

### ТУҲМАТ

Дунё шундай дўсти бешафқат,  
Топганларим бўлди машаққат,  
Ҳар не бисёр, ширин сўз қаҳат,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

Ғанимларим бунча мулойим,  
Озор кўрмасинлар илойим,  
Мен аларга бол тутдим доим,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

Тегирмонда янчилди бошим,  
Ёмғирларга санчилди ёшим,  
Темирдан ҳам темир бардошим,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

Ёмонликнинг тури хилма-хил,  
Чўкиб кетаяпман йилма-йил,  
Севгим, фақат ўзинг соддадил,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

Жоним десам, танда жоним йўқ,  
Бир дамгина ширин оним йўқ,  
Жаннатларда менга ғаним йўқ,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

Менга ором, ҳузур бегона,  
Ҳақни истаб бўлдим девона,  
Бунча бевақт туғдингиз, она,  
Худо, қуруқ туҳматдан асра.

## КЕТАР БЎЛСАМ

Давраларда ортиқ бўлсам мард кетаман,  
Мағрур кетгум, дадил кетгум, шарт кетаман,  
Уйламангиз ўралашиб юради деб,  
Имонимни бутун ютиб нақд кетаман.

Кетар бўлсам, олов бўлиб чўғ кетаман,  
Ишларимдан фақат кўнгли тўқ кетаман,  
Эзгуликнинг йўлларига нур таратиб,  
На армони, на бир дарди йўқ кетаман.

Кетар бўлсам, қучоғимда гул кетаман,  
Яхшиларнинг эшигида қул кетаман,  
Кўнглим тоза, тилим тоза, йўлим тоза,  
Пок яшадим, бошқаси бир пул кетаман.

Кетар бўлсам, райҳондайин бўй кетаман,  
Изларимда муножотлар куй кетаман,  
Майда-чўйда ғийбатларга йўқ тоқатим,  
Ҳар шеъримда бир байрам, бир тўй кетаман.

Юрагимда одамларга соф ниятим —  
Ноҳақликдан оғрир ҳалол ҳамиятим,  
Узи мағрур, сўзи олов Сайёраман,  
Ўзимдан ҳам устун турар ориятим.

## МЕНДАН ЎТМАЙДИМИ?

Дардингни дастурхон қиласан, дўстим,  
Не яхши, не ёмон биласан, дўстим,  
Гапирсам ишонмай куласан, дўстим,  
Мендан ўтмайдами, ўтмасми мендан?

Кичкина елкамда катта ташвишлар,  
Савобга дахлдор турли юмушлар,  
Кўзимни очирмас гала миш-мишлар,  
Мендан ўтмайдами, ўтмасми мендан?

Бола бўлиб, онамга вақт тополмасам,  
Опа бўлиб, боламга вақт тополмасам,  
Хатто ўзимни ҳам овутолмасам,  
Мендан ўтмайдами, ўтмасми мендан?

Кўзимдан ёш эмас, қон оққан дам бор,  
Ёруғ ёзда бошимга қор ёққан дам бор,  
Шукурким, менгаям бахт боққан дам бор,  
Мендан ўтмайдими, ўтмасми мендан?

Яхшилик қилдим, қайтмади баъзан,  
Кўнгил яралари битмади баъзан,  
Бир келган азоблар кетмади баъзан,  
Мендан ўтмайдими, ўтмасми мендан?

Ишқ олиб кетганда ҳаловат, тинчим,  
Фақат шеърларимга етганда кучим,  
Бека бўлолмадим бир йигит учун,  
Мендан ўтмайдими, ўтмасми мендан?

Бўлар бўлмас учун чекмай азият,  
Олдинга юрмоқлик — энг яхши ният,  
Шудир қизларимга мендан васият,  
Мендан ўтмайдими, ўтмасми мендан?

Менинг айтганларим, на байт, на эртақ,  
Куй энди дам олсин чарчаган юрак,  
Олов бўлиб ёниб яшамоқ керак,  
Мендан ўтмайдими, ўтмасми мендан?

### КЎНГЛИМ

Менинг бола кўнглим, нораства кўнглим,  
Қайдаи меҳр кўрса пайваства кўнглим,  
Яхшиликка мудом ҳавасда кўнглим,  
Йиғлама, кўзингининг ёшларини арт.

Ҳар ён боқ, кўзингга алам тўладир,  
Тўй эмас, мардуми мотам тўладир,  
Нечун бутун эмас, бир кам тўладир,  
Йиғлама, кўзингининг ёшларини арт.

Қимлар икки тилда сўзлар адашмай,  
Қимлар ёлғон сурар кўзи қамашмай,  
Қимлар яшолмайди шуҳрат талашмай,  
Йиғлама, кўзингининг ёшларини арт.

Юраги занглардан куйган бу дунё,  
Арзон оҳанглардан куйган бу дунё,  
Сохта жаранглардан куйган бу дунё,  
Йиғлама, кўзингининг ёшларини арт.

Дардашим, менгадир неки оғиринг,  
Фақат ўксинмасин юрак бағиринг,  
Ютмоққа мажбурсан оши тахиринг,  
Йиғлама, кўзингнинг ёшларини арт.

Дардларингни айтсанг, енгил бўласан,  
Бўлмаса, томирн чигал бўласан,  
Оғринма, сен менга сизгил бўласан,  
Йиғлама, кўзингнинг ёшларини арт.

Бир инсон дардида куйдик, қайтамиз,  
Ҳаммадан ҳам ортиқ, суйдик, қайтамиз,  
Юр, энди кўз ёшга тўйдик, кетамиз,  
Энди эса мешинг кўз ёшимни арт.

### ТЕНГ БЎЛМА

Биродар, бошинга ғам,  
Ногоҳ тушиб қолса ҳам,  
Яхши билан кўр баҳам,  
Нокас билан тенг бўлма.

Устинга қулаб осмон,  
Бўғзинга келсада жон,  
Тупурсанг ҳам лахта қон,  
Бир паст билан тенг бўлма.

Етганда оғзинг ошга,  
Тўлса гар кўзинг ёшга,  
Бошинг тегса ҳам тошга,  
Баднафе билан тенг бўлма.

Қолсанг ҳамки погоҳ, оч,  
Қолсанг юпун, яланғоч,  
Этагингни кесиб қоч,  
Восвос билан тенг бўлма.

Диннатинг бор бўлса,  
Суянганинг ор бўлса,  
Айтганларим қор бўлса,  
Мараз билан тенг бўлма.

Етай десанг ниятга,  
Қолиб кетмай тухматга,  
Амал ҳамда давлатга,  
Ҳавас билан тенг бўлма.

Куним ўтсин десанг тинч,  
Ҳалоллик бўлса илинж,  
Бир илтимос, бир ўтинч —  
Ифлос билан тенг бўлма.

### БИЗНИНГ КЎЧАДА...

*«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак».*  
Ф. Фулом.

Кўнглим, оғринма сира суҳбати ёлгонлардан,  
Диёнати яримта, қалби бемонлардан,  
Суянгани ёвузлик топгани гумонлардан,  
Бизнинг кўчада бир кун байрам ҳам бўлиб қолар.

Ҳақ гапни айтиб, минг бор балога дучор бўлдинг,  
Кенггина эдинг гоҳи феъли-кўйи тор бўлдинг,  
Шукур, минг бора шукур, ёнгинамда бор бўлдинг,  
Бизнинг кўчада бир кун байрам ҳам бўлиб қолар.

Нурдан тоза, гулдан соф юзингга юзим босдим,  
Тунги уйқуларимга тун чироқларни осдим,  
Ойнинг ўн беши ёруғ бўлади, гапнинг рости,  
Бизнинг кўчада бир кун байрам ҳам бўлиб қолар.

Бу фоний дунё ичра минг амал-у минг ташвиш,  
Дарди йўқ бедардларга ёмонлик ҳам бир юмуш,  
Қўлингдан келгани шу — фақат, фақат кечириш,  
Бизнинг кўчада бир кун байрам ҳам бўлиб қолар.

Ёмғир бўлиб, сингамиз тафти ўт тупроқларга,  
Бардошлимиз, тиккамиз ҳар неки қийноқларга,  
Худо инсоф берсин-да, бизларга муштоқларга,  
Бизнинг кўчада бир кун байрам ҳам бўлиб қолар.

### УМР ДЕГАНЛАРИ

Бу не кун, изингда мингта пойлоқчи,  
Душманга қўшилиб, дўст ҳам айғоқчи,  
Боғингга тош отар турфа қароқчи,  
Умр деганлари шу бўлдимикин?

Сабру тўзим ичра миттигина жон,  
Бунчаям бераҳм ўқларга нишон,  
Сўзимда ҳазил йўқ, биродар, ишон,  
Умр деганлари шу бўлдимикин?



Юз ёшга кирдим мен ўттиздан ўтмай,  
Соғайдим дилимнинг яраси битмай,  
Ҳаёт оғу ила бол аралаш май,  
Умр деганлари шу бўлдимикин?

Шеърларнинг болангдай содда ва раво,  
Ўзингдан кейин умр кўрмоғи аён,  
Сайёра, тур кетдик, тергани райҳон,  
Умр деганлари шу бўлдимикин?

### ҚИНОҚ

Кўнгилга дарз етса, ёмон қийнайди,  
Айбнинг не эди деб гумон қийнайди,  
Дўстларнинг сотсалар ҳалол номингни,  
Энг содиқ ҳамроҳнинг — виждон қийнайди.

Кўксингга санчилса, минг турли гийбат,  
Боссанг ер, қарасанг осмон қийнайди.  
Азият чекканда меҳр-оқибат,  
Қадрингнинг кетгани арзон қийнайди.

Эй фалак, бу не қун бирарта дўст йўқ,  
Кечаги дўст бугун душмон қийнайди.  
Дард айтсанг сўзларинг қийнайди сим-сим,  
Айтмасанг чидолмай забон қийнайди.

Биродар сўзими оғир олмагин,  
Нетайким, дардларим пинҳон қийнайди.  
Кимгаям ишондим, кимга суяндим —  
Яқин тутдим деган пушаймон қийнайди.

Бир ҳовучдир умр, ўтади бир кун,  
Кимни шайтон, кимни раҳмон қийнайди.  
Сайёра, аламинг тугамас нечун —  
Ҳамиша инсонни инсон қийнайди.

### ДУСТИМ МЕНИ СОТГАН КҮН

Тунларим ялло бўлди,  
Ишонч мосуво бўлди,  
Юрагим яро бўлди,  
Дўстим мени сотган кун.

Ғамнинг қиличи сўйди,  
Қунларим қора кийди,  
Ким суюнди, ким куйди,  
Дўстим мени сотган кун.

Қўллар ичди ёшимни,  
Эзиб ичу тошимни,  
Ёмғир ювди бошимни,  
Дўстим мени сотган кун.

Дунёдин не сўрабман,  
Нима умр кўрибман,  
Сарсон бўлиб юрибман —  
Дўстим мени сотган кун.

Емонлиғим йўқ эди,  
Гумонлиғим йўқ эдим,  
Душмонлиғим йўқ эди,  
Дўстим мени сотган кун.

Биродар, бул кун ёмон,  
Утдай куяр танда жон,  
Бошингга қулар осмон,  
Дўстим мени сотган кун.

## ТАСКИН

Қизиқ, дунё бу дунё, ажаб дунё бу дунё,  
Баъзан севинч, баъзида ғазаб дунё бу дунё,  
Уйлаб, ўйлаб қарасам, азоб дунё бу дунё,  
Уксинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Кимларга ўзинг эмас, меҳнатинг керак бўлди,  
Қиличдай сўзинг билан шиддатинг керак бўлди,  
Ким айтади зигирча ҳурматинг керак бўлди,  
Уксинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Кенглар учун кенг бўлган торлар учун тор дунё,  
Меҳрларга бегона киборлари бор дунё,  
Ҳеч бандани табибга қилиб қўйма зор дунё,  
Уксинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Соғ бўлсанг, омон бўлсанг шеъринг учун кераксан,  
Топса бир пиёз берган еринг учун кераксан,  
Узоқларда алқаган элинг учун кераксан,  
Уксинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Бошинг ёстиққа тегиб ўйлаб кўргин бирма-бир,  
Қадр қанча туради, қанча туради сабр,  
Қадрингга йиғламай ҳеч тинч, жимгина ётавер,  
Уқсинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Уқсинлар мингта шеър шундайини топмаслар,  
Тоза туйғуларингнинг кундайини топмаслар,  
Кундузи чироқ ёқиб, сендайини топмаслар,  
Уқсинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

Ғариб дилинг товширдинг тақдирнинг қўлларига,  
Фақат яхшилик экдинг умрингнинг йўлларига,  
Кўзинг тўкилиб қолди Жиззахнинг йўлларига,  
Уқсинма, кўнглим, энди сени худо сўрасин.

\* \* \*

Дўстга зор қилма, Худо,  
Ёвга хор қилма, Худо,  
Қадрин билмас номардга  
Ҳеч дучор қилма, Худо.

Осмонни отам дедим,  
Заминни онам дедим,  
Юлдуз пизмдан юрди,  
Ойни дугонам дедим.

Ишқда куйдим, кул бўлдим,  
Армонларга эл бўлдим,  
Бир йиғитнинг тинчини —  
Бузган атиргул бўлдим.

Сенга юкиндим, Худо,  
Сенга сизиндим, Худо,  
Ҳар ҳолда бир хабар ол,  
Сени соғиндим, Худо.

#### ДИЁНАТНИ ЮТМАНГ, ИНИМ

Манзилингиз йироқ бўлса, йўлдан тонманг,  
Насибангиз янтоқ бўлса, гулдан тонманг,  
Топганингиз гуноҳ бўлса, элдан тонманг,  
Диёнатни ютманг, иним, диёнатни.

Оёғингиз остидаги ер бўлади,  
Шуни озроқ англасангиз зўр бўларди,  
Эркак деган асли зоти шер бўлади,  
Диёнатни ютманг, ишим, диёнатни.

Оғир бўлинг, олинг ўзни вазминликка,  
Беҳудага тушаверманг тушкунликка,  
Сўз айтаман олиб сизни яқинликка,  
Диёнатни ютманг, ишим, диёнатни.

Яхшиларни тавоб қилинг, ўзбекчилик,  
Эзгуликни офтоб билдинг, ўзбекчилик,  
Эпласангиз жавоб қилинг, ўзбекчилик,  
Диёнатни ютманг, ишим, диёнатни.

#### ҲАҚИҚАТ

Бу дунёнинг ишларига юрак бағри қон, биродар,  
Ақл ила тафаккури лолмикни ҳайрон, биродар,  
Мен биламан нималардан кўнглингиз вайрон, биродар,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Қимсалар бор умри бўйи бир яхшлик қилолмаган,  
Қўшнисининг мотамида бир куш туриб беролмаган,  
Ҳатто туққан жигарининг омадини кўролмаган,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Қизиқ, бунча бу одамлар иззатталаб, обрўталаб,  
Пулингиз кам бўлса ҳатто йўталмагай сизга қараб,  
Сўз айтсангиз гўрнингизга қўядилар гишлар қалаб —  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Яхши одам бировларга ўлигини ортиб қўймас —  
Бандасига озор бериб қўймоқликни кўзи қиймас,  
Бир яхшилик қилиб кўринг, айтиб, айтиб сўзи тўймас,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Дўст ким ўзи?

Ташвишларга елкасини тутганлар дўст,  
Ғамингизга мадад бўлиб, дардингизни ютганлар дўст,  
Қуйиб айтган сирингизни тишларида тутганлар дўст,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Уэр, агар кўнглингизга озор етса шу газалдан,  
Мен қўрқаман бепарволик аталгувчи дард — касалдан,  
Қуда бўлинг, дўст тўтининг кўзлари тўқ камбагалдан,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

Сизга ҳалол гапни айтиш — дилимдаги битта орзу,  
Икки қошнинг орасида бўлар дерлар шодлик, қайғу,  
Дўст, душмани ажратолмай топиб олган фалсафам шу,  
Пулингизмас, ўзингиз керак бўлган дўст қидиринг.

### ЭИ, ДУСТ

Эй дўст, қовоғингга қиров қўнмасин,  
Озурда дамнингни биров билмасин,  
Азият кўнглингга ногоҳ тегмасин,  
Ёнингда эканимни сезиб турсанг, бас.

Эй дўст, кўзингдаги намлар недандир,  
Юрагингга чўккан ғамлар недандир,  
Ташвишлари бисёр дамлар недандир,  
Ёнингда эканимни сезиб турсанг, бас.

Эй дўст, бардошларнинг тошга айлансин,  
Инглаб ол, дардларинг ёшга айлансин,  
Соғинчинг бир сунбул сочга бойлансин,  
Ёнингда эканимни сезиб турсанг, бас.

Эй дўст, бир кам дунё ками тўлмайди,  
Суянчингнинг бўлса кўнглинг сўлмайди,  
Дардингни олмасам энди бўлмайди,  
Ёнингда эканимни сезиб турсанг, бас.

### НОМАРДЛАРГА АЙТМАГИН

Сиринг бўлса менга айт, мен тошларга айтаман,  
Учириб кетар шамол — бебошларга айтаман,  
Оқиб кетар сувларга — сирдошларга айтаман,  
Зинҳор, зинҳор сирингни номардларга айтмагин.

Сиринг бўлса гулга айт, баҳорларга элтади,  
Заррин томчи нурга айт, наҳорларга элтади,  
Райҳонларга билдиргин гулзорларга элтади,  
Зинҳор, зинҳор сирингни номардларга айтмагин.

Бўлиб энг яқин дўстинг қаймоқ бўлиб чопарлар,  
Оёғингга билдирмай сув қўймоқ бўлиб чопарлар,  
Сиринг билгач, кўзингни ўймоқ бўлиб чопарлар,  
Зинҳор, зинҳор сирингни номардларга айтмагин.

Ким кўп ёруғ дунёда дўстга ўхшаш душман кўп,  
Не кўп ёруғ дунёда олови кам гулхан кўп,  
Ифорлари гулларга ўхшамаган гулшан кўп,  
Зинҳор, зинҳор сирингни номардларга айтмагин.

Эй, қариндош, тилингдан илимагин ҳеч қачон,  
Шундагина эртангни кўра оласан осон,  
Шу сўзимни эсингдан чиқариб қўйсанг ёмон,  
Зинҳор, зинҳор сирингни номардларга айтмагин.

### НАСИХАТ

Меҳрибон бўл, болам, донм меҳрли бўл,  
Садоқатли, диёнатли, сабрли бўл,  
Хор-зор бўлма, ҳамма жойда қадрли бўл,  
Номардларни оёғидан осадилар.

Ёмонларнинг иши ёмон, янчадилар,  
Номардларнинг ниши ёмон, санчадилар,  
Бошгинангга етиб охир тинчийдилар,  
Номардларни оёғидан осадилар.

Савоб ишни ёд айлагин, ёд айлагин,  
Ҳар ичорнинг кам кўнглини шод айлагин,  
Разолатни кўрган кўнгли дод айлагин,  
Номардларни оёғидан осадилар.

Иззатини билганларни иззат қилгин,  
Энг биринчи диёнатни ҳурмат қилгин,  
Яхшиларга савоб учун хизмат қилгин,  
Номардларни оёғидан осадилар.

Бу дунёда ҳар қилмишининг жавоби бор,  
Қиёматнинг қиёматли азоби бор,  
Савоб ишнинг қайтимлари, савоби бор,  
Номардларни оёғидан осадилар.

Амал қилгин айтган ҳамма ўғитимга,  
Рози бўлай токи берган оқ сутимга,  
Эгаллик қил қўшиқ тўла тобутимга,  
Номардларни оёғидан осадилар.

## ЮРАГИМГА

Тулхан эмас, чақин эдинг, олов эдинг,  
Жисмимдаги энг муқаддас ялов эдинг,  
Яхшиликка элчи эдинг, қалов эдинг,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Томирларинг минг бир ғамдан холи эди,  
Қиприкларинг қатра намдан холи эди,  
Бутун эдинг, яхлит эдинг, не гап энди,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Сендан фақат тилаганим ғайрат эди,  
Тиниб-тинмас оташ эди, меҳнат эди,  
Кўз ўнгимда ўпирилдинг, даҳшат энди,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Сендай дўстни йиқитмоқда минг дардларим,  
Етмиш икки томирларинг дилбандларим,  
Биз йиқилсак, нима бўлар фарзандларим,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Ориятинг кучли сенинг орлигимсан,  
Ҳар не келса кўкси қалқон — борлигимсан,  
Бу дунёда топган елғиз бойлигимсан,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Тур ўрнингда, паст кетмайлик, йиқилмайлик,  
Нокасларинг оёғига тўкилмайлик,  
Қўлингни бер, энкаймагин, эгилмайлик,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

Сен чарчасанг, ким артади кўзда ёшим,  
Сийламади бизни тақдир — бағри тошим,  
Сен энг яқин суянигим — қариндошим,  
Қирққа кирмай чарчадингми?

\* \* \*

Надин бунча оқардинг-ей, сочим менинг,  
Ўттизгаям киргани йўқ ёшим менинг.  
Тегирмоннинг тошларида минг айланиб —  
Бир мартаям ёрилмаган бошим менинг.

Молу дунё тўпламадим, дўст тўладим,  
Ҳаётнинг чин фалсафасин ҳижжаладим.  
Олдга боқсам — ярқирайди нурли манзил —  
Бешикларда мўлтирайди жўжаларим.

Ҳаёт сенинг ўйинларинг бунча кўп-ей,  
Ярминг байрам, ярминг эса талотўп-ей.  
Тонгги тоза шудрингларни ичир менга,  
Ҳалолгина юзларингдан битта ўпай.

Ҳалолгина юзларингдан ўпгим келди,  
Булутларга кўзим ёшин тўкким келди.  
Жиззахларни ёмон жой деб атасалар —  
Улгим келди, Сирдарёга чўкким келди.

Бир йигитнинг рўзғорида овораман,  
Мен Худодан унга инсоф ёлвораман,  
Суриштирманг қаерданман ва кимман мен,  
Жиззах деган юртнинг қизи Сайёраман!

#### ЖОН БИРОДАР, У ТОМОНГА КЕТГУНЧА

Бегуноҳга озор берма билиб, билмай,  
Узгага енг бўлма, ўзинг ёқа бўлмай,  
Этагингга савоб тўккин тиниб тинмай,  
Жон биродар, у томонга кетгунча.

Ким хуш кўрар асли худо безорликни,  
Топган тутганлари фақат озорликни.  
Тарозуси бўлар экан маккорликни,  
Жон биродар, у томонга кетгунча.

Онани забун бўлса, бир кун қиздан қайтар,  
Отани маҳзун бўлса ўғил издан қайтар,  
Ношукурроқ бўлсанг, рўзғор туздан қайтар,  
Жон биродар, у томонга кетгунча.

Дўст излама амалингга хушторлардан,  
Молу дунё излаб кўнгли беморлардан,  
Имдод кутма фикри-ўйи ночорлардан,  
Жон биродар, у томонга кетгунча.

Жоним ачиб ёздим, бугун фақат ростин,  
Билмам, сенинг куйларинга куйим мосми,  
Бошгинангга қўйиб ётгин жойномозини,  
Жон биродар, у томонга кетгунча.



## • ЕЗУҒИМДА НИМАЛАР БОР

Осмонларим тутушларга тўлиб кетди,  
Қарғалару, қўзғунларга тўлиб кетди,  
Гулларгамас ўтинларга тўлиб кетди,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Эслаганда юракларим зирқирайди,  
Айтилмаган тилакларим чирқирайди,  
Юрагиммас, суякларим зирқирайди,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Ярим кўнглим, бутун бўлмай сўлар бўлди,  
Суянганим — шеърим бошим силар бўлди,  
Шаббодалар менга тўзим тилар бўлди,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Кел, севгилим, кўзим билан суяйин мен,  
Дийдорингга термулайин, тўяйин мен,  
Эсламасанг, дунёга ўт қўяйин мен,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Савдоси кўп, ғаввоси кўп бозор дунё,  
Ғаввосининг кўплигидан безор дунё,  
Мен кўрсам ҳам, сен кўрмагин озор дунё,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Дариғ тутма қўшиқларни, малҳамларни,  
Мен севаман кўнгли тоза одамларни,  
Қошларига ўсма қўяй кўкламларни,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

Ўт нигоҳга бойлансинлар киприкларим,  
Юрагингга жойлансинлар битикларим,  
Зора сенга инсоф берса қўшиқларим,  
Ёзуғимда нималар бор ҳали менинг.

## ЮРАГИМ ЁМОН САНЧДИ...

Юрагим ёмон санчди, бу нимадан ишора,  
Наҳот манзилга етдим, умр шундан иборат,  
Онам кимга қолади, кимга суянар, ёраб,  
Қирққа етмай, қирққина жонимга нелар бўлди?

Кўзларимда мунг кўрса, кўзлари ҳайрон отам,  
Отасининг меҳрига тўймаган гирён отам,  
Бола бўлиб, сиз учун яшадим қачон отам,  
Қирққа етмай, қирққина жонимга нелар бўлди?

Ҳар куним олов бўлди, ҳар дамим оташ маним,  
Бешиқдан қабргача қўшиқ бўлди топганим,  
Кел, пешонангдан ўпай изим пойлаган ганим,  
Қирққа етмай, қирққина жонимга нелар бўлди?

Жаннатлардан келаман, азизлар, сизни йўқлаб!  
Тупроқлар ёполмаган кўзимга меҳр михлаб,  
Болаларим — ёзилмаган шеърларим қолар йиғлаб,  
Қирққа етмай, қирққина жонимга нелар бўлди?

...ГА

Сиз меҳрдан гапирманг, меҳр ўлиб қолади,  
Диёнатдан гапирманг тутаб кетар диёнат,  
Сиз қадрдан гапирманг қадр чўкиб кетади,  
Адолатдан гапирманг, сапчиб кетар хиёнат.

Сиз ҳаёдан гапирманг, уялиб кетар ҳаё,  
Андишадан сўзламанг, сизга уят бўлади.  
Содагина қизларга муҳаббатдан гапирманг,  
Улар фақат шудрингининг таъмларини билади.

Сиздаги маинмаликни ер зўрға кўтаради,  
Осмон ёмғир юборар кўз ёшлари тўкилиб,  
Ҳеч бўлмаса, бир марта ўз ҳолингизга қайтинг,  
...Менга ҳаво етмаяпти кетаяпман бўғилиб...

### МЕН БИЛГАН ДУНЕ

Кимга кенг-у, кимга тор дунё,  
Шодлик тўла ғамгузор дунё,  
Мунис дунё, беозор дунё,  
Дардларингни ичгим келади,  
Севиб сени қучгим келади.

Кўкламларинг барқут, абрили,  
Қадамларинг меҳру қадрли,  
Одамларинг бунча сабрли,  
Кўҳна дунё, омонат дунё,  
Ташвишлари тумонат дунё.

Бозорларинг бетиним сенинг,  
Озорларинг бежирим сенинг,  
Топганларинг кечирим сенинг,  
Кечиримли, узрли дунё,  
Шафоатли, меҳрли дунё.

Тонгларингдай тоза сўзларинг,  
Ёмғирлардан ёшли кўзларинг,  
Камалаклар ёқут изларинг,  
Бир анвойи ҳайратли дунё,  
Диёнатли-зийнатли дунё.

Бахт санадим азобларингни,  
Чанқаб ичдим шаробларингни,  
Даринг тутма савобларингни,  
Узимдайин дарди кўп дунё,  
Чор тарафи талотўп дунё.

Тош бошимда юрса тош тегирмон,  
Йўқлаб тургин мен бир хаста жон,  
Суянчиғим — онам, онажон,  
Айтилмаган сўзинг бўлайин,  
Дардинг олган қизинг бўлайин.

Беш кунгина яшайин яйраб,  
Ғамгин тортма кўзимга қараб,  
Қоламан-ку, кунингга яраб,  
Суянчиғим — жонажон дунё,  
Ғаниматим — онажон дунё.

### ОҚИБАТ

*(Шароф Рашидовнинг порлоқ хотирасига)*

Аввалига уни отам дея суйдилар,  
Уғилларига унинг исмин қўйдилар,  
Тўнларини сенг тескари кийдилар,  
Бу қандай замондир, замон, яхшилар,  
Қайга кетди инсоф, имон, яхшилар.

Қимларгадир «О.лоҳ» эди, «Худо» эди у,  
Билмасдики, бор дўстидан жудо эди у,  
Сотқин дўстлар даврасида танҳо эди у,  
Бу қандай замондир, замон, яхшилар,  
Қайга кетди инсоф, имон, яхшилар.

Қали ор-у номус, ўзликларимиз,  
Кўзингиз қайда-ей ўзбекларимиз,  
Гўрда тинч ётмаса ўликларимиз,  
Бу қандай замондир, замон, яхшилар,  
Қайга кетди инсоф, имон, яхшилар.

Жиззахда ўсган у, мангу яшайди,  
Ватандош уйида орзу яшайди,  
Ҳақиқат бор деган туйғу яшайди,  
Бу қандай замондир, замон, яхшилар,  
Қайга кетди инсоф, имон, яхшилар.

Қай бировлар изламасин паноҳларини,  
Давр кечирмайди гуноҳларини,  
Тинч қўйинг Шароф ота арвоҳларини,  
Бу қандай замондир, замон яхшилар,  
Қайга кетди инсоф, имон, яхшилар!

1985

#### МЕҲР

(Устозим насиҳатлари)

Бошинг эгиб кириб келдинг даргоҳимга,  
На тайинли жавоб қилдинг сўроғимга,  
Шак келтирма ҳақнинг кўриб турмоғига,  
Ўксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Меванг бордир галалашиб тош отсалар,  
Пок номингга ёпишмаган сўз қотсалар,  
Ажаб эмас, бир кун келиб асқотсалар,  
Ўксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Арпа экиб, дон олмагай ҳеч бир банда,  
Ёмонликнинг умри қисқа, пароканда,  
Шу гапимни эсла, бошга кун тушганда,  
Ўксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Яхшилик қил, фақат кимдан қайтар дема,  
Қайтар бир кун, ҳисоб-китоб ғамин ема,  
Қалбнинг бўлсин оқ дарёда оппоқ кема  
Ўксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Ота-онанг, боланг соғми, шу катта бахт,  
Меҳнат қилсанг толеинг нақд, иззатинг нақд —  
Шоирам деб кўзларин тўрт кутар Жиззах,  
Ўксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Дунё мезбон, бизлар эса меҳмонлармиз,  
Кўнгли гоҳи вайрон, гоҳи осмонлармиз,  
Девзирадан ўзинг севган ош дамлаймиз,  
Уксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Ким қилмағай, ким топмағай» — бордир мақол,  
Бу мақолнинг мағзини чақ болам, дарҳол,  
Лекин булдай музтар юрма, афтодаҳол,  
Уксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

Бандасига озор етса ноҳақ, бехос —  
Фақат худо жазосини берар холос —  
Энди эса меҳр деган битта шеър ёз —  
Уксинмагин, худо топмас жой йўқ, болам.

### МУАЛЛИМ

*(Азимжон Бадалов хотирасига)*

Эшигидан енгил мошин кирмаган,  
Тушига бегона хотин кирмаган,  
Ташвишлардан холи бир кун кўрмаган,  
Муаллим!

Эскигина дўпписи пешонасида,  
Жўжалари парвона айлонасида,  
Маломат қилмаган замонасига,  
Муаллим!

Лекин кўнгли тоза, қўллари тоза,  
Ҳаром бош суқмаган йўллари тоза,  
Маошга сиғинган йиллари тоза,  
Муаллим!

Биляпман не увол, нимаси савоб,  
Ҳаёт тандир экан, чўғлари азоб,  
Сизни тополмаган ингоҳим бетоб,  
Муаллим!

Ёруғ дунёсига дилда гиналар,  
Дардим гоҳо янги, гоҳо кўналар,  
Кўпроқ яшасайди сиздайгиналар,  
Муаллим!

## УЧРАШАМИЗ...

Жонио дўстим, қадрдонгинам,  
Кўрмайин деб кўзларингда нам,  
Мен уйимга кетай хотиржам,  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

Азобларни бирга ичдик биз,  
Кўз ёшларда дарё кечдик биз,  
Қувончларни камроқ қучдик биз,  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

Соғинчим бор нигоҳларингда,  
Севинчим бор сўроқларингда,  
Офтоб ёнар ёноқларингда,  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

Ҳаёт бунча ташвиш, талотўл,  
Бияга деган аламлари кўп,  
Қизларингнинг юзларидан ўп —  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

Тинч юрсанг ҳам қўймагайлар тинч,  
Адашмасдан топади ўкинч,  
Лекин биздай бўлолмаслар ҳеч,  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

Термуласан ёқимли ва жим,  
Сендек ҳамдари дўстни кўрмадим,  
Омон бўлгин,  
хайр демадим,  
Кўришамиз, худо хоҳласа.

## ИҚРОР

Кимларни дард, кимни номард ўлдиради,  
Кимни бойлик ва ё омад ўлдиради,  
Кимни ажал вақти бевақт ўлдиради,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Човут солиб пишиб турган ошгинангга,  
Чўмилтирар кўздан оққан ёшгинангга.  
Бир кун келиб охир етар бошгинангга,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Дўстни дўстга осонгина қайиранлар,  
Отадан ўз фарзандни айиранлар,  
Дўстинг бўлиб, жон жойлари куйиранлар,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Бирни мингга кўпайтирсак, минг бўлади,  
Иззат қилсанг, феъли кўйи кенг бўлади,  
Иззатларинг тупроқ билан тенг бўлади,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Ким Жиззахдан, ким Фориш-у, ким Бахмалдан,  
Даъво излаб суриштирар йўқ касалдан,  
Қон-қонига сингиб кетган бу азалдан,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Талашарлар, минбарларнинг тўри талаш,  
Қай шонринг ёзилмаган шеъри талаш,  
Улиб кетган отасининг гўри талаш,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

Жон дўстим-ей, бир соғиндим, йўқлаб ёздим,  
Кўнглингизга оғир олманг, тиглаб ёздим,  
Мен бу шеъри тонг отгунча йиглаб ёздим,  
Ўзбекларни ғийбат — бўҳтон ўлдиролмас!

## ШОИРЛАР

Жон яхшилар, айланайин отингиздан,  
Ўзбек деган пайғамбарий зотингиздан,  
Битта гапим чиқмасин ҳеч ёдингиздан,  
Сиздан кўпроқ сизни суяр шоирлар,  
Сиздан кўпроқ сиз деб куяр шоирлар.

Жон яхшилар, кўнглимдаги офтобларим,  
Мен ишонган, сажда қилган меҳробларим,  
Ҳақ йўлинда ҳақ талабим — бетобларим,  
Эзгуликка устун бўлар шоирлар,  
Ҳақ бор жойда бутун бўлар шоирлар.

Жон яхшилар, қиз суйингиз шоирдайин,  
Дўстга эътиқод қўйингиз шоирдайин,  
Эпласангиз хўб куйингиз шоирдайин,  
Муҳаббатда Мажнун бўлар шоирлар,  
Ҳижрондан ҳам мамнун бўлар шоирлар.

Жон яхшилар, новвотим бор сўзимдаги,  
Меҳрим тўла қорачигим — кўзимдаги,  
Қабримгача кетадиган бўғзимдаги,  
Миллатининг тоза гули шоирлар,  
Муҳаммаднинг суйган қули шоирлар.

\* \* \*

Қайта қуриш нима берди?  
Пулдорларга пул берди.  
Бефаҳм нодонларга  
Ярим қарич тил берди.

Мустақиллик нима берди?  
Ўзбекка парвоз берди.  
Худо беҳабарларга  
Нурли жойномоз берди.

Чархипалак дунёда  
Паст баланд бўлма, элим.  
Душманларинг хор бўлсин,  
Сен асло ўлама, элим!

Яхши-ёмон кунингда  
Битта дуо асрасин.  
Бандаси асролмайди,  
Фақат Худо асрасин!

#### ОМОНАТ

Бу дунёда не омонат,  
Инсонга инсон омонат,  
Молу дунё ўткинчидир,  
Иссиққина жон омонат.

Яшаш учун томинг бўлса,  
Яхши деган номинг бўлса,  
Яхшиларга ёндошганда  
Бўлмагай армон омонат.

Яхшиликни қарз деб билсанг,  
Ҳалолликни фарз деб билсанг,  
Бут бўлмаса эътиқодинг,  
Инсоф-у, имон омонат.



Ҳақиқатни ёниб айтдим,  
Ёмонликдан тоғиб айтдим,  
Ёлғон бўлса, соқов бўлсин,  
Мендаги забон омонат.

Чин дўстларинг бўлса кўпроқ,  
Олтин бўлса олсанг, тупроқ,  
Замин бўлса туғишганинг,  
Бўлмаса, осмон омонат.

Парилардай қизни суйсанг,  
Арзир қанча ёниб, куйсанг,  
Жонинг ўзингда қолса-ю,  
Қолмаса жонон, омонат.

Бошгинамда тутай сени,  
Улгунимча кутай сени,  
Фақат сенинг келганинг чин,  
Қолгани ёлғон — омонат.

\* \* \*

«Ит қариса тоғи бўлади,  
Қиз қариса қоғи бўлади».  
Доно дунё, донишманд дунё  
Ҳаммасига рози бўлади.

Қуёш юзи тутун бўлади,  
Ой булутдан устун бўлади.  
Ярим дунё, яримта дунё,  
Қачон бағринг бутун бўлади.

Чекканларим фиғон бўлади,  
Ношукурлик ёмон бўлади.  
Вақтини айт, қачон, эй дунё,  
Одамларинг инсон бўлади?

### ШУКУР ҚИЛИНГ

Оёғингиз юриб тургани учун,  
Юрагингиз уриб тургани учун,  
Кўзларингиз кўриб тургани учун,  
Худога минг марта шукурлар қилинг.

Худонинг меҳридан яралган аёл,  
Сўзларим оғирроқ ботар эҳтимол,  
Ошингиз ҳалолми, нонингиз ҳалол,  
Худога минг марта шукурлар қилинг.

Фақат яхшиликка асрангиз жонни,  
Сизинганим атанг қибла томонни,  
Бўйларидан ўргулинг Ўзбекистонни,  
Худога минг марта шукурлар қилинг.

### МЕН ЯНА ЯНГИ ШЕЪР ЁЗАВЕРАМАН

Азизим, сен мени инкор этасан,  
Ғийбатингнинг тубига қачон етасан,  
Ҳар тонгдан шукурмас, қусур кутасан,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Кўнглинг тўла ҳасад, араз бўлади,  
Топганинг миш-мишу ғараз бўлади,  
Дунё сенга кин тўла қафас бўлади,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Яқин дўстларингни сотасан арзон,  
Осон унутилар оқибат, виждон,  
Ўртада меҳр ила муҳаббат сарсон,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

«Бир қўлимда қалам, бирида болам»,  
Рўзгорим — қибламдир, паноҳим Эгам,  
Шундай толе берсин Худо сенга ҳам,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Бахилнинг боғлари кўкарган қачон,  
Қадамнинг етган ер зах очар шу он,  
Менга чоҳ қазийсан, ўзинг чалажон,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Қанча ғийбат қилсанг, шунча баландман,  
Илдизи эзгулик бўлган дарахтман,  
Куйга орзуманда, бир куйпарастман,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Яхшиям сен борсанг, йўлим нурафшон,  
Ҳақ менинг йўлдошим — дилим нурафшон,  
Минг гўрга тиқсанг ҳам чиқаман омон,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Шиддатни Нурхондан олган аёлман,  
Тўмарислар билган чашма зилолман,  
Увайсийдаш қолган назми ҳалолман,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

Прим деб сиғиндим, қўллайди халқим,  
Уксинсам бошимни силайди халқим,  
Шеъримга омонлик тилайди халқим,  
Мен эса янги шеър ёзавераман.

### МАРҒИЛОНГА БОРИБ КЕЛАЙ

*Юлдуз Усмоновага*

Кўнгиш букун чўкди ёмон,  
Кўзим ёмғир тўкди ёмон,  
Юраккинам сиқди ёмон,  
Марғилонга бориб келай.

Атиргуллар чалиб қарсак,  
Булоқларин жони ҳалак,  
Йўлларимдан чиқса керак,  
Марғилонга бориб келай.

Келдингми деб жоним болам,  
Иссик нонлар ёпар онам,  
Ташвишларини кўрай баҳам,  
Марғилонга бориб келай.

Орзулари осмон юртим,  
Тилло юртим, маржон юртим,  
Сўлим садарайҳон юртим,  
Марғилонга бориб келай.

Ҳидларингга тўйгим келди,  
Кўксингга бош қўйгим келди,  
Куйим билан суйгим келди,  
Марғилонга бориб келай.

Қуёш чиқар Марғилондан,  
Ой севади уни жондан,  
Гина қилманг Юлдузхондан,  
Марғилонга бориб келай.

## ТУШИНГИЗГА КИРСИН АНДИЖОН

Булут ариб, қуёш чарақлар,  
Лабларида кулгу ярақлар,  
Меҳр деган илинж сўроқлар,  
Одамлари бунча меҳрибон,  
Тушингизга кирсин Андижон.

Бу днёрга кўклам ярашсин,  
Боғларига бирам ярашсин,  
Мақтамоққа шеър ҳам ярашсин,  
Бир ёнда гул, бир ёнда райҳон,  
Тушингизга кирсин Андижон.

Избосканда изларим қолди,  
Оловдайия сўзларим қолди,  
Лазгиларда қизларим қолди,  
Қизлариям бир куйдирмажон,  
Тушингизга кирсин Андижон.

Келажаги ёруғ, нақд ўзбек,  
Алпомишдан қолган шаҳд ўзбек,  
Султонингни асра, мард ўзбек,  
Эзгуликка йўғрилган макон,  
Тушингизга кирсин Андижон.

Шафтолиранг гуллар напормон,  
Қапалаклар ишққа андармон,  
Кўзларимда соғинч кетарман,  
Қалдирғочлар қўшиғи маржон —  
Тушингизга кирсин Андижон.

## БАҲОР

Яхши ўйлар оғушида авж билан келдинг,  
Турфа куйлар оғушида мавж билан келдинг,  
Насимларга ялла билан қўшиқ куйлатиб,  
Бошгинангда қизғалдоқдан тож билан келдинг,  
Баҳор!

Оппоқ қорин ярқиратиб олмослар мисол,  
Моргузор ҳам завқинг билан тебранса хиёл,  
Тароватинг, нафосатинг муҳаббатингни  
Ерга, элга ёйдинг бугун, саҳийсан, хушҳол,  
Баҳор!

Чорла мени, югурайин бағрингга шошиб,  
Чунон сени соғиндим-ку, дилгинам жўшиб,  
Сўз излайман сайқал дея шаънингга ранггин,  
Ахир ўзинг сайқалсан-ку, келдинг нур сочиб,  
Баҳор!

Энтикаман, шодланаман борлиққа боқиб,  
Вужудимга шеър қуйилар, куй келар оқиб,  
Оҳанглардан, оқ тонглардан сўраб олганим,  
Билсанг энди, оҳ, қанчалар кетишинг ёқиб,  
Баҳор!

### САРАТОН

Саратон-у саратон,  
Кўзингдан ўпсин райҳон,  
Сариқ сочли нессиқ жон,  
Бир қултумгина сув бер.

Олмалар пишиб кетди,  
Олчалар пишиб кетди,  
Сойлар тўн ечиб кетди,  
Бир қултумгина сув бер.

Қуёш ёнди, нур ёнди,  
Оловингда ер ёнди,  
Яйлов, ўтлоқ бир ёнди,  
Бир қултумгина сув бер.

Бағрингда куйдир мени,  
Оташга тўйдир мени,  
Ўзингга суйдир мени,  
Бир қултумгина сув бер.

Чанқоғимни бос, жоним,  
Чигилимни ёз, жоним,  
Қийналди-ку, ёш жоним —  
Бир қултумгина сув бер.

### ЯХШИ НИЯТ

Ёмғир қорга айланди, пахталарим совқотди,  
Куч ғайратим, шаҳдим ҳам зардаларим совқотди,  
Хирмонларим совқотди, марзаларим совқотди,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

Офтоб урган далалар офтобларни қўмсайди,  
Офтоби ранг чаноқлар гулобларни қўмсайди,  
Кўнгилни иситгани офтоби-кун кулсайди,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

«Куз кун санар!» дейдилар, кун санаб меҳнат қилдик,  
Ўзамизнинг авжига кўз тикиб, роҳат қилдик,  
Бугун эса биз сенинг иззатинга термулдик,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

Қимирлаган инсоннинг бари бугун далада,  
Сен ҳам бир ҳиммат қилгин ҳиммат севар паллада,  
Иссиқ кунинг баҳоси ё кумуш, ё тилладан,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

Пахтасини бағрида иситган ота Ўзбек,  
Этигини далада тўзитган ота Ўзбек,  
Ҳатто душмангаям туз тутган ота Ўзбек,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

Сени оқ далаларда кутиб турган ўша — биз,  
Энг катта хирмон исми Ўзбекистон — гўшамиз,  
Ҳосил байрамларида соғ-омон кўришамиз,  
Деҳқонга чин имконни яратиб бер, табиат!

### ЖИЗЗАХ АЁЛЛАРИГА

Юзингиздан офтоб чиқиб, офтоб ботар,  
Кўнглингизга меҳрдайин моҳтоб ботар,  
Нечун баъзан бағрингизга азоб ботар,  
Бир-биридан ширин Жиззах аёллари.

Кўлдир ҳали феъли кўйи ёмонлар ҳам,  
Минг хил ғийбат, миш-миш билан гумонлар ҳам,  
Жоним билан дардингизни кўрай баҳам,  
Бир-биридан ширин Жиззах аёллари.

Ҳаётдир бу — кимга тожу-тахт беради,  
Кимга шодлик, кимларгадир бахт беради,  
Ҳаммамизнинг баҳомизни вақт беради,  
Бир-биридан ширин Жиззах аёллари.

Рўзгорингиз сизнинг ярим пирларингиз,  
Ёстиқларга қолиб кетди сирларингиз,  
Қадрингизга етсин фақат эрларингиз,  
Бир-биридан ширин Жиззах аёллари.

Қариндошим, жондошим деб сизни суйдим,  
Мен ўзбекман, имон деган либос кийдим,  
Сизни севиб-севиб бугун шоир бўлдим,  
Бир-биридан ширин Жиззах аёллари.

### ЁЛГИЗ АЁЛ

Ўтаверди кунлар, ҳафталар,  
Ўтирмади кечирим сўраб,  
Топдингизми бирортасини,  
Ёқимлироқ бизлардан кўра,  
Ҳижронларнинг оғриғи сим-сим,  
Иўқламайсиз бизни, ёлғизим.

Дунёдаги энг ширин ишқ,  
Айрилиқдир ёмондан-ёмон,  
Сиз мен айтган энг ҳалол қўшиқ —  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.  
Нечун ишқнинг қўшиқлари жим,  
Соғинмайсиз бизни, ёлғизим.

Ўртамизда сарсон жудолик,  
Юрагимни ўртар изтироб,  
Худо, бир бор қилгин худолик,  
Бераверма менга кўп азоб,  
Куйлар ярим, хандалар ярим,  
Сизни кутган бандалар ярим.

Сиз келасиз, яшнайдди дунё,  
Байрам булар бизнинг кўчада,  
Бўйинингиздан қучади гуллар,  
Тонг ҳам отмас ўша кечада.  
Зўрим йўқдир, Сизда бир зорим,  
Айбсатмайсиз бизни, ёлғизим.

Юзингиздан нурлар томганда,  
Нурафшон бир хаёл бўламан,  
Жоним, фақат Сиз келган куни  
Энг чиройли аёл бўламан.  
Энди Сизга бардошу тўзим,  
Инсоф берсин фақат ёлғизим.

## БАРНОҚИЗ

(Барноқиз табиблар таъқиқлаганига қарамай, фарзанд кўрди,  
уч қиздан сўнг ўғил топиб, боласи дунёга келган онда яфот этди)

Опасининг кўзини ёшлаб  
кетган Барноқиз,  
Бир уй полапонини ташлаб  
кетган Барноқиз,  
Киприклари қошига тегиб  
кетган Барноқиз,  
Тўрасининг бўйини эгиб  
кетган Барноқиз,  
Кенг уйнинг келинчаги  
бекасийдинг Барноқиз,  
Кимлар етмаган бахтнинг  
эгасийдинг Барноқиз,  
Минг келини танирдим  
чиндайин-а Барноқиз,  
Лекин кўрмаган эдим  
сендайини Барноқиз,  
Қайнонанинг ҳурмати  
бари савоб Барноқиз,  
Сени сўраганларга  
недир жавоб Барноқиз,  
Кўзларимнинг ёшлари  
ёмғирларда Барноқиз,  
Қўлингнинг изи қолди  
тандирларда Барноқиз,  
Менинг оҳу-фиғоним  
қай сўзда бор Барноқиз,  
Сенинг ҳусни одобинг  
қай қизда бор Барноқиз,  
Уч қиздан сўнг ўғилни  
армон қилган Барноқиз,  
Армонига етганда хазон  
бўлган Барноқиз,  
Бек боласин кўзига  
суртолмаган Барноқиз,  
Оёғини узатиб кетолмаган,  
Барноқиз,  
Очиқ кетди кўзларинг,  
ёпилмади Барноқиз,  
Алвидога лойиқ сўз  
топилмади Барноқиз,



Фаришталар руҳингни  
алқаб кетди Барноқиз,  
Тўртта боланг тўрт ёққа  
тарқаб кетди Барноқиз,  
Яратган азиз қилсин  
иззатларда Барноқиз,  
Жонгинанг омон бўлсин  
жашнатларда Барноқиз.

#### **АЁЛЛАРНИ АСРАНГ, ЭРКАКЛАР**

Гулдай сулув гулойимларини,  
Ойдан ойдин бегойимларини,  
Ипакдайин мулойимларини,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Нур тўкилар ёпоқларидан,  
Дур тўкилар дудоқларидан,  
Адо бўлиб фиरोқларида,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Упиб сочу анбарларидан,  
Қўзларининг гавҳарларидан,  
Уриб қўйинг жигарларидан,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Уйингизнинг мааникалари,  
Оғринмасин кўнгличалари,  
Муросадир дунёнинг бари —  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Кўнглига дов тушмасин унинг,  
Сочига оқ тушмасин унинг,  
Бошига тоғ тушмасин унинг,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Надоматдан, тўхматдан асранг,  
Фалокатдан, кулфатдан асранг,  
Асранг, оғир меҳнатдан асранг,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Ўзбек деган аслимиз ҳаққи,  
Нўқлаган тўрт фаслимиз ҳаққи,  
Тоза, ҳалол наслимиз ҳаққи,  
Аёлларни асранг, эркаклар!

Суянгувчи зўр тоғимиз Сиз,  
Ениб турган қароғимиз Сиз,  
Қим бўлмайллик паноҳимиз Сиз —  
Аёлларни асранг, эркаклар!

### ЭРКАКЛАР

Топшигани савоб, тутгани хайр,  
Ҳар яхши ишлари юртига доир,  
Тили ҳам, йўли ҳам, қўли ҳам ботир,  
Белида белбоғи бор эркакларни.

Кўнгилда ғайирлик асрамас ҳеч ҳам,  
Боласини севар хотинидан ҳам,  
Яхши ниятини кўради баҳам,  
Белида белбоғи бор эркакларни.

Мард бўлса айбингини кечиб қўяди,  
Ҳар замонда адашиб ичиб қўяди,  
Суйсаям, энг тоза аёл суяди,  
Белида белбоғи бор эркакларни.

Кўнгилда баяқийди меҳрдай офтоб,  
Бу гапни айтмоқлик менгаям азоб,  
Баъзи бировлари аёлдан хароб,  
Белида белбоғи бор эркакларни.

Жон аёл, айтайин тилгинам қўйиб,  
Яшайлик номусдай либосни кийиб,  
Ҳурматин қўйайлик жойига қўйиб,  
Белида белбоғи бор эркакларни.

### ИГИТ ИИГЛАМАСИН

Боғларда булбуллар йиғласин майли,  
Сочлари сунбуллар йиғласин майли,  
Маъжус мажнунтоллар йиғласин майли,  
Иигит йиғламасин дунёда.

Ёмғир булут бағрини сўқар ўша кун,  
Оҳорли ёшларни тўқар ўша кун,  
Забардаст тоғлар ҳам чўқар ўша кун,  
Иигит йиғламасин дунёда.

Ҳар уйнинг чироғи, нури бўлакча,  
Юракка солган ишқ-қўри бўлакча,  
Ҳар жойда эркакнинг ўрни бўлакча,  
Йигит йиғламасин дунёда.

Йигитнинг кўзини нам қилма, ҳаёт,  
Бошгинасини эгик, ҳам қилма, ҳаёт,  
Кўрган кунларини кам қилма, ҳаёт,  
Йигит йиғламасин дунёда.

Бир сўзни ахтариб юрардим доим,  
Шу сўзни мен бугун топдим, худойим,  
Бўлмасин десангиз қиёмат қойим,  
Йигит йиғламасин дунёда.

### ТҲИДА

Албарафшон нурлар чўлғар тўйхонани,  
Қимдир четда ёзиб турар тўёнани.  
Бир париваш азиз бошим ерга эгиб —  
Азиз қилиб кириб келар оstonани.

Жоним келни, севинг куёв — парвонани,  
Дардингизда дарди кўйи бегонани.  
Икки дунё хор бўлмайсиз, мен кафилман,  
Асрасангиз қайнота-ю қайнонани.

### АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ҚИЗЛАР

Бир чиройли, бир латиф,  
Нилуфар гулдай, зариф,  
Боқсанг, кетар қизариб,  
Атлас кўйлакли қизлар.

Нигоҳлари маъноли,  
Тирноқлари хиноли,  
Малакдирлар иболи,  
Атлас кўйлакли қизлар.

Кундан тиниқ кунсулув,  
Ойдаи ойдни ойсулув.  
Шамол ўлмаган оҳу,  
Атлас кўйлакли қизлар.

Табассуми яширин,  
Нози ўзидан ширин,  
Буй етган бирин-бирин,  
Атлас кўйлакли қизлар.

Ҳар бири бир гул чамап,  
Гап отмоққа қўрқаман,  
Хаёлимда қучаман,  
Атлас кўйлакли қизлар.

Юринг яйраб, яшариб,  
Гулзорларга ярашиб,  
Кетай сизга эргашиб,  
Атлас кўйлакли қизлар.

### САРВИГУЛИМ

Сарвигулим, жону дилим,  
Яшнаб турган атиргулим.  
Дардинг билан ёниб битди,  
Юрак бағрим тилим-тилим.

Сарвигулим, жону дилим,  
Менинг бир туп атиргулим.  
Ҳар замонда хабар олгин,  
Биз томонга тушса йўлинг.

Сарвигулим, жону дилим,  
Яшнаб турган атиргулим.  
Етмиш икки томтиримда  
Меҳринг оқар — кўклам кўнглим.

Сарвигулим, жону дилим,  
Менинг қизил бахмал гулим.  
Шакар лабинг оташида  
Соқов бўлар бийрон тилим.

Сарвигулим, жону дилим,  
Менинг тоза райҳон гулим,  
Сенсиз менинг кўнглим ярим —  
Бошимгаям етмас қўлим.

Сарвигулим, жону дилим,  
Бунчаларам қилма зулм.  
Бошқа қизга назар қилсанг —  
Шул кун мени топар ўлим!

## ДУНЕ

Кўрни кўрсанг кўзинг қис, кўзлари кўр дунё бу,  
Карни кўрсанг эшитма, қулоғи кар дунё бу,  
Зўрларга зўр, зарликка бисёри зар дунё бу,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Юрагим бешигига армонларни беладим,  
Кўзимнинг кипригига ҳижронларни миҳладим,  
Йиғлоқи булутларни ўпиб-ўпиб ухладим,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Ширин-ширин кунларим болаликдан хотира,  
Умидим тўй кўрмаган бўй қизлардай бокира,  
Ҳақнинг манзили сари яхши куним йўлқира,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Кимга ҳаёт кун ўтар деган эрмак туюлар,  
Кимга ғийбати бисёр ёлғон эртақ туюлар,  
Кимга миннати бешак чархи ўрмак туюлар,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Тегирмоннинг тошида янчилган бошим омон,  
Кўзим кўриб турибди, қолгани бари гумон,  
Қўлларингни кессалар алам қиларкан ёмон,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Битта гапим, бандасин ҳар эшикда хор қилма,  
Номарднинг бир сўзига маҳтал қилмай, зор қилма,  
Тарозинг палласини тенг қўйгин, ночор қилма,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

Кўзим ёшин артмасанг, сендай дунё керакмас,  
Мурувватингдан ўзга дарди шифо керакмас,  
Йўқса ҳеч кимга мендай бир бедаво керакмас,  
Мен обдон боқиб бўлдим, энди менга боқ, дунё.

## ТУРТЛИКЛАР

Шеърдан бўлган менинг ҳамма қон, томирим,  
Шеър демасанг, томчиликдан тон, томирим.  
Мен юртимни куйлаш учун туғилганман,  
Жиззах менинг жонимдаги жон томирим!

\* \* \*

Сен ҳуснига тоб беролсанг, ой сеники,  
Шалоласи пиллапоя сой сеники,  
Раҳбар бўлсанг миллатингни тани аввал,  
Шундагина энг мўътабар жой сеники.

\* \* \*

Ақлинг етмаса агар, султонни даъво қилма,  
Бўйинг етмаса агар, осмонни даъво қилма.  
Ортингдан бирор гиёҳ кўкартира олмасанг,  
Чўллингича қолурсан, бўстонни даъво қилма.

\* \* \*

Оқни қора дейдилар оқлигин кўриб,  
Кўнсанг, яхши бўласан, тўғри бўласан.  
Зиғирча эътироз билдирсанг борми,  
Муттаҳам бўласан, ўғри бўласан.

\* \* \*

Қалбдаги сир бўлмоқ осон эмасдир,  
Кўздаги нур бўлмоқ осон эмасдир.  
Узингизни асранг бегона кўздан,  
Шоирга ёр бўлмоқ осон эмасдир!

\* \* \*

Иисит гул тутади, қиз-чи қиёлаб,  
Ийманур одмоққа гулни гулни-чечакни.  
Не тонг бир кун келиб шу иккала қалб —  
Ийманиб кўтарса оппоқ йўрғакни.

\* \* \*

Юлдузга ўз юрти — осмон яхшироқ,  
Дилдан сўзлашгани инсон яхшироқ,  
Ортингдан гап ташиб юргувчи дўстан,  
Кулиб жон олгувчи душмон яхшироқ.

\* \* \*

Ажаб, юракка сира буюриб бўлмас, жоним,  
Кўнгилинг туғёнлари яна қоғозга кўчди.  
Бўйингизни кўрмасам, қандай ўтаркин куним,  
Бир кунгина кўрмовдим, осмон узилиб тушди.

\* \* \*

Не гап бўлди бугун?

Дил зада бўлди,  
Бир ширин табассум арзанда бўлди.  
Йўқламай қўйдилар йўқлагучимиз,  
Уликмиз, агарчи жон танда бўлди.

\* \* \*

Кўришармиз ҳали бошлар омон бўлса,  
Вақт кўрсатар ким яхши, ким ёмон бўлса.  
Ен-атрофим тўла минг хил одам билан,  
Қани энди ҳамма сиздек инсон бўлса.

\* \* \*

Имон менинг кўйлагимдир, Имондан бошқа  
Адолатдир сизинганим, шу бонс каму-кўстим йўқ,  
Ҳар яхшига ризқ тилаган бандасиман  
Худо таниш — билишимдир, Худодан бошқа  
Муҳаммаднинг,  
дўстим йўқ.

\* \* \*

Яшасанг олов бўлиб, яшагин, дўстим,  
Тутантириқ бўлма, машъала бўлгин,  
Йиқилсанг олдинга қараб йиқил-да,  
Қунинг битса, чўғни чангаллаб ўлгин.

\* \* \*

Мен Худодан меҳр деган нур сўрадим,  
Эзгуликдай қимматбаҳо дур сўрадим,  
Мансаб билан молу-дунё ўткинчидир,  
Дардингизни оладиган шеър сўрадим.

\* \* \*

Сиз битмас қўшиқсиз тилимда менинг,  
Ёдингиз ҳамнафас йўлимда менинг,  
Остонангиз аро қул бўлар эдим,  
Агар бўлганида қўлимда мешинг.

\* \* \*

Ўзбекка эрк деган тақдир ярашди,  
Тақдирни мақташга шоир ярашди,  
Қўлингизга ҳовучлаб, ичинг, биродар,  
Жиззах наврўзига ёмғир ярашди.

\* \* \*

Кўзларингда ноёб меҳр бор,  
Кўзларингда жозиба, нур бор.  
Афсус, ўзинг билмасан буни —  
Кўзларингда покиза шеър бор.

\* \* \*

Марварид тун, сени жондан ҳилол севсим,  
Ҳар ошиқ ўз жуфтини поку ҳалол севсин.  
Қаҳри қаттиқ бўлар агар кўнгли қолса,  
Севадиган бўлса агар аёл севсин!

\* \* \*

Оёғингиз юриб турсин, юриб турсин,  
Юрагингиз тўхтамасдан уриб турсин.  
Бандасининг кўрганлари омонатдир —  
Худо сизни ҳар қадамда кўриб турсин!

\* \* \*

Сиз киприкни йўқотсангиз кўз ичида ахтаринг,  
Дона холни бир чиройли тоз ичидан ахтаринг.  
Яхши сўздан дур теради, олтин терар, нур теради,  
Шоирларнинг кимлигини сўз ичидан ахтаринг.

#### ҚАТРАЛАР

Мен кузни ёмон кўраман,  
Кузни кўзларим кўрмайдн,  
Зотан куз...  
Рад этилган севгисига ўхшайди қизнинг...



\*     \*     \*

Қўлларингда тилло узук,  
                                   кўзи сузук,  
 Қўзларингга боқолмайман, сўнган ўтми ёқолмайман,  
 Қўлларингда тилло узук,  
                                   Ўксиб қолдим,  
                                   Ўксиб, ўксиб, ўксиб...

### ТИЛАК

Мен сизга не тилайман,  
 Узоқ умр тилайман.  
 Худодан «бандам» деган,  
 Калима-нур тилайман.

Эркакнинг чўнтагига  
 Қут-барака тилайман.  
 Уйдаги фарзандига  
 Тўй-маърака тилайман.

Лёлиннг жони гулдан,  
 Гулдан юрак тилайман.  
 Ҳар байрамда ялтироқ —  
 Янги кўйлак тилайман.

Элим!  
 Дардингни айтган  
 Битта куйчи болашгман.  
 Дардларим кўп демагин,  
 Дардларингни олай ман.

Менинг ҳалол бешигим,  
 Гийбатларга бермайман.  
 Жиззах — менинг жаннатим,  
 Жаннатларга бермайман.

Дўстлар!  
 Ўзбекка монанд  
 Компили инсон бўлинг.  
 Энди менга ижозат,  
 Сиз эса омон бўлинг!

## ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАСИ

Садафгина маржонмидинг, дурмидинг,  
Тонгдай тоза фариштадай нурмидинг,  
Ўзбекона меҳр менман дермидинг,  
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

Муъжиза-ку етти рангли камалак,  
Атласмикин, барқутмикин ё ппак,  
Тут баргидан яралган ҳайрат демак,  
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

Уй тўрида иззатланган фарзандим,  
Меҳнатимдан зумрадланган оқ қандим,  
Отамерос касбим — қадрли баландим,  
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

Сахий юртга кўзмунчоқдай зеб тушган,  
Жайрон-жайрон келинларга сен тушган,  
Бунча сенинг хислатларинг кўп тушган,  
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

Заргар элнинг йўли ёруғ мунаввар —  
Топгани зар, тутгани зар, қўли зар —  
Ер юзини ясатмоғи муқаррар,  
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

Ихлос қилсанг келгай Хизрдан дуо,  
Мисқолинг ҳам кўзимизга тўтиё,  
Ният қилдик, юксалавер!

Бисмиллоҳ!

Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

## ПАЙҒАМБАР ЭЛИМ

Менинг она элим, жон, жондош элим,  
Туркийлар қавмига қариндош элим,  
Бирдан бино бўлган мингга бош элим,  
Мен сизга чин сўзлар айтгани келдим,  
Мен сизга наврўзлар айтгани келдим.

Меҳнат билан топдингиз бахтингиз бугун,  
Иймон билан кўрдингиз тахтингиз бугун,  
Кўрсин кенг бу олам шахтингиз бугун,  
Менинг деҳқон элим, менинг жон элим,  
Кўнгли дарёликда Зарафшон элим!

Кетялман қаламдай содиқ дўст топиб,  
Қани шеър битолсам, арзир сўз топиб,  
Яшайман чопонингиз барини ўпиб,  
Тупроқ ҳидларига сармаст боламан,  
Улмасам, сизга лойиқ фарзанд бўламан.

Қайда бўлмай юрак дардим ўзингиз,  
Ҳалолдир едирган пону тузингиз,  
Шоир бўлармиди она қизингиз —  
Бўлмасангиз агар самандар элим,  
Менинг сиғинганим пайғамбар элим!

## МУНДАРИЖА

Абдулла Орипов. Шоиранинг фазилати	1
Элим	1
Ўзбекистоним	1
Ўзингга буюрсин, элим!	1
Биз кечиримли халқмиз	1
Ўзбекистон полвонлари	1
Азия элга	1
Бир-бирингни асра, ўзбегим	1
Нидо	1
Хайрат	1
Мадҳия	1
Пок нома битдим	1
Темур фарёди	1
Қайтгин, болам	1
Ишониш!	1
Аёлини алқаган эл	1
Хорижлик ўзбеклар қўшиғи	1
Ватан	1
Хуш келибсан, Наврўзим!	1
Жиззах аёлери	1
Худо умр берса	1
Ой ботмади бу кеча	20
«Сизни кўрган кунимда ўзгача эди олам»	20
Сиз менга ёқасиз	21
Соғиндим	21
Алам	22
Ушалмаган бахт	22
Қаламқошим	23
Беш кетаман	24
Бўйлари киёматим	24
Бир сўз айтгинг	25
Соғиниб кетдим	25
Мени ҳеч ким ўзингиздай тушунмайди	26
Меникисиз	26
Ўзингизни кўргим келди	27
Севилмаган келинчак	27
Мени ўзга дунёларга олиб кетинг	28
Мухаббат пок, муҳаббат ҳалол	29
«Бахтим, икки дунё бахтини»	29
Термулгим келди	29
Менинг севгимга ишон	30
Мен сени қизғонаман	31

иниматим . . . . .	31
ширдннгиз . . . . .	32
рингга шукур . . . . .	33
ингиздан кўринг . . . . .	33
ардингизда куйиб кетди . . . . .	34
эмон . . . . .	35
атижо . . . . .	35
элим денг . . . . .	36
ўзларимда кўзларингиз қолди . . . . .	37
стонаси тилло ёр . . . . .	34
на сизга . . . . .	38
лпоғойим . . . . .	39
ир дона бўлай ўзим . . . . .	39
дишмайман . . . . .	40
сиззахларда . . . . .	40
енга ҳеч не керак эмас . . . . .	41
изғонаман . . . . .	41
вгинамда сиз борсиз . . . . .	42
издек бўлолмайди . . . . .	42
елмайсан, жоним . . . . .	43
евгидим! . . . . .	44
улиб қўй ўзимга қараб . . . . .	44
урбон бўлай . . . . .	45
Менинг ҳозир авж иардада куйлар пайтим» . . . . .	45
рижон . . . . .	46
ен бўлмасанг . . . . .	46
улойим . . . . .	47
ен сизни ҳеч кимга бермайман . . . . .	47
умушибни ноласи . . . . .	48
иғизим . . . . .	49
ўшиқ . . . . .	49
елмадинг . . . . .	50
абар олмасанг . . . . .	50
иниг айтган ёр-ёр . . . . .	51
издан айрилгиндан кўрқаман . . . . .	52
Тушингизда тинчнматдим, тушлар қани» . . . . .	52
из ҳам ганиматмиз . . . . .	53
зафо бўлиб уйғонаман . . . . .	54
Азизим . . . . .	54
Жоним, жонимдан ўтган қийноқ мени қўймайди» . . . . .	54
инемадим . . . . .	55
Аухаббатнинг юзларидан ўполмадик . . . . .	56
Бевги . . . . .	56
Қорақуз . . . . .	57
7тинч . . . . .	57
Кўзларингни соғинаман . . . . .	58
Анонинг . . . . .	59
Келмадингиз . . . . .	59
«Менинг ҳеч кимсага ёмонлигим йўқ» . . . . .	60
Сизга неки сўзладим . . . . .	60
Араз . . . . .	61
«Байрамлар келади гулни ёпиниб» . . . . .	61
Алла . . . . .	62
«Болам, сени оличлаб, зўрга катта қиляпман» . . . . .	62
«Ой кеча, ойдин кеча, ойи хиёл эгилган» . . . . .	63
«Сен кўзининг қорачиги, керагимсан, болажон» . . . . .	63

Ота-онамга . . . . .	63
Дадажон . . . . .	64
Арэямас . . . . .	65
Жоним, болам . . . . .	66
Отажон . . . . .	67
Уғлим . . . . .	67
Доно онам . . . . .	68
Болам . . . . .	69
Ота уйим . . . . .	69
Сизга вақт топмадим, аяжон!	70
Сизга етолмаган кунларим	71
Чорлов . . . . .	72
Киагинам . . . . .	72
Сиздан бўлак . . . . .	73
Қайнонамга . . . . .	74
Болаларим, соғиндим . . . . .	75
Онамга . . . . .	76
Ота . . . . .	77
Онамнинг тилаги . . . . .	77
Жавоҳирнинг хотирасига . . . . .	78
Жавоҳир . . . . .	80
Онамнинг айтганлари . . . . .	80
Синглим . . . . .	81
Туйхат . . . . .	82
Дўстим қолмади . . . . .	83
Муҳаммад . . . . .	84
Кизимга . . . . .	84
Ният . . . . .	85
Асра энди, Худойим . . . . .	85
Ёлғон дунё . . . . .	86
Яхшиликка элчиман . . . . .	87
«Бирни кўриб фикр қил»,— фикр қилиб яшадям» . . . . .	87
Армон . . . . .	88
Ҳақ сўз . . . . .	89
Ойнинг уш бешини . . . . .	89
Айтсин . . . . .	90
Олишса мен билан . . . . .	91
Ўз элимга сизмадим . . . . .	91
Тухмат . . . . .	92
Кетар бўлсам . . . . .	93
Мендан ўтмайdimи? . . . . .	93
Кунглим . . . . .	94
Тенг бўлама . . . . .	95
Бизнинг кўчада . . . . .	96
Умр деганлари . . . . .	96
Қийноқ . . . . .	97
Дўстим мени сотган кун . . . . .	97
Таскин . . . . .	98
«Дўстга зор қилма, Худо» . . . . .	99
Диёнатни ютманг, иним . . . . .	99
Ҳақиқат . . . . .	100
Эй, дўст . . . . .	101
Номардларга айтмагин . . . . .	101
Насиҳат . . . . .	102
Ювагимга . . . . .	103
«Надин бунча оқардинг-ей сочим менинг» . . . . .	103

Жон биродар, у томонга кетгунча	104
Ёзуғимда нималар бор	105
Юрагим ёмон санчди	105
... Га	106
Мен билган дунё	106
Оқибат	107
Меҳр	108
Муаллим	109
Учрашамиз	110
Иқроф	110
Шоирлар	111
«Қайга қуриш нима барди?»	112
Омонат	112
«Ит қариса тоза бўлади»	113
Шукур қилинг	113
Мен яна янги шеър ёзавераман	114
Марғилонга бориб келай	115
Тушингизга кирсин Андижон	116
Баҳор	116
Саратон	117
Яхши ният	117
Жиззах аёлларига	118
Елғиз аёл	119
Барноқиз	120
Аёлларни асранг, эркаклар	121
Эркаклар	122
Пигит йиғламасин	122
Тўйда	123
Атлас кўйлакли қизлар	123
Сарвиғулим	124
Дунё	125
Тўртликлар	125
Қатралар	128
Тилак	129
Ўзбекистон пилласи	130
Пайгамбар элим	131

Адабий-бадий нашр

**САИЕРА ТУЙЧИЕВА**

**Э Л И М**

**шеърлар**

Муҳаррир **М. Содиқова**  
Тех. муҳаррир **Н. Жўраева**  
Мусахҳиҳ **К. Одилов**

Теришга берилди 16.06.2000. Босишга рухсат этилди 10.07.2000.  
Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шарт-  
ли босма т. 8,5. 5000 нусха. Бўюртма 773.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Гуломов  
кўчаси, 70.

ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент,  
Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.